

БАХОР
ҚАСАДИ



севги
севги
хикоялари
хикоялари

БАҲОР КАСАЛИ


(турк севги ҳикоялари)

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2010

Муаллифлар ҳақида маълумот
ва ҳикояларни тўпловчилар:
Адҳамбек Алимбеков, Мактуба Жўраева.

Қўлингиздаги ҳикоялар тўпламида машҳур турк ёзувчиларидан Ўрхон Камол, Умар Сайфуддин, Саид Фоиқ, Сабоҳиддин Али, Шавкат Южалларнинг ишқий мавзудаги ҳикояларидан намуналар жамланган. Турк адабиётида ўзига хос ўрни бўлган бу ижодкорлар асарлари турк ҳикоячилиги ҳақида китобхонда маълум бир тасаввур уйғота олади. Мавзу жиҳатдан турк ҳикояларининг ранг-баранг эканлиги табиий. Лекин севги ҳикояларида инсоннинг руҳий ҳолати кўпроқ акс этганлиги ва муҳаббат умуминсоний туйғу бўлганлиги билан ҳам шу мавзудаги туркум ҳикояларни тўплаб китобхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик. Келажакда бу ишни давом эттириб, шу мавзуда яна туркум китоблар нашр қилиш ниятидамиз.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



ТУРК ҲИКОЯНАВИСЛИГИ

Бой адабий меросга эга турк адабиётида ҳикоя жанри нисбатан кейин яратилган адабий жанрлардандир. Биз бугунги кунда алоҳида жанр сифатида ўрганадиганимиз драматургия, романчилик, ҳикоячилик турк адабиётида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб, ривожлана борди. 1839 йилнинг 3 ноябрида Султон Абдулмажид томонидан имзоланиб чиқарилган фармон Туркия ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар ясалишига асос бўлди. «Хатти шариф» дея улуғланган бу фармонда янгича сиёсат юришнинг, давлатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини аниқлашга уриниш бор эди. Шу сингари ҳаракатлар натижасида XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда кескин ўзгаришлар бўлди. Барча соҳада бўлганидек, бу ўзгаришлар адабиёт ва санъат соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Турк адабиётининг томила янгича қиёфа кашф этишида муҳим давр бўлган XIX асрнинг иккинчи ярми Танзимат, яъни реформалар даври деб юритилади. 1860—1895 йилларни қамраб олувчи бу вақтда (бу санага нисбий қараш тўғрироқ, чунки бир-икки йил фарқ бўлиши табиий) адабиётда кўплаб янги жанрлар пайдо бўлди, жумладан, ҳикоя жанрининг илк намуналари ўша йиллари яратилди. Бу дегани турк адабиётида аввал наср йўқ эди дегани эмас, фақат бошқача кўринишда эди. Халқ ҳикоялари, сафарнома, сафаратнома каби жанрларда насрга хос асосий унсурлар бўртиб турарди. Биз наср тушунчасига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашмоқчимиз. Шу боис турк ҳикоячилиги йўқ жойдан пайдо бўлган эмас, унинг асослари бор эди. Танзимат даврида турк адабиётида ҳикоя жанрининг яратилишида уч муҳим омил асос бўлди.

1. Халқ оғзаки ижоди намуналари.
2. Мумтоз турк адабиёти (бунга сафарнома ва элчиларнинг сафаратномасини ҳам киритдик).
3. Жаҳон адабиёти (биринчи навбатда, француз адабиёти).

Шунингдек, Туркияда нашр ишларининг бошланиши ҳам, адабиётда янги жанрлар шаклланишини жадаллаштирди. Биринчи бор турк тилида чиққан босма китоб 1729 йил 31 январда дунё юзини кўрган эди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрда бу соҳа анча

ривожланиб, давлат типографиялари вужудга келди. Хусусан, 1822 йил Қоҳирада қурилган «Булоқ» типографияси асосан турк тилида китоблар чоп этарди. 1860 йил октябрдан Иброҳим Шиносий (1824—1871) нашр эттира бошлаган «Таржимони аҳвол» газетаси, 1862 йил июнидан чиқарилган «Тасвири эфкяр» газеталари ҳам Танзимат даври адабиётидаги янгиланишларни тезлаштирди. Иброҳим Шиносий (1824—1871), Номик Камол (1840—1888), Аҳмад Мидҳат (1844—1912), Муаллим Ножи (1850—1893), Сами Пошозода Сазоний (1860—1936), Набизода Нозим (1862—1893), Холид Зиё Ушоқлигил (1866—1945), Умар Сайфуддин (1884—1920), Холида Адиб Адивар (1884—1964) Рашод Нури Гунтекин (1889—1956) каби ижодкорлар турк насрчилигининг тамал тошини қўйиб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Яшар Камол (1922), Азиз Несин (1915—1995), 2006 йил Нобель мукофотига сазовор бўлган Ўрхон Памуқ (1952) (бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин) сингари ёзувчилар турк насрини жаҳон миқёсга олиб чиқдилар.

Сўнгги юз эллик йилда турк ҳикоячилиги шаклланиш, ривожланиш, юксалиш босқичларидан ўтиб, камолот даврига етишди. Илк турк ҳикояларига сюжетнинг соддалиги, муаллиф изоҳларининг кўплиги, мавзу доирасининг торлиги, асар тилининг жўнлиги хос эди. Масалан, биринчи ҳикоянавислардан Аҳмад Мидҳат халқ мақоллари асосида ҳам ҳикоялар ёзган. Танзимат даври ёзувчилари ҳикояни ўқувчининг кўнглини ёзадиган жанр деб билиб, айна пайтда маълум ғояни, фикрни тарғиб қилишда бу жанрдан кенг фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Билим олиш, аёлларнинг жамиятда ҳуқуқларини поймол қилмаслик, умуман, маърифатпарварлик ва ахлоқий-тарбиявий масалаларни кўпроқ ёритганлар. Аҳмад Мидҳатнинг «Дипломли қиз», «Уйланиш» ҳикоялари бунга яхши мисол бўла олади.

Турк ҳикоячилиги тарихида Умар Сайфуддин ижоди айниқса муҳим ўрин тутади. Қисқа умри давомида юздан ортиқ ҳикоялар ёзган ижодкор ўз асарларини «Янги мажмуа», «Шоир», «Вақт», «Турк дунёси», «Оқшом» каби матбуот саҳифаларида чоп эттиради. Умар Сайфуддин ҳикоялари воқеликни реалистик акс эттириш, инсон руҳиятининг нозик қирраларини маҳорат билан чизиб бериш билан ажралиб туради. «Баланд пошналар», «Қуриган ёғочлар», «Мармар дастгоҳ», «Бенамоз», «Нодон», «Уч насихат», «Камалак», «Мерос» ва бошқа кўпгина ҳикоялари юксак бадиий савияда яратилган бўлиб, бу жанрнинг ажойиб намуналаридир. Айниқса, ватанпарварлик мавзусидаги ва сатирик руҳдаги асарлари ёзувчига катта шуҳрат келтирди.

Ҳикоя жанри ривожига катта ҳисса қўшган ёзувчилардан яна бири Сабоҳиддин Алидир. Ёзувчи мавзу жиҳатдан ранг-баранг

бўлган асарларида оғир турмуш кечираётган камбағал кишилар ҳаётини бутун аянчли томони билан акс эттира олган дейиш мумкин. «Ҳозлар», «Ўрмон фожиаси», «Асфальт йўл», «Арава», «Метрика», «Икки хотин», «Ариқ», «Буйрак» ана шундай ҳикоялар сирасига киради.

Шунингдек, Сабоҳиддин Али болалар бош қаҳрамон бўлган бадий пухта асарлар ҳам ёздики, бу ҳикояларни ўқиган кишининг қалби тўлқинланмай иложи йўқ. «Даромадли уй», «Кичкина Ҳасан», «Айрон» каби ҳикояларни мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Ёзувчи асарларининг тили ҳам ниҳоятда ширали бўлиб, унинг сўз қўллаш маҳорати кишини мафтун қилади. Сабоҳиддин Али ижодини чуқур ўрганиб тадқиқотлар ёзган профессор Е. И. Маштакованинг бу борадаги фикрлари ниҳоятда ҳаққонийлигини эслатиб ўтиш жоиз. Е. И. Маштакова ёзади: «Сабоҳиддин Али ўз ижоди билан турк тили тараққиётида, такомиллашишида катта хизмат қилди, ёзувчи асарларининг тили учун неологизмлар — янги сўзларни топиб ишлатиш характерлидир. У асарларида қисқа жумлалардан фойдаланади, сўзларни жойлаштиришда маълум даражада эркинликка йўл қўяди, жумланинг таъсирчан ва содда чиқишига катта эътибор беради. Унинг ҳикояларида мақол ва маталлар, фольклорга хос бўлган гап тузилиши ва иборалар тез-тез учраб туради». Бу фикрни ҳикоялари ушбу тўпламга киритилган ёзувчиларга ҳам тааллуқли десак адашмаймиз. Китоб ўқувчиларда XX асрнинг биринчи ярми турк ҳикоячилиги хусусида маълум таассурот қолдириб, кўнгилларига завқ бағишлайди деган умиддамиз.

Адҳамбек Алимбеков,
филология фанлари номзоди, доцент.

УМАР САЙФУДДИН 1884—1920

XX асрнинг биринчи чорагида ижод этган Умар Сайфуддин турк ҳикоячилигини бир поғона юқори кўтарган реалист ёзувчидир. У Туркиянинг кичик кенти Гўненда туғилди. Бошланғич маълумотни олгач, Истанбулга келиб, Аюб Бойтар Руштиясини тугатди (1896). Эдирна Аскарлик идодиё¹ (1900) ва Истанбул ҳарбий билим юртини (1903) тугатгач, Измир, сўнгра Солоникада ҳарбий хизматда бўлади. 1911 йили ҳарбий хизматга истеъфо бериб, Салоникада нашр қилинадиган «Генч калемлер» журнали билан ҳамкорлик қила бошлади. Адабиётни ниҳоятда севган Умар Сайфуддин умрининг охиригача Истанбулдаги Кабатож лицейида ўқувчиларга (1913—1920) адабиётдан сабоқ берди.

Умар Сайфуддин ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Илк шеърлари «Мажмуаи адабиёт» журналида 1900 йили эълон қилинган. У «Генч калемлер» журналининг фаол муаллифларидан бўлган. Унинг ҳикоялари, публицистик мақолалари («Янги мажмуа» (1917—1918), «Шоир» (1918—1919), «Вақт», «Турк дунёси», «Оқшом» (1918—1919) каби) матбуот саҳифаларида чоп этилади. Умар Сайфуддин қисқа ижодий ҳаётида юздан ортиқ ҳикоялар ва «Эфрўз Бей» романини адабий мерос қолдирди. Унинг асарларидаги воқеалар ёзувчининг ўзи яхши билган кундалик ҳаётдан олинган. Болалигида таъсир қилган ҳодисалар ҳарбий хизматда кўрган кечинмалари ва халқ ижоди ёзувчига бой адабий материал бўлиб хизмат қилган.

Ёзувчи қаҳрамонларини турли вазиятларда тасвирларкан, уларнинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини очишга урғу беради.

БАҲОР КАСАЛИ

Эҳ, кечиккан ёшлик!

Баҳор кунларида тонг пайти киши ўзининг иссиққина ўрнидан қандай тетик ва хурсанд бўлиб туради! У ётган жойидан

¹ *Идодиё* — ўрта мактаб.

керишмасдан, у ёқ-бу ёққа ағдарилмасдан, сут ёки нонуштанинг берилишини кутиб ўтирмасдан, дик этади-ю, ўрнидан туради, кўзларини ишқаламайди, юзларини бужмайтирмайди, тўғри ювиниш хонасига ўзини отади.

Бундан икки ҳафта илгари мен ҳам ўз хонамда шундай бахтли ва соғлом йигитлардек уйғонган эдим. Кун эндигина ёришиб келаётган эди. Узоқдан булбулнинг сайраши эшитиларди. У, балки тун бўйи ухламаган бўлса керак.

Мен жуда очиқиб қолибман, лекин танамда ҳеч қандай ҳоргинликни сезмасдим. Мен каравотдан сакраб тушдим-да, деразани очиб юбордим. Гуллаб ётган дарахтлар ва бойчечак билан қопланган гулзордан гуп этиб тоза ҳаво аралаш нам, ҳушбўй ҳид димоғимга урилди. Номаълум севинчдан юрагим орзиқиб кетди. Шу пайт бирдан кўчага чиқиб, кимсасиз йўллар, мудраётган қиргоқлар бўйлаб югуриб, бақиргим келди.

Чап томондаги оқ уйнинг тепасидан кўриниб турган бинафша ранг осмон тонг яллиғи билан қопланган гўзал бир манзарани акс эттирарди.

Юрагим бирдан «гурс-гурс» этиб ура бошлади. Неча йил бўлди, ҳа, ҳа, неча йил бўлди менинг мана шундай манзарани кўрмаганимга!.. Мен осмондан кўз узмай, бинафша рангнинг борган сари тўқ қизилга айланиб кетаётганини томоша қиларканман, тезгина кийиниб олдим. Пастга тушаётиб хизматкорни учратдим. У мени доим ўринда қиём вақтгача чўзилиб ётишимни яхши биларди. Бунга одатланиб қолган хизматкорим ўзини йўқотиб кўйди.

— Қаҳвангизни ичмайсизми? — сўради у мендан.

— Ичгим келмаяпти, Муҳаммад. Шошилиб турибман.

Мен шудринг босган кўм-кўк ўтли боғдан ўтиб кетдим. Куёш чиқадиган томонга борадиган йўлда ҳеч зоғ кўринмасди.

Мен шу йўл бўйлаб кета бошладим. Деразаларнинг эшиклари берк турган уйлар худди ухлаётган кўзларни эслатарди.

Шу тариқа мен тахминан ўн дақиқадан мўлроқ йўл юрдим. Ҳар хил узук-юлуқ хотиралар фикримни чулғаб, мени ҳаяжонга соларди, Кўз олдимда қандайдир хотин-қизларнинг чехралари, кушлар овози, ҳали очилмаган лолалар, эсдан чиққан эркалашлар, муҳаббат йўлида қурбон бўлганлар гавдаланарди... Боғларнинг деворлари устида капалаклар пириллаб учиб юрарди. Мен Чифтаҳовузларга¹ тушдим, кейин, Фонарбоғчага² бордим. Оёқларим чарчаш деган нарсани билмасди! Фонарбоғчадан Қаламиш

¹ Чифтаҳовузлар — Истанбулнинг Осиё қирғоғидаги ери.

² Фонарбоғча — Мармар денгизидаги ярим орол.

қўлтиғига ўтдим. Ўнг томонда экинзорлар чўзилиб ётарди. Мен денгиз қирғоғи бўйлаб келарканман, хаёлимда Жюль Верн тасвирлари гавдаланарди. Менга тўп-тўп қилиб уйиб қўйилган бир қанча денгиз ўтларидан сакраб ўтишга тўғри келди. Ниҳоят, узоқдан унга ҳеч қачон етиб бўлмайдиган сароб шаҳар — Қадикўй кўринди. Теварак-атроф тонг нурига йўғрилган эди. Уйларнинг деразалари чиқиб келаётган қуёшнинг шуъласидан ялт-ялт қиларди. Экинлар анчагина бўй чўзиб қолган очиқ баҳор кунларида эрта билан мана шундай кенг, ёруғ кўчаларда сайр қилиб юриш қандай яхши! Мен Бағдод тош йўлига чиқдим, Қушдили¹ ва Фикир-тепа баландлигини орқала қолдириб, Қадикўйга равона бўлдим. Нон дўкони ёнида хизматкорлар тўпланиб туришарди. Қаҳвахона ва дўконлар эндигина очила бошлаган эди.

Мен ҳозир бир бахтли шаҳарда сайр қилиб юрганимга ишончим комил эди.

Оёқларим мени ўз-ўзидан пристан томонга бошлаб кетди. Дурустгина кийинган аёллар, ёшгина қизлар, қувноқ мактаб болалари ва бошқалар пароходга патта олишарди. Назаримда, уларнинг ҳаммаси жуда ҳам бахтиёр кўринарди. Беихтиёр уларга қўшилишиб мен ҳам патта сотиб олдим. Қандайдир бир бола зўрлаб менга бир газетасини сотди. Мен уни очиб кўрмасданоқ чўнтагимга солиб қўя қолдим. Кейин зинадан кўтарилиб, палубага чиқдим.

Шу куни денгиз худди кумушсимон ранг билан қопланганга ўхшарди. Бундан бир соат илгари маъюс ва ғамгин кўринаётган Истанбулнинг осмонўпар миноралари қуёш чиқиши билан ўзининг яққол тасвирини йўқотиб, ёруғликка сингиб кетди ва мана энди ҳозир ҳашаматли, муҳташам сарой-шаҳар кўзни қамаштирар даражада ялтираб турарди.

Мен фикран ўзимни ўша ерга кўчириб, қадимий мрамор устунлар ва худди эртақлардагидай гўзал боғ-роғлар оралаб кеза бошладим... шундай хаёллар билан бўлиб, Галата кўпригига етиб қолганимни ҳам сезмай қолибман. Бошқалар билан бирга мен ҳам пароходдан тушдим. Одамлар қучоқлагандан баттар бир-бирларини сиқиб, туртиша-туртиша эшик томон шошилишар, худди бирор нарсдан қуруқ қолишаётгандек ҳовлиқишарди.

Менинг иштаҳам шундай карнай эдики, ҳар қандай нарсани ейишга тайёр эдим. Мен тезроқ олдинга сурилиб, Бейўғлига чиқдим. Бугун бу ер нимагадир эрталабданоқ гавжум эди. Мен «Тспабоши» боғига кириб, офтобда болалар билан сайр қилиб юрган гувернант-аёллар орасида кезиб юрдим.

¹ *Қушдили* — Қадикўй яқинидаги жой.

Озроқ юргач, скамейкага бориб ўтирдим, кейин яна турдим, яна озроқ сайр қилдим. Эрталабки нонушта вақтини кутиб ўтирмасданок, боғдан чиқдим, биринчи учраган ресторанга кирдим. Ўйлаганимдек таомлар ҳали тайёр бўлмаган экан. Бўш столлардан бирига ўтириб кута бошладим. Ниҳоят, менга овқат олиб келишди. Мен уни худди икки кеча-ю, икки кундуз оч юрган навқирон йигитдек тушира бошладим. Ошқозоним резинка эмаслигини унутиб, роса овқат едим. Одатда, мен овқатни кўп еб қўйсам, худди ароқ ичган кишилардек маст бўлардим. Мен столдан жуда яхши кайфиятда турдим. Бундай сабабсиз хурсандликни, одатда, фақат маст кишиларгина ҳис қилишади. Сайр қилиб юриш овқат ҳазм бўлишига ғоят фойдали бўлишини эслаб, Тақсим майдони томон юрдим. Йўлда танишлардан ҳеч кимни учратмадим. Тақсим майдонини, «Ҳарбия» мактабини, Нишонтоши ва Шишлиларни аллақандай туманли ширин хаёлларга берилиб босиб ўтдим.

Истанбулликлар иссиққа чидай олмай, шаҳардан четроққа, салқин жойларга шошилишарди. Ҳуррият тепа баландлигига етганимда мен юришдан тўхтадим. Куёш аёвсиз қиздирарди. Тердан ҳамма ёғим жиққа ҳўл бўлиб кетди. Денгиз томондан иссиқ шамол эсарди. Бир оз дам олиш учун пивохонага кирмоқчи бўлдим, бироқ ўйладим, шу ҳавода ёпиқ хонада ўтириб бўлармиди?.. Орқамга қайтдим. Бу гал ҳам трамвайга чиқмадим.

Бирдан Шишлидаги каттакон уйнинг олдида сояда турган танишим — муҳандис Сармадни учратиб қолдим. У мендан қаёққа кетаётганимни сўради.

— Айланиб юрибман! — дедим.

— Юр бизникига, — таклиф қилди Сармад. — Бугун меҳмонлар келади.

Аmmo мен боришга кўнмай:

— Меҳмонга таклиф қилган одам олдиндан айтиб қўяди-да! — дедим. Сармад кулиб, қўлимдан тортди:

— Юрсанг-чи... Сенга махсус таклифни нима кераги бор? Мана, таклиф қиялпман-ку, бўлди-да...

У мени қўймасдан ўзи билан судраб кетди. Кўпам узоқ юрмадик. Тезда катта бир ғиштли бинога кирдик. Сармаднинг хонаси иккинчи қаватда экан. Биз бир зумда мраммар зиналардан юқорига югуриб чиқдик.

Мен Сармаднинг хотинини аввалдан билардим. Улар мени меҳмонлар билан таништиришди. Қараб турсам, уларнинг салкам ҳаммаси билан таниш эканман.

Кайфият жуда жойида бўлгани учун ҳаммани кулдириб ўтирдим. Биз сиёсат ҳақида баҳс юрита бошладик. Кейин мен, меҳмонларга ҳазил тариқасида, адабиётимиздаги инқирознинг са-

баблари ҳақида миямга нима келса, шуларни ҳикоя қила бошладим. Мен ёш шоирлар ва кекса адибларга тақлид қилиб, уларнинг асарларидан парчалар ўқий бошладим. Аёллар менга қараб қотиб-қотиб кулишарди.

Ҳаётимда энг гўзал ва нашъали нарса хотин-қизларни кулдиришдир! Аёллар жим туришганида худди ўчиб қолган лампани эслатардилар. Фақат улар кулишганидагина гўзалликлари намоён бўлади.

Мусиқали қисм бошланди. Ориқдан келган, сочлари сариққина бир аёл қўлига скрипка олди. Унга бақалоққина бир жувон жўр бўлди. Чиндан ҳам улар мусиқа чалишни қотириб ташлашди! Ўзиям зўр маҳорат билан ижро этишди-да! Бу таъсирчан куй ҳаммани шундай ўйлантириб қўйдики... Мен ҳам хаёл дарёсига фарқ бўлиб кетибман. Негалигини билмайману, лекин мен бир маҳал бошимни сўл томонимга қаратдим. Бирдан юрагим шиг этиб кетди: менга қоп-қора шахло кўзлар тикилиб турарди. Мен турган жойимда қотиб қолдим... Қора кўзларнинг соҳибаси мулойимгина жилмайиб қўйди.

— Қандай гамгин куй. Шундаймасми, афандим?

— Ҳа... — дедим хўрсинганимча ва шу заҳотиёқ миямдан шундай фикр лип этиб ўтди:

«Бу ахир, ҳалиги... мен йигирма йилдан буён қидириб юрган номаълум аёлнинг ўзгинаси-ку!»

Биз у билан ўзаро суҳбатлаша кетдик. Нима ҳақида гаплашганимиз ҳозир ёдимда йўқ. Мусиқа ҳамон давом этарди. Мен қизнинг исмини сўрадим.

— Мадиха! — жавоб берди у.

Мусиқа тугагач, биз ҳолироқ ерга чиқиб ўтирдик. Мен умримда аёл киши билан биринчи марта жиддий гаплашишим эди.

Аввалига биз хотин-қизларнинг озодлиги, сўнгра муҳаббат ҳақида... Ҳа, ҳа, муҳаббат ҳақида гаплашдик!

Мен унинг нималар деяётганини тушунмасдим. Фақат эшиттардим, холос.

Мадиха айтарлик хаёлпараст эмас эди. Мен унинг қўллари, елкалари, оёқларига назар солдим. Унда фақатгина нодир, антик ҳайкалларда учрайдиган қандайдир бир латофатни кўрдим.

Унинг қўллари, бўйни ва кўкраклари шундай ажойиб эдики, ҳаётимда бундай гўзалликни ҳеч қачон кўрмагандим. Кўксиди мўъжаз медальон ялтираб турарди. У чойшабини олмади. Мен аёлнинг юзлари, лаблари, сочларидан, иягидан кўзимни узмас, унинг сўзларини эшитмасдим. Миямда фақат бир фикр айланиб юрарди: «Мана у, мен умр бўйи кутган номаълум фаришта!» Мадиханинг юзлари қорачадан келган, кўзларига енгил сурма тортилган эди.

Сармад суҳбатимизга аралашди. Вақт ўтганини билмай қолибман. Меҳмонлар тарқала бошлади. Мадиҳа хайр-маъзур пайти мени, мутлақо ўзига ўхшамайдиган қотма сариқ, истарасиз кампир холаси билан таништирди.

Мезбонлар билан хайрлашиб, кўчага отилдим. Теварагимда ҳеч нимани кўрмас, қалбим, вужудим ёлғиз Мадиҳа хаёли ила тўлиқ эди. Галата кўпригидан учиб тушдим, пароходга ўтириб, Хайдарподшога жўнадим, у ердан поезд билан уйимга етиб олдим.

Хонамда ёлғиз ўтирарканман кўз ўнгимда яна Мадиҳанинг жамоли намоён бўларди. Назаримда, унинг овози эшитилаётгандай туюларди. Кечки овқатни еб олдим. Чироқни ёқишга рухсат бермадим. Чунки ёруғда унинг тимсоли йўқолиб қоладигандай туюларди менга. Тун бўйи ёнимиздаги дарахтзорда булбулларнинг сайрашини эшитиб ётдим. Уларнинг овозини Мадиҳанинг овозига ўхшатардим.

Бу тонг яна зангори осмонга кўзим тушди. Олтин гардиш каби кўтарилиб чиқаётган куёшни ҳузур қилиб томоша қилдим. Шунда яна кўз ўнгимда Мадиҳанинг сиймоси худди эртаклардаги илоҳий нур билан йўғрилган фаришта каби намоён бўлди. Лаблари ўз-ўзидан пичирлай кетди: мана менинг маъбудам, йиғирма йилдан бери ишқида оҳ уриб юрган маъбудам!

Икки кунгача уйдан ҳеч қаёққа чиқмасдан ўйлардим: қандай қилиб уни кўрсам экан? Лоақал бир марта бўлса ҳам майлийдим... хайрлашаётганида Мадиҳа ўз манзилини берган эди. Мен унга хат ёзмоқчи бўлдим. Ҳа, айтгандай, нима деб ёзсам экан? «Мен сени яхши кўраман» дейману, бўлдимми?..

Мен умримда биринчи марта жумла тузишга қийналиб, оқ қоғознинг устида мана шундай энгашиб ўтиришим эди.

Шунда мен ўзим-ўзимдан сўрадим: «Сенга нима керак? Бу қиздан сен нима истайсан?» Ва бунга ўзим жавоб берардим. «Билмайман!» Лекин шунга қарамай, мен бир амаллаб алланарсаларни ёздим.

Мадиҳанинг гўзал сиймоси кўз олдимда борган сайин равшанлашиб борарди.

Мен буткул қора хаёл дарёсига фарқ бўлиб кетдим. Уч кеча-ю, уч кундуз мижда қоқмадим. Эндигина кўзим илиндими, бўлди, бирдан қулоғим остида Мадиҳанинг: «Қандай ғамгин куй. Шундаймасми, афандим?» деган овози эшитиларди. Ва қаршимда унинг ажойиб кўзлари қора аланга сингари ловуларди.

Учинчи куни эрталаб олдимга оғайним Жамсап кирди. Ўринда ётганимни кўриб:

— Сенга нима бўлди! — деб қичқирди у. — Ранги-рўйингга қара!

— Шундай ўзим... — дедим мен.

— Ҳа, ёлгончи! Кўзларинг қизариб кетибди-ку. Тўғрисини айтавер, неча кундан бери ухламайсан?

— Уч кундан бери...

— Қойил-е! Уч кечадан бери тўхтовсиз покер ўйнаш! Бадтар бўл-е! Бунақада абжағинг чиқиб кетади-ку...

— Покеринг нимаси! — Жаҳлим чиқиб кетди менинг. — Уч кундан бери ҳеч кимни кўрганим йўқ, ҳеч қаёққа чиққанам ҳам йўқ.

— Нега бўлмаса кўринишининг мазаси йўқ, — бўш келмади Жамсап.

— Шундай, — дедим кўлимни силтаб. Бироқ Жамсап ўжар одам эди.

— Айт ахир, нима бўлди?

— Ошиқ бўлиб қолганга ўхшайман, — дедим. Жамсап шундай хахолаб кулиб юбордики, азбаройи деразаларнинг ойнаси дириллаб кетди. У кулиб бўлгач, каравот яқинига креслони сурди-да, қаршимда ўтирди.

— Қани, бизлар ҳам эшитайлик ўша муҳаббатдан, қариб қуйилмаган жаноб.

Очиғини айтганда ўзим ҳам бирор киши билан ҳиссиётларим ҳақида гаплашишни хоҳлардим. Ҳикоямни бошладим... Сармадни қандай учратганимни, уникига борганимни мусиқа эшита туриб, бирдан Мадихани кўриб қолганимни ва юрагимнинг орзиқиб кетганларини — ҳаммасини гапириб бердим. Мен Жамсапга бир дақиқа ҳам менинг хаёлимдан кетмаётган Мадиханинг сиймоси, унинг ташқи кўриниши, унинг бутун қиёфаси, елкалари, тиззалари, қўллари, кўкраклари, бўйни, унинг ёниб турган қоп-қора шаҳло кўзлари, лаблари ва унинг ифодалаб бўлмайдиган гўзал овозини тасвирлаб беришга ҳаракат қилдим.

Жамсап мени эшитаркан, негадир илжайарди. Мен эса ўзимни тутолмай титрардим. Ниҳоят, у ортиқ чидаб туролмади-да, сабрсизлик билан сўзимни бўлди.

— Ўчир овозингни, алжиган хўроз! Бу одатдаги баҳор касалининг ўзгинаси-ку! Мен ошнамга тушунолмай унга ҳайрон бўлиб қарадим. — Касаллик деганинг нимаси?

— Уми, жуда оддий нарса-да, — кулди Жамсап. Куёш булут орасига кирганда, осмон қоронғилашади. Тентак хўрозлар буни кўриб тонг отди шекилли, деб қичқиришади. Бундай бемаҳал қичқирадиган хўрозларни деҳқонлар зарарли, деб ҳисоблайдилар ва қайсидир нодон хўроз кундуз куни қичқириб қолса, ўша заҳоти дарров унинг калласини олиб ташлайдилар. Шунга ўхшаб баҳор нодон хўрозларни алдаган каби чолларни ҳам алдайди. Йиллар давомида танаси сўлиб, ярим жон бўлиб қолган киши, баҳор келиши билан бутун ҳиссиёти алдамчи ўйноқиликни сез-

гандай бўлади. Хаёллари уйғунлашиб, ўтган йиллар хиралаштириб қўйган унинг сезгилари бирдан жонланиб кетади. Худди ана шундай қармоқларга гоҳ-гоҳида сенга ўхшаган тентаклар илиниб туришади. Иннайкейин, улар чиндан ҳам севиб қолдим шекилли, деб юришади.

Жамсап баҳорнинг ўсимликлар дунёсига бўладиган таъсири ҳақида гапириб берди, сўнгра ҳайвонларга ўтиб, йил фасллари-нинг организм билан бўлган ўзаро боғлиқлигини таъкидлади. Шу пайт кўз олдимда мен йигирма йилдан бери қидириб юрган Мадиханинг сиймоси яна намоён бўлди.

— Эҳ, бечора! — дедим Жамсапга. — Муҳаббат нималигини сен билмайсан-да!

— Муҳаббат нималигини билмайдиган менми ҳали?!

— Ҳа, сен! Худо ҳаққи мен уни севаман!

— Севасан?! Сен-а?!

— Ҳа! Мен ҳаётимда биринчи мартаба севишим!

Жамсап яна хахолаб кулиб юборди.

— Сен касал бўлиб қолибсан, даволанишинг керак, — деди у.

— Мен энди усиз яшолмасам керак.

— Ўшанга уйланасанми?

— Балки уйланарман...

— Кўйсанг-чи, майнабозчиликни!

Жамсап менга бир ўқрайган эди, худди бу ўқрайишдан қўрқиб кетган кишидек ё бўлмасам ундан ақллироқ бир маслаҳат чиқишини кутгандек жимиб қолдим.

— Чарчаган кишилар учун, — давом этди сўзида Жамсап, — баҳор жуда хавфли фасл. Баҳорда эрталаб шудринг босиб, чаманзорда капалак қувлаб юришдан кўра, январда қорда яланғоч юриш хавфсизроқдир.

Азойи бадан шамоллаган бўлса, уни даволаш осон. Аммо, кишининг ҳиссиётлари баҳорнинг таъсири остида қолса борми — ишнинг пачаваси чиқади! «Қирққа кирдинг — қирқилдинг», деганларидек, агар киши ўз ёши билан ҳисоблашмай қалбига қулоқ тутса, у кўп номаъқулчиликларни қилиб қўйиши мумкин. Мана, сен ҳам эрта билан саҳарда туриб, ҳеч қандай шамоллашдан қўрқмайман деб, деразаларни очиб юбориб, одамни ҳаяжонга солувчи, маст қилгувчи гулларнинг ҳиди билан аралаш бўлиб кетган, димоққа гуп этиб урган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгандирсан. Шунда сенинг хаёлларинг қанот қоқа бошлаб, уйингдан чиқиб кетгансану, тасодифан, ўша куни бир аёлни учратиб, уни севиб қолган бўлсам керак, деган фикрга келгансан.

— Фикрга келгансан, деганинг нимаси? Мен уч кечадан бери мижжа қоқмай чиқаман! У бир дақиқа ҳам хаёлимдан кетмаяпти.

— Ҳа, ҳа, худди мана шунинг отини баҳор касалининг ўзгинаси дейилади. Касалнинг олдини олиб, дарҳол даволаниш керак!

— Э!

— Нима, «э!» Агар даволанмасанг унда ишинг чатоқ бўлади! Мен Жамсапга Фузулийнинг бир байтини ўқиб бермоқчи эдим, бироқ ҳеч эслай олмадим. Миямда минг хил фикрлар изғиб юрарди. Жамсап менга ўхшаган чарчаганларнинг соғлиғи учун ўз тасаввурига ва баҳор таъсирига бўйсунининг ниҳоят зарарли эканлигини илмий нуқтаи назардан тушунтиришга уринди.

Мадиҳанинг сиймоси ҳеч кўзим олдидан кетмасди. Гоҳи-гоҳида мен Жамсапнинг гапини бўлиб турардим.

— Гапнинг қисқаси, — деди ошнам менга, — шу нарсага аминманки, сен ҳеч кимни севмайсан! Бу шунчаки баҳор касали, ундан бошқа нарса эмас, агар хоҳласанг, буни исботлаб беришим мумкин?

— Қандай қилиб исботлайсан?

— Йўли жуда осон. Мен сени ўзим билан бутунлай бошқа ерга — илиқ, мулойим шамол эсмаган, ҳидини анқитиб турувчи гуллар бўлмаган ерга олиб кетаман. Юрагинг шу заҳотиёқ тузалади!

— Наҳотки мен уни унутиб юборсам?

— Бир кеча-кундузнинг ўзидаёқ!

— Қандай қилиб?

— Аввало, сен ҳали баҳор келмаган бирор совуқ жойга кетишинг керак.

— Масалан, Сибиргами?

— Нега? Унчалик узоққа боришнинг ҳожати йўқ.

— Бўлмаса қаёққа?

— Киреч бурнига-да.

— У қарда?

— Америка портларида ташилган юкларнинг миқдори қанчалиги ҳақида китоб ёзган ҳурматли ёзувчи! Уят сенга! Нима бало, жуғрофияни сув қилиб юбормаганмисан?! Наҳотки, Киреч бурнининг қаердалигини билмасанг?

— Худо ҳаққи, билмайман.

— Мана сенга ўз она шаҳрини билмайдиган зиёличалардан яна бири. У ахир, Босфорда-ку! Сари ерга етмасдан тўхтайдиган пароходлар манзилгоҳи — Киреч бурни-да!

— У ерда баҳор бўлмайдами? — ҳайрон бўлдим мен.

— Борсанг биласан.

Шундан кейин Жамсап эртаги кунга менинг хизматкорим Муҳаммадни унинг ихтиёрига топширишимни сўраб, у билан бирга Киреч бурнига бориб, уй тайёрлаб қўймоқчи бўлганини айтди.

Жамсап жұнагач, мен яна Мадиха ҳақида ўйлай бошладим. Унинг ёниб турган қора шахло кўзлари менга тинчлик бермасди. Бундан ўн йил илгари мен Молада бир маст қайиқчининг айтган ашуласини эшитган эдим:

*Қутулмайсан ишқнинг ғамидан
У сени севиб, халос этмаса...*

Мен бу сатрларни кечагина эшитган кишидек, узлуксиз қайтарардим.

Эртаси куни Жамсап Муҳаммад билан бирга, ўз режасини амалга ошириш учун йўлга равона бўлди. Бир ўзим қолдим. Қани, бир китоб ўқиб кўрай-чи, дедим, лекин бўлмади. Кўз олдимда ҳар хил узук-юлуқ тасвирлар пайдо бўларди. «Мана у, мен йигирма йилдан бери орзу қилиб юрган аёл!» деб яна ўйлай бошладим. Мадиханинг сиймосини мен шундай аниқ кўрардимки, агар кўлимни чўзсам етадигандек. Мадиха мендан сўрарди: «Қандай қайғули, шундай-масми, афандим?» қулоқларим остида ўша куни Сармадларникида эшитган скрипканинг ғамгин садолари яна янграй бошлади.

Менинг аҳволим ҳақиқатан ҳам оғир эди. Тинка-мадорим куриб кетди. Уйқусизлик ва ғам-ғусса мени адо қилди. Чилчўп бўлиб қолдим.

Икки кундан кейин бизлар, Муҳаммад билан бирга, Киреч бурнидаги Жамсап мен учун олиб қўйган уйга келдик. Бу ерга биринчи марта келишим эди. Босфор билан Қора денгиз бир-бирига туташ бўлган жойнинг қаршисидаги чуқур жарликнинг ичида кичкинагина қишлоқ ўрнашган эди. Бу ерда ҳали дарахтлар гулламаган, ўтлоқларда майсалар кўринмасди. Капалак ва қушлар ҳақида гап юритмаса ҳам бўлади. Қутурган шамол табиатдан инсонларга балодек шафқатсиз равишда тинмай увилларди. Бизнинг уй энг тепаликда жойлашган бўлиб, унинг деразаларидан қорамтир-кўкиш тусдаги йўқсизлик томон очиб қўйилган катта тешикка ўхшаш Қора денгизга чиқадиган жой кўриниб турарди. Назаримда, бу ер, бундай кезларда Шимолий Қутбдан ҳам совуқроқ бўлса керак.

Биринчи куниёқ менинг қорним қаттиқ оғриб қолди. Иккинчи куни эса оёқ-қўлларим, бўғинларимнинг ёқимсиз қақшашидан уйғониб кетдим. Бу эскирдан бор бўлган бод касалининг қайталашидан дарак берарди. Уй жуда совуқ эди. Кетма-кет печкага олов ёқиб турсак ҳам, мен ҳеч исинолмасдим. Шунда Муҳаммадни Сари ерга коньяк келтириш учун қайиқда юборишга тўғри келди. Беш шиша келтиришни буюрдим. Муҳаммад Сари ерда яшовчиларга бизнинг жойимиз совуқ, деб шикоят қилган экан, улар: «Киреч бурнида август ойида ҳам бурунни совуққа олдириб қўйиш мумкин», дейишибди. Менимча, уларнинг гапида лоф бўлмаса керак.

Мен ўринда ётиб, кетма-кетига коньяк аралаштирилган чойни ичиб, ўзим билан келтирган китобларни ўқишга тушдим. Орадан ўн беш кун ўтди. Лекин шу вақт ичида мен бирор марта бўлсин исимадим.

Агар кўрпа остидан чиқиш мумкин бўлсайди, бирор нарса ёзган бўлар эдим. Лекин бундай қилишнинг иложи йўқ эди. Қўлларимни совуққа олдириб кўйишдан кўрқардим. Назаримда, худди Шимолий Қутбдан ажраб чиққан музлик устида яшаётганга ўхшардик.

Жума куни Жамсап келди. Ўринда ётганимни кўриб, у сўради:

— Ҳа, касалмисан?

— Йўқ, соғман.

— Нега бўлмасам ястланиб ётибсан?

— Совуқ қотдим...

— О, жуда яхши! Хўш, ҳалиги севгингдан гапир, қалай, ҳалиям ўшани ўйлаяпсанми?

— Йўқ, шу совуқда уни ўйлаш қаёқда дейсан, — жавоб бердим.

Ҳа, айтгандек, менинг уйқусиз тунларим қаёққа кетди. Энди мен ўн тўрт соат худди ўликдек ухлардим.

— Ана, кўрдингми! — деди Жамсап худди зафар қозонган кишидек қувониб.

— Агар июлда бу ерда ҳам баҳор бўлса-чи? — сўрадим мен.

— Бўлмайди, июлда бу ерда қиш бошланади.

— Агар ҳозир айти баҳор гуллаётган жойга қочиб кетсам-чи?

— Барибир, энди у фойдасиз, — кулди Жамсап. — Энди баҳор сени алдай олмайди... Сен бекорга ҳовлиқиб юрганингни ва ҳиссиётларингнинг алдамчи эканлигини тушундинг. Энди сени ҳеч нима алдаёлмайди!

Биз бир-биримизга қарама-қарши ўтириб олиб, совуқдан қутулиш ниятида коньяк аралаштирилган чойни ича бошладик. Ташқарида одатдагидек изғирин гувилларди. Узоқда — тепалик орқасида итлар акилларди.

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Ниҳоят, мен ортиқ чидай олмай, бу лаънати мудҳиш жойдан қочиб қолдим. Муҳаммад билан эски ўйимизга кўчиб бордик. Боғчадаги гуллар чамандек очилиб ётарди. Тепасида сон-саноқсиз капалаклар пириллашиб учиб юришарди. Мен хонамга кириб олиб, ўзимни Мадиҳа ҳақида ўйлашга мажбур қилдим. Бироқ қанча уринмай, унинг кўринишини тасаввур қилолмас, овози қандайлигини эслолмасдим. Шунда мен муҳандис Сармаднинг олдига бормоқчи бўлдим, лекин... боришга эриндим. Ич-ичимдан ёқимли ва лекин вазмин бир овоз оҳистагина қулоғимга шивирларди. «Каллаварам, аҳмоқ, нима, сенинг бошқа қиладиган ишинг йўқми?»

Мен, маст қайиңчи айтган ашуланинг оҳангини негадир ҳечам эслай олмасдим:

*Қутулолмайсан ишқнинг ғамидан
У сени севиб, халос этмаса...*

Кеча мен бироз ишламоқчи бўлиб, столга ўтирган эдим, кўзим бир парча қоғозга тушди. У, Мадихага юбормоқчи бўлган хатимнинг хомаки нусхаси эди. Худога шукур! Яхшиям уни ўша куни жўнатмаган эканман! Жамсап ўз вақтида етиб келиб, буни амалга оширишга йўл қўймади. Қандай кулгили аҳволда қолган бўлардим! Ўйлаб кўринг, ахир бу қандай бемазагарчилик: кексайиб қолган бир киши худди ўн етти яшар олифталардай, мутлақо нотаниш бир аёлга муҳаббат изҳор қилиб хат ёзса!

Аҳмоқона ёзилган хатимни бир неча бор кўздан кечириб чиққач, қўлимга қалам олдим, бундан уч ҳафта бурун содир бўлган руҳий инқирозга учраганлигим ҳақидаги ушбу ҳикоямни тезгина оқ қоғозга туширдим.


Лекин мен бир нарсага ҳеч тушунолмаيمان: нега табиатнинг бу алдамчи баҳори мени бундан йигирма йил муқаддам жинни қилмаган экан? Нега мен узоқ ёшлик давримни муҳаббатсиз, ҳаяжонсиз, изтиробсиз, аёлларнинг эркалашисиз ўтказдим?.. Жамсап келса, ундан сўрайман. Қани кўрамиз, у буни ҳам тушунтира олармикан?

МАРМАР ДАСТГОҲ

Жаби афанди баъзан кексалар каби эртадан кечгача уйда мудраб вақт ўтказадиганлардан эмас эди. «Еб-ичиш учун уйда ҳамма нарса бор бўлганидан кейин, менга ишлаш зарил кептими?» деган ўй билан ҳеч қандай ишга қўл урмас ва лекин ҳар куни эрта-лаб офтоб чиқар-чиқмас, у ўзини кўчага отишини қўймас эди.

Дунёда унинг бирдан-бир қизиққан нарсаси: «турмушни ўрганиш» эди. Жаби афанди анча саводхон бўлса-да, лекин ўзининг бу яхши саховатидан ҳеч қачон фойдаланган эмас. Агар йўли тушиб кутубхона олдидан ўтиб қолгудай бўлса, киноя аралаш кулиб кўярди-да, шундай дерди: «Мана нодонларнинг ақл омбори!»

Жаби афандининг фикрича, китоблар — ҳақиқат устига наридан бери қалаб ташланган чиройли, нафис қимматбаҳо гишт-чаларга ўхшарди. Агар кимда-ким йўлида учраб турган бу гишт-чаларни оёгининг остидан четта улоқтириб ташламаеса, ҳақиқатни ҳеч қачон кўролмайди. Ахир ҳақиқат китобда эмас, ҳаётнинг ўзида-ку! Китобга ишонган киши унинг асирига айланиб, зеҳни ўтмаслашади, калласига ҳеч нарса кирмайдиган бўлиб қолади.



Ҳаёт эса ҳамма вақт ўзгариб туради. Шунинг учун биз унга қанчалик эгилсак ҳам арзийди! Турмушнинг ҳар қадамида кутилмаган мингларча ҳодиса-ю, минг-минг сирлар яширинган. Илм ва ҳикмат, санъат ва маданият, фалсафа — ҳамма-ҳаммаси шу турмуш ичида яшайди. Масалан, Истанбулни олайлик. Ахир уни эллик йил пиёда кезганингда ҳам барибир ҳамма ёгини кўролмайсан Шунинг учун ҳам уни бир миллион варақдан ҳам зиёдроқ катта китоб деса бўлади. Истанбулнинг кўчаларини, усти беркилган бозорини, расталарини айланиб чиққан ҳар бир одам бутунлай бошқа бир дунёни, бутунлай бошқа бир китобни кўргандай бўлади. Океанларнинг сувини ичиб битириш мумкин бўлмаганидек, бу китобларни ўқиб тугатиш ҳам мумкин эмас. Агар кимда-ким бу китоблардан бирини, лоақал энг қисқа биттагина бобини ўқиб чиқса, ўзини донишманд ҳисоблаши мумкин.

Бизнинг Жаби афанди ҳам мана шундай турмуш китобини ўқиган донишмандларнинг бири эди. У эски маҳалла мактабини битириб чиққандан буён на диний ва на дунёвий «ғиштлар»дан, яъни китоблардан бирортасини қўлига олмаганидан тоза гердаийб юарди.

Жаби афандининг маҳалласидаги одамлар уни дунёнинг энг катта билимдони, деб билишарди. Пастаккина келган, ўзи думалоққина, оппоқ соқолли бу одамни шаҳарнинг ҳеч кутилмаган жойларида учратиш мумкин эди. Жаби афандининг ўзига хос юриши бор эди: юрганида худди пилдираб кетаётганга ўхшарди. Йўлда кимни кўриб қолса, дарров унинг елкаларини ўзининг момиқдай юмшоқ қўллари билан силаб-сийпаб насиҳат бергани-берган эди.

Унинг маърифатидан баҳраманд бўлаётганлар каттами, кичикми Жаби афанди учун бунинг аҳамияти йўқ эди. У ҳаммага баробар эди. Жаби афанди китоб ўқимагани сингари газетага ҳам қайрилиб қарамасди. Газетани «тийинларнинг тузоғи» деб ҳисобларди. Унинг фикрича, «парча қоғоз»ларда ёзилган нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон эди. «Ҳечам унга ишонмайман», дер эди у танишларига. Велосипед, граммофон, кино, телефон, автомобиль, самолёт, сув ости кемаларининг борлигига уларни ўз кўзи билан кўргандан кейингина ишонган эди.

...Баҳор кунларининг бирида ҳали қуёш ўтган замонлардан ёдгорлик бўлиб келаётган боғда ўсиб ётган терпентин дарахтларининг устидан кўтарилиб улгурмасдан, Жаби афанди уйининг эшиги олдида пайдо бўлди. Бир неча қадам юриб тўхтади, сўнг теварак-атрофга назар ташлади. Ерлар гилам тўшалгандай ям-яшил ўт билан, олхўри дарахтининг нозик гавдалари эса, чамандек очилган оқ, пушти гуллар билан қопланган эди. Чол бундай манзарани кўриб, завқи жўшиб кетди шекилли, қийшиқ бурни-

ни юқорига кўтариб, осмонга қаради-да, тўйиб-тўйиб чуқур на-
фас олди ва беихтиёр:

— Эҳ, Худойим! — деб юборди. — Бу қандай латофат, қандай
гўзаллик бу!

«Худо дунёни ўз қулларига севдириш учунгина баҳорни ярат-
ган бўлса керак, деб ўйлашади кўп одамлар, — ўзича фикр юрита
бошлади Жаби афанди. — Ҳар йили эртақлардаги ёш пари каби
қишдан, ёмғирдан, лойдан, совуқдан, бўрондан зериккан инсон-
ларнинг олдига келади бу баҳор. Уларнинг уюшган руҳларига та-
салли, совиган юракларига ҳарорат, умид бағишлайди! Ундан ке-
йин ҳеч кимга сездирмай, сскингина ёзнинг жаҳаннамдек жазир-
рама иссиғига ташлаб қочади-ю, ўзи эса капалаклар, гуллар,
ёқимли ҳидлар билан бирга қаёққадир йўқолади-қолади. Аммо
мен алданмайдиганлар хилиданман! Бу нарсаларнинг ҳаммаси
саробдан бўлак нарса эмас! Бир неча ҳафтадан сўнг бу гуллардан,
ёқимли ҳидлардан ном-нишон ҳам қолмайди».

Жаби афанди, атайлаб, кўм-кўк майсанинг устидан оёқлари-
ни шапиллатиб-шапиллатиб, қуёш нурида олмосдек ярақлаёт-
ган шудринг доналарини эзиб кетди.

Кўчага чиқар-чиқмас, у биринчи галда, сутчи ва сабзавотфу-
рушларнинг тунда отлари дабдаласи чиққан йўлнинг устига қол-
дириб кетган тезаклари устида уймалашиб, тоза чуғурлашаётган
чумчуқларга диққатини жалб қилди, лекин юришдан тўхтамай,
овозини чиқариб:

«Бирининг гандаси бошқа бирига неъмат!» деб қўйди.

Жаби афандининг мияси ғайриихтиёрий равишда мана шу
содир бўлган бемаъни ҳодисадан ҳам дурустроқ бир маъно чиқа-
ришга уринди. У беҳос инсонлар билан асаларилар ҳақида ўйлаб
кетди. Бу икки воқеа ўртасида бир-бирига ўхшашлик бор; фар-
қи фақат шуки, олдингисида ишлаб чиқарувчи, яъни — от катта
эди, аммо уни истеъмол этувчи — чумчуқ кичкина эди. Иккин-
чи воқеада ишлаб чиқарувчи билан истеъмол этувчи орасида фарқ
бутунлай бунинг акси эди.

Жаби афанди кўчадан одимлаб кетар экан, ўзича бугун қаер-
га борсамийкин, деб ўйлаб кетди. У одатда шундай нарсаларни
йўлга чиққанда ҳал қиларди.

— Аюб, Балиқли, Валиафанди, Чирпижи, Сутлижиги борай-
ми, — дея дилидан Истанбул районларини бир-бир ўтказа бош-
лади... — Йўқ...

Шу пайт соясидан юриб бораётган деворнинг орқасидан бир
хўроз қаттиқ қичқириб юборди, Жаби афанди бошини даст кўта-
риб юқорига диққат билан қаради: булут деган нарса йўқ, ҳаво
очиқ, осмон мусаффо эди. «Ҳозир хўрозларга ҳам ишониб

бўлмайди, — деб ўйлади Жаби афанди ичида, — тўгрисини айтганда, уларда гуноҳ йўқ: битта хўрозга қирқта товуқни қўшиб қўйишади, бечораларнинг асабларида асаб қолмаган, шунинг учун бемаҳал қичқирганларини ўзлари ҳам билмайдилар».

У юришдан тўхтади-да, соқолини бирпас қашиб тургач, шундай қарорга келди: йўқ, бугун ёмғир ёғмайди. Ҳа, айтгандай, бу ажойиб — гўзал кунни қандай ўтказса экан? Анчадан бери Ускудорга бормаган эди. «Тақяларга кириб, қаландарлардан хабар оларман», деган фикр лип этиб ўтди унинг хаёлидан. У яна пилдираганича юриб кетди ва проспектга чиққач, Тўпқопига қараб кетаётган трамвайга сакраб чиқиб олди. Трамвайнинг ичи авқоф¹, божхона ва бошқа идораларнинг амалдорлари билан лик тўла эди. Аввалига уларнинг гапларига қулоқ солиб кетди, лекин кейин амалдорларнинг бир-бирлари билан ҳазил-мутойиба, туртиш-суртишларини кўриб энсаси қотди.

Жаби афанди бу бемаза беадабликларни кўрмайинам-куймайинам, деб кўзларини юмиб олди, тозаям хуноби ошди, агар бу вазият тагин бироз давом этса: «Эй Худо, қулоқларни ёпиш учун нега бир қопқоқ чиқармагансан?» деб бақириб юборар эди.

Сиркачига етгандан кейин «уф» дея эркин нафас олиб, кўзларини очди. Бу жой шаҳар маркази эди, бож ҳақини тўлагандан кейин аста-аста юриб, Галата кўпригига ўтди, Ускудорга бориш учун патта олиб, пароход палубасига чиқди.

Ҳаво жудаям ажойиб, тўйиб бўлмас даражада гўзал эди. Қордек оппоқ чағалайлар пароход трубасидан бурқсиб чиқаётган қопқора тутунлар орасидан ўзларига кир ҳам юқтирмай лип этиб учиб ўтардилар. Кўрфазнинг ўртасида худди ям-яшил денгиз сувининг кўпикларидан ҳосил бўлгандай Қиз қалъаси кўзни қамаштирар даражада ярақлаб турарди.

Жаби афанди эллик йилдан бери Истанбулнинг ҳар тарафини кезиб юрган бўлса ҳам, шу вақтгача Қиз қалъасига келмаганини хаёлидан ўтказди. Ажабо, ичида нима бор экан? Уни ким қурган? Уни қуришаётган вақтда, наҳотки, Истанбулда ҳозиргидек жануб шамоли эсмаган?

Мана шу каби саволлар Жаби афандининг фаол ишлаб турган миясига тинчлик бермас эди. «Бугун, албатта, у ерга бориб, ҳамма нарсанинг миридан-сиригача билиб оламан!» деган қатъий қарорга келди.

Пароход Осиё қирғоғига яқинлашганда у аллақачон саёҳат режасини тайёр қилиб қўйган эди: қирғоқдан юриб Ҳарам пристанига боради, у ердан қайиқ билан Қиз қалъасига сузиб ўтади.

¹ *Авқоф* — вақф идораси.

Жаби афанди Аҳмадия масжидининг олдидан ўтгач, хаёлга чўмганича кўча бўйлаб Қорлик тепалиги томон аста одимлаб кетди. Бирдан у юришдан таққа тўхтади. Унинг кўзлари ғалати бир нарсани кўриб қолганди. Бундай нарса олдида Қиз қалъаси ҳам бир пасда эсидан чиқди.

Кўраётган нарсасидан ҳайрон бўлганидан, ҳайратга тушганидан:

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас? — дея пичирларди унинг лаблари.

Жаби афанди кенггина, аммо ичи бир оз қоронғи, лекин ўзи жуда озода бир дурадгорлик устахонасининг олдида тўхтаб қолган эди. Дўконда¹ тўладан келган, қора мўйловли, қирқ ёшлардаги бақувват бир эркак кўлида пойтеша тутиб, тахта чопиш билан банд эди. Лекин ҳаммадан ҳам қизиғи шунда эдики, устанинг бу дўкони оппоқ, нафис бир мрамардан ишланган эди. «Балки менга шундай кўрингандир», ўйлади Жаби афанди ичида ва кўзларини ишқалаб, яна диққат билан қаради, йўқ, ҳақиқатан ҳам дўкон мрамардан ишланган эди. Шунга қарамай, уни яна шубҳалар қамраб ола бошлади: «Балки бу мрамарга ўхшатиб бўяб кўйилган шунчаки бир тахтамикин-а?» дея яна бошқатдан тикилди. Узоқ тикилди... Қизиқ, ҳеч пайтда дурадгор ва ромсозларнинг дўконлари мрамардан ҳам ясалган бўладими? Йўқ! Агар бўлса-чи?.. Демак, бунда қандайдир ғайриоддий бир сабаб бор.

Шунда Жаби афанди мрамарнинг тахтага қараганда анча-мунча қиммат эканлигини хаёлидан ўтказиб кўйди. У аввал бошини, кейин эса соқолини қашишга тушди. Бирдан масала унга ойдинлашгандек бўлди: Ҳа, бу ерда аввал бўза ёки бўламиқ сотадиган дўкон бўлгандир, кейинчалик бу дурадгор келиб, пештахта ўрнида турадиган мрамардан ўзига мана шу дўконини қуриб олган.

Жаби афанди ўзича кулимсираб, ичида ўйлади: «Тоза ялқов йигит экан-да, ўзиям! Худо биледи, бу дастгоҳ устида ишлайман, деб қанча-ю қанча пойтеша синдирган экан?! Ҳеч жаҳонда одам тош устидаям ишлайдими, ахир!»

Шу пайт Жаби афандининг дурадгорга насиҳат қилгиси келиб кетди. Ахир дунёдаги ҳар нарсанинг ўзига яраша усул, қоидаси бор! Кимда-ким бу тартиб ва қоидаларни бузса, албатта, жазо тортмай қолмайди! Жаби афанди чидаб туролмай, беихтиёр устахонанинг очиқ эшигидан ичкарига кирди. Уста: «Сизга нима керак?» дегандай қилиб унга савол назари билан қаради. Жаби афанди бунга жавобан ундан сўради:

¹ Дўкон — дурадгорлар иш қиладиган узун (эшак) тахтани дўкон деб ҳам аталарди.

- Сен бу устахонани яқинда олгансан, шундайми?
- Йўқ, ундай эмас!
- Сендан аввал бу ерда бўза сотар эдиларми?
- Йўқ.
- Бўлмаса бу ерда нима бор эди?
- Ҳеч нима... бу устахонани ўзим қурганман.
- Яхши. Ундай бўлса бу мрамар дўкон бу ерга қаердан келиб қолди?

— Менинг буюртмам асосида қилинди.

Жаби афанди ҳайрон бўлиб қошларини учирди, сўнг устага диққат билан қаради:

- Жинни-минни бўлиб қолмаганмисан, ўғлим?
- Йўқ, жинни-минни эмасман.
- Ақли бошида бўлган киши ҳеч пайтда мрамар устида ҳам пойтеша чопадими?
- Нега чопмасин?
- Бирдан пойтеша тойиб кетса, мрамар ҳам синади, пойтеша ҳам ишдан чиқади.
- Менинг пойтешам сира тоймайди.
- Неча йилдан бери дурадгорлик қилиб келяпсан?
- Йигирма йилдан бери...
- Неча йилдан бери мрамар дастгоҳ устида ишлаб келяпсан?
- Чамаси, ўн беш йилдан бери.

Жаби афанди дастгоҳга яқинлашди. Дурадгор бўлса кулиб кўйди. Унинг нақш олмадек юзлари башанг мўйловлари устида янада қизилроқ бўлиб кўринар эди.

— Ўн беш йилдан бери бирор марта ҳам уриб олмадингми?

— Уриб олмадим. Агар ишонмасанг қараб кўр.

Жаби афанди киссасидан кўзойнагини чиқариб, уни бурнига илди-да, тоза синчиклаб қараб чиқди... Чиндан ҳам ярақлаб кўринаётган мрамарнинг устида бирорта ҳам дарз кетган жой кўринмас эди. Шунда у дурадгор томон ўтирилди-да, унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Назарида унча ҳушёр, зийрак одамга ўхшамас эди.

— Демак, сен шу вақтгача ҳеч янглишмадингми? — яна қайтадан сўради у.

— Мана, кўриб турибсан-ку...

— Қўйсанг-чи, бунинг бўлиши мумкинми?

— Мумкин, чунки мен биринчи даражали устаман, чопадиган жойимни яхшигина мўлжаллайман, шунинг учун ҳам янглишмайман. Кўлимнинг абжирлигига, моҳирлигига ишонганим сабабли дўконимни мрамардан ясаттирганман.

Шунда Жаби афанди ўзини ушлаб туролмади.

— Бу сенинг кўлингнинг абжирлиги-ю, чаққонлигингдан эмас, ўғлим! — деди у. — Гап бутунлай бошқа ёқда.

— Нимада?

— Сенинг беғамлигингда. Сен шунчаки бир боқибеғам одамсан, билдингми?!

— Мен?! Боқибеғам одамман?!

— Ҳа, шундай.

Дурадгорнинг қалин қора қошлари чимирилди. У пойтешасини секингина мармар дастгоҳ устига қўйди-да, юзларини буриштириб Жаби афандига ғазаб билан қаради.

— Менинг боқибеғамлигимни қаердан биласан?

— Қаердан биласан, дейсанми? Агар сенинг қиттак бўлса-да, ақлинг бўлганда эди, пойтешангни бундай яхши ишлата олмас эдинг.

— Сен қаердан биласан, менинг ақлим борми-йўқми? Ҳарна бўлганда ҳам, мен нима қилаётганимни, пойтешамни қаерга туширишни биламан. Мен ҳеч қачон янглишмайман. Чунки мен ўз санъатимнинг устасиман, билдингми? Қани, энди бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, бемазагарчилик ва эзмаликнинг ҳам чегарси бор-да! Йўқол!..

— ...

Жаби афандининг бошидан бир челак совуқ сув куйгандек аъзойи бадани жунжикиб, табиати хира бўлди. Дуп-дуруст гаплашиб турган бир пайтда, тўғри гапни эгрига буриб, устанинг бирпасда лов этиб ёниб кетгани ва бунинг устига ҳақорат қилгани уни кўп ҳафа қилди.

У кўзидан ойнагини ҳам олмай, апил-тапил дўкондан ташқарига чиқди. «Ўз санъатининг устаси эмиш, ўт-ўт, валакисаланг!! — Жаби афанди «ҳали» сеними, дегандай бошини қимирлатиб, тишларини гижирлатди, — тентак-е!»

Ҳар бир содир бўлган ҳодисанинг сабабини қандай бўлмасин излаб топиш унда бир касаллик бўлиб қолган эди. Ҳодисанинг содир бўлишига хизмат этган асосий манбанинг тўғри эканлигини ҳамсуҳбати томонидан тасдиқ қилдиришга ва бу ҳодисанинг ҳамма ички сабабларини кўрсатиб беришга эришиш унинг иккинчи касаллиги эди.

«Шундай қилиб, — ўйларди у, — бу аҳмоқ «равон диққатни» — боқибеғамликнинг натижаси — ўз қўлимнинг маҳорати деб, боқибеғамликнинг ўзини эса бир хислат, фазилат деб биледи!»

Жаби афанди кескин равишда орқасига ўтирилди-да, яна ишига уринаётган бепарво устага қичқирди: — Эҳтиёт бўл, уста, эртага пойтешангни мўлжаллаган жойингга уролмайсан. Албатта, мармар дўконингни синдирасан! — деди-ю, жавоб кутиб ўтирмай нарилаб кета бошлади ва кўп ўтмай муюлишга бурилиб кетди.

Жаби афанди теварак-атрофдаги ҳамма устахона ва дўконларга бир-бир кириб чиқиб, мрамар дўконда ишловчи дурадгор ҳақида анчагина маълумотлар тўплади.

Маълум бўлишича, ҳалиги одам машҳур Али деган уста экан. Жаби афанди бу устанинг полиз-сабзовот экинлари экилган ерларга қўшни бўлган Волидиатик маҳалласидаги бир қаватли, қизил гишдан ишланган 7-уйда яшашини, яқинда уйланганлигини, хотини жуда ёш эканлигини билиб олди. Жаби афанди кимдан уста ҳақида сўрамасин, ҳамма бир овоздан унинг истездоди жуда зўр эканлигини завқ-шавқ билан гапиришарди. «Умрида ҳали ҳеч нотўғри бир мих қоқмаган! Пойтешасига ишонадиган, Истанбулда бунга ўхшаган уста топилмайди, ҳатто Европада ҳам мрамар дастгоҳ устида ишлайдиган, бизнинг уста Алига ўхшаш ҳунарманд йўқ!» — дейишарди одамлар.

Жаби афанди бу мақтовларга жавобан, ичида: «Майли, майли, эртага кўрасиз унинг мрамар дўконини», деса ҳам, аммо одамларга товушини чиқариб: «Ҳа, ҳа, тўғри, тўғри!» деб бошини қимирлатар эди.

Ҳали пешинга анча вақт бор эди. Қандай қилсам уста Али мрамар дўконини синдираркан, деган ўй билан келар экан, Жаби афанди янги Жомеъ масжидининг ҳовлисига бир назар ташлаб қўйди. «Қандай бўлмасин, бу ўзбилармонни бир дақиқа бўлса ҳам ўйлашга мажбур қилиш керак!» Жаби афанди бир лаҳзалик ўй-хаёл ҳар қандай диққат-эътиборни ҳам бузиб, кишининг фикрини паришон қилиши мумкинлигини ўз тажрибасида бир эмас, кўплаб кўрган эди ва бунинг шундайлигига астойдил ишонарди ҳам.

У бефаҳм устага ўзининг ана шу синашта тажриба усуллари-дан бирини ишлатиб, бундай ҳақиқатни унга зўрлаб бўлса-да, қабул эттирмоқчи бўлди. Жомеъ масжидининг ҳовлисидан чиқиб, рўбарўсидаги қассоб дўконига кирди ва бир қўзичоқнинг танасини сотиб олди. Қўзини қассобнинг шогирдига кўтартириб, тандир кабобчининг дўконига олиб борди ва:

— Неча соатда қўзи пишиб тайёр бўлади, — деб сўради.

— Икки соатда, — деб ваъда берди тандиркабобчи.

Жаби афанди шундан кейин катта сопол идиш келтиришни буюрди. Қўзини унинг ичига жойлаштириб тандирга қўйдилар. Шундан сўнг Жаби афанди дўконнинг сурмали эшигига суяниб олди-да, калтагина трубкасига тамаки тўлдириб, уни чека бошлади. Трубкасидан чиқаётган тутунни роса икки соат томоша қилди. Қўзи тайёр бўлгач, бир ҳаммолни чақиртирди-да, унга қўзи солинган сопол идишни кўтартириб, олдинга ўзи тушганича, Човуш анҳори томон кетадиган йўлдан пилдираб кетди. По-

лиз экинлари экилган ерга етишгач, Волидиатик маҳалласидан бир қаватли қизғиш гиштин иморатни тезда топишди.

— Мана шу уйнинг худди ўзи бўлса керак! — деди Жаби афанди ва дарвозага яқинлашиб уни тақиллатди.

Эшик орқасидан бир хотиннинг нозик товуши эшитилди:

— Ким? Ким у?

— Мен...

— Сен кимсан?

— Айтинг-чи, бу мрамар дастгоҳлик машҳур уста Алининг уйими?

— Ҳа.

— Уста кўзи кабобни пишириб, уйга олиб боришни буюрган эди, мана олинг...

Эшик очилди, бармоқлари қордек оппоқ икки гўштдор кўл кўзи солинган сопол идишни ичкарига олиб, худди бир нарсадан жаҳли чиққандек тарақ этиб эшикни ёпди.

Жаби афанди мийиғида кулиб кўйди.

— Демак, эртага мрамар дастгоҳ... — дея гапини тугатмай, катта ишни боплаган кишидек кўлларини ишқалади.

Шу пайт унинг назари худди мўлжалга тегмаган бир шапалоқ каби ёпилганда шамоли бетга уфурган пастаккина эшикнинг тепасидаги ўчай-ўчай деб қолган рақамга тушди.

— Етти экан, етти... — деди Жаби афанди бошини қимирлатиб.

Шундай қилиб у, эртага эрта билан мрамар дастгоҳнинг синганини кўради. Шу сабабдан бу оқшом Истанбул томонга ўтмай, Ускудорда қоладиган бўлди, мол бозорига бориб, ҳожи Хусайиннинг карвонсаройидан ўзига озодагина бир хужра олди.

* * *

Уйга кеч қайтиш машҳур уста Алига одат бўлиб қолган эди. Уйга кириши билан тўғри бориб дастурхон ёнига ўтирар эди. Бу оқшом дастурхон олдига келиб ўтирар экан уста Али ҳайрон бўлди.

— Эҳе, ишинг бошқача-ку, хотин! Бу кўзини қаердан олдинг?

— Қаердан олдинг?! Буни ахир ўзинг бериб юборибсан-ку!

— Худо сақласин! Жинни-пинни бўлдингми?

— !!

Уста Алининг хотини қосимпошшолик марҳум имомнинг ўғай қизи эди. Феъли жуда тез айнийдиган одати бор. Мана, ҳозир ҳам жаҳдан юзлари қизариб кетди, кўлларини йўғон белларига тираб олди-да, бақира кетди:

— Худо сақласин дейсанми?!

Эри индамади.

— Сен эҳтимол буни ўғирлаб келди деб ўйларсан?!

— Билмадим.

— Балки буни дўстларингдан битта-яримтаси юборгандир?

— Бундан хабарим йўқ!

— Кундуз куни юбориб қўйиб, энди эсингдан чиқариб қўйдингми? Мен билан уришгинг келаётгандир-да!

— Шуни билиб қўй, мен ҳеч нарсани унутмайман, — деди уста Али.

— Вой каллаварам-с! Йўқол бундан!.. Мен кир юваётган эдим, қандайдир бир одам келиб: «Мармар дастгоҳлик Али устанинг уйи шуми?» деб сўради. Шундан кейин мен ҳам олдим...

— Ўзи қанақа одам экан.

— Ҳали сен мени номаҳрам одамга қарайди деб ўйлайсанми? Мен уни ҳатто кўрганим ҳам йўқ.

— Овози қанақа эди?

— Сен ҳали номаҳрам одамнинг товушини эшитади, деб ўйлайсанми-а? Худо ҳаққи, эшитмадим.

— ??

— ...

Шундай қилиб, эру хотин яхшигина урушиб олдилар. Уста Али анордек қизариб пишган лаззатли қўзи у ёқда турсин, ҳатто хотини тайёрлаган овқатдан ҳам бир луқма смади.

Устанинг таажжуби чексиз эди. Ажабо, бу қўзини ким келтирди экан? Ёхуд унинг оиласига нифоқ солиш ниятида кимдир биров илму амал қилиб кетдимикан?

Ўша оқшом уста на қаҳвасини ичди ва на чилимини чекди. Умрида биринчи маротаба саҳаргача мижжа қоқмай, тонг оттирди. Хотин ҳам бу оқшом ухлолмай чиқди. У нуқул эрини паришонхотирликда айблар эди:

— Сен эсингни йўқотганга ўхшайсан, ўзинг қилган ишингни ўзинг билмайсан, — тўнғилларди у. — Бир фолбиннинг олдига бориб, фол очириб кел. Домланинг олдига бориб дам солдир!

Уста Али эрта билан бомдод намозиниям ўқимасдан, дўконига қараб кетди. Дўконининг тепа тахтасини кўтарди. У шу қадар хаёлга берилган ва паришон эдики, озгина нарида уни кузатиб пойлаб ўтирган Жаби афандини ҳам сезмади... Уста беихтиёр пойтешасини қўлига олиб, кеча чала қолган ромни мармар дастгоҳ устига қўйди. Жаби афанди унинг хаёл суриб қилаётган ишларини очиқ турган эшикдан кузатиб турар ва ўзича мийиғида кулар эди.

Бечора устанинг фикри-хаёли кеча уйига келтирилган бадбахт қўзида эди. «Уни менга ким юборди, ё раббим уни ким юборди? Ким бўлди экан у?» деб қийналарди бечора уста.

Мана, у ўткир ва оғир пойтешасини кўтариб, бор кучи билан пастга силтади. Шу пайт дастгоҳнинг мраммарида катта бир бўлаги ерга учиб тушди. Буни кўриб уста Алининг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, худди шу аснода у орқа томондан писанда аралаш бир товушни эшитди:

— Ишларинг қалай, уста?

— ..?

Орқасига қайрилган эди, қаршисида кеча дўконидан ҳайдаб юборган жиккаккина чолни кўриб, сеҳрлангандек қотиб қолди, қаттиқ уялиб кетди.

— Ҳа, ўз санъатининг устаси, нима гап?

— ..?

Бечора уста ҳатто оғзини ҳам очолмади. Ранги докадек оқариб, лаблари титрар эди.

Жаби афанди ўзининг ҳушёрлигини — боқибегамликнинг натижаси — катта бир хислат, катта бир фазилат деб юрган бу одамга жуда-жуда ачинди.

— Кўп ўйлаб қийнала берма, — деди у, — кечаги кўзини мен юборган эдим.

— Сен?!

— Ҳа, мен.

— Нима учун?

— Сени бир оз бўлса-да, ўйлашга мажбур этиш учун.

Жаби афанди ортиқ ўзини тутиб туrolмади, дарров дурадгорга, инсон ҳамиша ўйлашга мажбур, ўйчанлик кишининг гоҳида диққат-эътиборини чалғитиб қўйиши мумкин, диққат-эътиборнинг ҳамиша, қатъиян таранг бўлиб туриши фақат ҳайвонларгагина хос фазилат эканлигини кенг баён қилди.

Жаби афанди устахонадан чиқар экан, яна дурадгорга ўтирилиб:

— Кўй энди, ўғлим! Дунёнинг тартибини бузишга уринма! — деди. — Дурадгорлик дастгоҳи одатда тахтадан бўлади, ҳозирнинг ўзидаёқ бу мраммартaxтани йиғиштир! Ўрнига бошқа ҳамма усталар сингари тахтадан дастгоҳ кур!

* * *

Бир соатдан кейин Жаби афанди Ҳарам пристанида, денгизнинг кўм-кўк тўлқинлари устида қалқиб турган эски бир қайиққа минаётган эди. Бугун у кеча қарор қилиб қўйган, Қиз қалъасига бориб, ҳамма нарсани билиб қайтиши шарт. «Нима учун қалъани нақ денгизнинг ўзига қуришган? Бунда қандай маъно бор?»

Бугун эрта билан донгдор, такаббур устага ўз фикрининг тўғрилигини тушинтира олгани учун Жаби афандининг севинчи ичига сифмас эди!

Али Жонибга:

Ёшлигимда ёзган ва наир эттиришга журъат қилмай ташлаб қўйган ушбу ҳикоямни марҳума онамнинг китоблари орасидан топиб олдим.

Ҳикояни завқ-шавқ билан ўқиб чиқдим. Менга жудаям ёқди. Билмадим, негадир ўша пайтларда ёқтирмай бир чеккага ташлаб қўйган эканман. Негадир, энди менга бу ҳикоя жудаям ёқиб қолди? Балки, шўрлик онамнинг меҳру шафқатини эслатгани учундир? Ҳар ҳолда севикли Жонибим, бугунги кунда яратган асарларимнинг ичида энг гўзали бўлиб кўринаётган ушбу ҳикоямни сенга бағишлайман.

Аҳмад Сўҳронбей менга қуйидагиларни айтиб берди: «У пайтларда мен йигирма ёшларда эдим. Почта-телеграф министрлигида катта бир лавозимни эгаллаган отам менинг бебошлик, ярамасликларимга, қилаётган разолатларимга ортиқ чидай олмади. Онам, бувим, кекса холамдан иборат бўлган оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашди. Ҳаммалари бир фикрга келишиб, мени бирон четроқ ерга ишга юборишга қарор қилишди. Ёнё вилоятининг инспектори отамнинг қадрдон оғайниси экан. Шундай қилиб, мен ана шу вилоятнинг қайсидир ерига почтахона маъмури бўлиб боришим керак эди. Уйимдагиларнинг фикрича, у ерда қуюлиб, эсли-ҳушли бўлиб қолармишман.

Онам бу ишга кўндириш ниятида гапни жуда узоқдан, юмшоқлик ва мулойимлик билан бошлади.

— Сен кейинги пайтларда жудаям озиб кетдинг, — деди у хўрсиниб. — Ҳаво алмаштиришдек бир гап... баҳона билан мамлакатни кўриб келсан, дам оласан... Бунинг устига мартабанг ҳам ошади. Бориб кела қол, ўғлим, йўлга ҳозирлан!

— Мен ҳеч қаёққа бормайман! Хаёлингизга ҳам келтирманг, — дедим мен бутунлай бу нарсадан бош тортиб.

Аммо онам менинг қаршилигимга жавобан энг кейинги қилган шўхлигимнинг отамга жуда ёмон таъсир қилганини бирмабир айтиб берди.

Орадан бир неча ой ўтар-ўтмас, қандай бўлмасин отангга ялиниб-ёлвориб, албатта, чақиртириб оламан, деб қасам ичди.

Мен бунақанги панд-насиҳатларга осонгина ён бермаган бўлардим, аммо кўнглимда ўша томонларни кўриш орзуси ҳам йўқ эмас эди.

— Яхши, — дедим мен ниҳоят кўниб, — бораман... Аммо фақат уч ойга, ундан ортиқ эмас!

Йўл харажатига етиб-ортарлик пул, тўрт юз эллик куриш маош — буларнинг ҳаммаси яхшику-я, аммо мен ҳамиша қувноқ, севимли сафоли Истанбулим билан уч ойлик айрилиққа қандай чидайман! Мен, ахир беш йилдирки, бу шаҳардан бирор ерга чиқмаганман?! Мен бу шаҳарга худди туғилиб-ўсган кишидек, бутун борлигим билан боғланиб қолган эдим. Лекин инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига бирор юпанч, тасалли топа биледи. Шунда мен отамнинг энг кейинги ишлаган жойи Критдан кетаётганимда биз кўрган порт манзаралари, қизиқ-қизиқ воқеалар, ўйин-кулгиларнинг шоҳиди бўлганимизни эслаб ўзимга-ўзим:

«У пайтларда мен ёш бола эдим. Энди тоза маза қилиб ўйнаб-куламан!» — дедим ва ширин хаёлларга чўмдим.

Бизнинг илк бор тўхтайдиган манзилимиз Салоники эди. Ундан кейин Измир, балки Байрут бўлиши мумкин. У ёғи — Пирей, сўнгра — Афина. Биз Пелопоннесни айланиб ўтиб — Превезага, ундан Ёнёга бориб тушишимиз керак эди. Шундан кейин мен у ердан ишга тайинланган шаҳарга жўнаб кетишим лозим... Нимасини айтасиз, гўзал саёҳат!

Мана, жўнайдиган кун ҳам келди. Оила аъзоларим билан мухтасаргина хайрлашдим. Ёзилса уч-тўрт дафтарни тўлдирадиган отамнинг қимматли насиҳатларини тинглагач, пароходга чиқдим...

Салоникида икки кун туриб қолдик. Икки кечани ўйин-кулги, кайф-сафо билан ўтказганимни айтмасам ҳам бўлади. Салоникидан чиқиб кетаётганимизда, менинг бир оз тобим қочди. Измирда ҳам биз икки кун тўхташимиз керак эди. Аммо бу ерда мен ўйин-кулги қилишдан воз кечдим. Сабаби: «Афинага боргунча сабр қилай. У ерга боргандан сўнг, ҳаммасини бир қилиб, роса мириқиб ўйнаб-куламан. Пулни ҳам аямайман!», деб ўйладим. Лекин шунга қарамай ҳамроҳларим — гўзал саллали тақводор кишилар каби менинг пароходда тунашга тоқатим йўқ эди. Шунинг учун шаҳарга тушиб, бир меҳмонхонадан жой олдим.

Оқшом овқатланиш пайтида соқолли бир афандининг менга диққат билан тикилиб турганини сезиб қолдим. Очигини айтсам, мен бунга унчалик аҳамият бермадим. Овқатланиб бўлганимиздан кейин биз қаҳва ичаётганимизда ҳалиги соқолли киши исмимни сўради. Айтдим. Шунда у киши отамнинг ким эканлигини суриштира бошлади. Мен буни ҳам айтиб бердим. Шунда ҳалиги одам ҳеч қандай такаллуфсиз шартта менга ўпиш учун қўлини узатаркан, деди:

— Амакингнинг қўлини ўп!

Мен аввалига шошиб қолдим, аммо дарров гап нимада эканлигини тушундим: момикдай юмшоқ қўлини ўпарканман, болалигимда мени форс тилига ўргатган, Эрондаги бизнинг элчихонада котиб бўлиб ишлайдиган олийжаноб амаким ҳақида билганларимни хотирлашга тиришдим. Биз ундан йилда бир марта муҳаррам ойини табриклаб ёзган хатларини олар эдик.

Қандай ажойиб тасодиф!..

Маълум бўлишича, амаким Истанбулга қайтаётган экан. У ота-онам тўғрисида батафсил сўради. Кечаси соат учга қадар биз у билан қирғоқ бўйидаги қаҳвахонада гаплашиб ўтирдик. Меҳмонхонага қайтганимизда мени йўловчиларга хос сархушликка ўхшаган оғир уйқу элита бошлади. Амакимнинг хонаси биринчи қаватда экан. Эшикларининг олдида бирпас тўхтадик. Амаким елкамга қоқиб туриб, дедилар:

— Аллоҳ сени паноҳида сақласин, ўғлим! Мен одатда вақтли турулмайман. Илтимос, мени уйғотиб кўярсан!

— Бош устига! Жоним билан, — дедим ва хайрлашиб хонамга чиқдим.

Мана, бир оқшом мен ўзимни кайф-сафодан тийган эдим, қандай ажойиб учрашув каминага насиб бўлди. Эртага эрта билан жўнайидиган пароходда Истанбулга кетаётган амаким уйимизга борганида мен ҳақимда бирор сўз айтиб қўйишига ҳеч шубҳам йўқ эди.

Эрталаб уйқудан кеч турдим. Апил-тапил кийиндиму, пастга отилдим. Амаким аллақачон уйқудан турган, кийиниб бўлиб, фесини чўткалаётган экан. Ойнада аксимни кўриб, ўгирилди:

— Эртанг хайрли бўлсин, ўғлим! Яхши ётиб-турдингми? Шундай қилиб, бугун мени кузатиб кўясан-а.

— Жоним билан, афандим, — кулдим мен.

Шу пайт куббалари мисдан ишланган темир каравот тагида ётган ғалати нарса диққатимни тортди. «Бу нимакин? — ўйладим мен. — Оқ мўйнамикан?.. Ё бўлмаса кучукмикан?» Ҳайрон бўлиб яқинроқ бордим. Менга чақнаб турган бир жуфт қоп-қора кўз қараб турарди. Йўқ, бу на ит эди ва на мушук...

— Қандай гўзал! — деб юбордим шунда бехосдан.

Амаким бошига фесини яхшилаб ўрнаштириб олди-да, ёнимга келди.

— Ҳақиқатан ҳам ажойиб! — деди у. — Бу маймунни менга бир ҳиндистонлик савдогар ҳадя қилган эди. Келаётганимда уни қолдириб кетишга ҳам, сотишга ҳам кўзим қиймади.

— Ия, бу ҳали маймунми? Оқ маймунларни мен ҳеч қачон кўрмаганман!

Олийҳиммат амаким бир кулиб қўйди-да, маймунни силаб туриб, деди:

— Бу жудаям кам учрайдиган нодир насли. Бундай насллар фақат Ҳиндистонда учрайди. Улар жуда ақлли бўлади-да!

Мен «ўҳ-хў», «эх-хэ»лаб бўлгунимча, амаким ўз овунчоғининг ҳамма ишларини, унинг ҳамма ҳунарларини, ўйинларини, хуллас, унинг ақллилигини исботловчи ҳамма қилиқларини бирма-бир айтиб берди ва сўнггида қўшиб қўйди:

— Кўряпманки, маймун сенга ёқиб қолди. Эсдалик учун сенга ҳадя этаман.

«Вой Худойим! — ўйладим мен, — маймунни нима қиламан? Бу турган-битгани бошимга тушган бало-ку! Лоақал, у менга ёқса ҳам майли эди. Бор-йўғи оппоқ нарса-да! Лекин ажибликка-ажиб. Фақат шугина, холос!»

— Йўқ, амакижон, керак эмас, раҳмат! — деб совғани қабул қилмасликка уриниб кўрдим. Аммо олийҳиммат амаким «йўқ» дейишимни камтарликка йўйиб, оласан, деди. На чора? Мажбур бўлдим олишга.

Ўша куни амаким Истанбулга жўнаб кетди ва мен ўзимнинг ажойиб оқ маймуни билан ёлғиз қолдим. Маймун урғочи бўлиб, ҳақиқатан ҳам, жуда мулойим эди. У бошқа маймунларга ўхшаб бадбашара эмас эди. Ялтироқ, оппоқ юнглари, нозик оёқ-қўллари жуда юмшоқ ва ёқимли эди. Кўмирдай қоп-қора кўзлари одамга мўлтираб ва кулиб қарарди. Кўлимга олганимда у севинганидан худди мушукка ўхшаб аллақандай товуш чиқариб эркаланди.

Меҳмонхонадан чиқиб, пароходга келганимизда ҳамма йўловчилар ҳайрон бўлиб қолишди. Худди мен каби буларнинг бирортаси ҳам мушукдай мулойим ва оппоқ маймунни кўрмаган эканлар.

Пирейга келишимиз ҳамони гўзал маймунини сотишга ҳаракат қилиб кўрдим. Аммо Юнонистон камбағал мамлакат экан: ўн лирадан ортиқ берувчи одам бўлмади. Бу гўзал жониворнинг ҳақиқий нархини бера оладиган харидор топилмагандан кейин сотмасликка қарор қилдим.

Менинг саёҳатим охирлаб қолган эди: кунлар худди туш сингари бирпасда ўтиб борарди. Мана, Превеза билан Ёнё ҳам ортда қолди ва мен ниҳоят бўлғуси иш жойим — телеграфхонага етиб келдим.

Шаҳарча жуда чиройли экан: қаёққа қараманг, ҳамма ёқда боғроғлар, узумзорлар, кўм-кўк тоғлар, уларнинг ортидан қизғиш тусда кўринаётган яна аллақандай тоғлар. Телеграфхонанинг баланд деразаларидан ҳаммиша ёқимли, майин шамол эсиб турарди. Маҳаллий аҳолининг ҳаммасини юнонлар ташкил этарди.

Янги ерда илк кунларим жуда-жуда зерикарли ўтди. Мен онамнинг «фақат уч ойга» деб берган ваъдасига ишонгим кел-

мас, шунинг учун бу ерда узоқ турадиган кишилардек турмушимни тартибга сола бошладим. Телеграфхонада мендан илгари ишлаган киши чамаси файласуфсифат одам бўлса керак. У яшаган хонани тозалатдим. Кресло жуда кирланиб кетганидан мен унга янги ғилоф тиктирдим. Сўнгра мактублар ёздим, телеграммалар жўнатиб турдим.

Шу яқин теваарак-атрофдаги телеграфчилар ишга тайинланганлигимни табрикларим сим қоқишарди:

— Хуш келибсиз!

Мен ҳам уларга жавоб қилардим:

— Саломат бўлинглар! — Кейинги гапни чўзмаслик учун, «менинг бироз тобим йўқ», деб қўшиб қўярдим.

Мен бу ёлғонни ишлатганлигимнинг сабаби: уларнинг эзмачурукликларидан қутулиш эди, лекин иш қайтага ёмон бўлди. Худонинг берган куни эрта билан бутун вилоятдаги касбдошларим менга тинчлик бермай сўрашарди:

— Қалай, бугун яхшимисиз?

Телеграфчиларнинг ҳаёти, билсангиз, бошқа бир дунё. Ёлғиз ўзингиз телеграф аппаратининг олдида ўтириб олиб, узоқ масофадаги ҳамкасбларингиз билан доимий алоқада бўласиз. Бир-бировингизни кўрмаганингиз ҳолда, бу алоқа шундай самимийлашиб кетадики, ҳатто баъзан ўзаро урушиб-ярашиб ҳам оласиз. Аввалига сизнинг кўринмас оғайнингизни одатдагидек саволлар қизиқтиради: исмингиз нима, ёшингиз нечада, уйланганмисиз ёки бўйдоқмисиз. Бир ҳафтадан кейин у энг яқин кишингиз сўрамайдиган нарсаларни ҳам тортинмай-нетмай суриштира беради.

Менга бундай шароит яхши таниш бўлганлиги сабабли, ҳамкасбларимнинг саволларига қисқагина жавоб берардим, уларнинг эзмаликларини совуқ жиддият билан бўғар эдим.

Мен ўтирадиган кресло деразанинг олдида бўлиб, у ерда ажойиб баҳор манзараси кўзга ташланар эди. Мен бу манзарани соатларча завқ-шавқ билан томоша қилиб ўтирардим. Ўринсиз кайф-сафолардан, бемаза шўхликлардан эзилган ҳорғин вужудим секин-аста аввалги ҳолига келмоқда эди. «Ухламаган ёш, ухлаган кекса касалдир» қўлланмасига амал қилиб тез-тез, сурункасига босиб келадиган уйқуга ҳеч қаршилиқ кўрсатмай, креслонинг ўзидаёқ кўнглим қанча тусаса, шунча маза қилиб ухлаб олар эдим.

Маймуни менга дўст ва итоаткор ёрдамчи эди. Қўлимни оғзимга, қошиққа ўхшатиб яқинлаштираман, зинғиллаганича дарров сув келтирар, агар мен ухлаб қолганда хоҳ тунда бўлсин, хоҳ кундузи, мабодо телеграф қўнғироғи чалиндими, бир зумда уйғотар эди.

Бир куни пешин овқатидан кейин бир оз мизғиган эканман ғалати ҳиссиётдан уйғониб кетдим: кимдир менинг сочларимни

оҳистагина силар эди. Секин кўзларимни очдим. Қарасам маймумуним экан. У ўзининг оппоқ, нозик кафтлари билан бошимни силар эди. Бундай ёқимли ҳиссиётдан қайтадан кўзларим илиниб қолибди. Кўзимни очганимда маймумуннинг қаршимда юзларимга тикилиб турганини кўрдим.

Бу воқеа кунда такрорланиб турар эди. Маймун сочларимни силар, эркалар, мен ухлаб қолганимда эса, қаршимга ўтириб олиб, юзларимга тикилгани-тикилган эди.

Кунларнинг бирида эрталаб юз-қўлимни ювиб бўлгач, очиқ деразадан тизилиб кетган ним қизғиш ҳаво пардалари орасидан титраб кўринаётган узоқдаги тоғларга, эрталабки қуёш нуридан четлари ёниб кўринаётган осмондаги паға-паға булутларга маҳлиё бўлиб турганимда, бирдан эшик «ғийқ» этиб очилди. Ким экан деб ўгирилдим. Остонада ёш, гўзал бир қиз турарди.

— Телеграф маъмури сизмисиз, афандим? — мурожаат этди у юнончалаб. Унинг бутун ҳаракатида, ўзини тутишида юнонларга хос шўхлик ва ноз бор эди.

— Ҳа, — дедим мен, — хўш, хизмат?

Маълум бўлишича, қиз кекса отасига ўзининг бу ерга — холалари яшаб турган жойга эсон-омон етиб келганини хабар қилмоқчи экан. Биз дарров телеграмма юбордик. Бу ёш юнон қизи ўзини шундай эркин тутар эдики, биз ўн дақиқа ўтар-ўтмас у билан, худди ўн йилдан бери таниш бўлган кишилардек, жамики нарса ҳақида гаплаша бошладик. Отасининг Афинада баққоллик магазини бор экан, ўзи бўлса Ёнёдаги холалариникига меҳмон бўлиб келибди, бу ерда дам олар эмиш.

Мен мадмуазелга ёққанлигимни сездим.

— Бу ер жуда яхшику-я! — дедим мен қизга, — аммо сиз шовқин-суронга ўрганган одамсиз, ҳар ҳолда зерикиб қолсангиз керак.

Худди эски қадрдонлардек бир-биримиз билан хайрлашдик.

Эртаси куни телеграфхонанинг ёнидан ўтиб кетаётганида салом бердим. Қиз менинг саломимга кулимсираб алик олди.

Бизнинг дўстлигимиз кундан-кунга мустаҳкамлана борди. Биз телеграфхонанинг олдидаги боғда соатларча сайр қилиб юрардик. Қизнинг исми Елена Теодор экан. У жуда зукко ҳам эмас, бефаҳм ҳам эмас эди, аммо ўзини жуда эркин тутарди. Афинада французча ўрганган экан. Унинг фикрича, буткул адабиёт фақат у мактабда ўқигани Расин, Корней, Фенилондан иборат эди.

Бир кун кечки пайт биз у билан ҳар галгидек боғда сайр қилиб, ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашиб юргандик. Бир маҳал қарасам, маймумуним биз томон чопиб келяпти.

— У нега югуриб келяпти? — сўради қиз.

— Билмасам, — дедим. — Кўрайлик-чи, нима қиларкин?

Маймун чопиб келиб шимимнинг почасини торта бошлади. Шунни айтиш керакки, маймунининг ўзига хос бир товуши бор эди. Бу товуш орқали мен телеграф қўнғироғи чалинганини англадим. Маймуни ҳозир худди ўшандай товуш чиқарар эди.

— Мени кечирасиз, мадмуазель, — дедим қизга. — Телеграмма келганга ўхшайди. Уни қабул қилишим керак.

Телеграфхонага қараб югурдим. Мен йўлда кетатуриб шу нарсани сездимки, маймун нимадандир хурсанд. Мен хонага чопиб кирдим. Маймун ташқарида қолди. Қарасам: ҳеч телеграф ишорати йўқ, қўнғироқ ҳам чалинмаётир. Яқин орадаги ҳамкасбларим билан дарров алоқа боғлаб суриштирдим. Ҳеч ким мени чақирмаган эди. «Ажабо, мени маймун алдадимикин?» деб ўйладим ва Еленанинг олдига қайтмоқчи бўлдим.

Энди остонадан ҳатлаб ўтган эдимки, бирдан ҳайқириқ эшитдим. Узоқдан менинг гўзал ҳамсуҳбатим икки қўли билан юзини беркитиб турганини кўрдим. Кўрдиму, оёғимни қўлимга олдим. Келиб қарасам, қизнинг бармоқлари орасидан қон сизилиб оқмоқда.

— Нима бўлди? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Маймунигиз юзимни тимдалаб олди! — жавоб берди қиз, оғриқнинг зўридан кўзларини юмганча.

Дарров кекса докторга югурдим. Еленани уйига олиб бордик. Худога шукур, яраси унча хавфли эмас эди.

Мен шунча вақтдан бери биринчи марта маймунидан қаттиқ газабландим (кейин маълум бўлишича, менинг ундан аччиқланишим охиргиси экан). Мен ўз хонамга кирдим. У шу ерда эди: столнинг остидан менга қараб турарди. Унинг кўзлари мамнунликдан ялтирарди. Шунда мен уйнинг бурчагида турган йўғон таёқни олиб, уни кучимни борица савалай кетдим. Назаримда маймун кўрқмади. Фақат нега бундай қилаётганимга ҳайрон бўларди. Шунда мен қутуриб кетганимдан, маймунининг бўйнидан тугтиб шиддат билан ташқарига итқитдим... Остонанинг нариёғига «гурсиллаб» тушганидан кейин менга шундай бир боқдики... ҳанузгача эсимдан чиқара олмайман, унинг бу назарини...

Ўша куни туни билан маймун эшикни тимдалаб мени чақирди, аммо мен эшикни очмадим. Тонг отгандан кейин қарасам, қаёққадир ғойиб бўлибди. Орадан уч кун ўтса ҳамки, ундан дарак йўқ эди. Тўртинчи куни қандайдир бир деҳқон маймунини менга келтириб берди.

— Сув бошида — қоялар орасида юрган экан, — деди.

Эҳ, бир кўрсангиз эди унинг қандай аҳволда эканлигини. Озиб кетган, ҳорғин, ҳолсиз, эзилган, ифлос... Чамаси ўтган тўрт куннинг ичида у ҳеч нарса емаган бўлса керак. Мен маймунга унинг

энг севимли ширин ёнғоқларини бердим, у лоақал бу нарсаларга қарамади ҳам. У кўзларини юмиб, секингина инграр, назаримда, у йиғларди. Унга бўлган ғазабим бир пасда сўнди-ю, юрак-бағрим эзилиб кетди. Мен маймунга зўрлаб бўлса-да, овқат едиришга уриниб кўрдим, аммо у қайсарлик қилиб ҳеч нарсани емадиям, ичмадиям. Охири ўн кундан кейин у ўлди. Бечора нозик ва заиф маймунчам мени у қиздан рашк қилди, жазолаганим учун бундай ҳақоратга чидай олмай, ўзини ўзи очлик билан ўлдирди: мен кулчадек қимирламасдан ётган оппоқ маймунчамга, унинг оппоқ қўлчаларига, чексиз алам билан орқасига ташланган бошчасига қараб турарканман, негадир йиғлагим келар эди. Шу пайтгача сезмаган қандайдир бир ғалати хафалик юрагимни эзарди. Мана шу оппоқ қўлчалар яқингинада менинг сочларимни силаган эди. Маймун ҳақиқатан ҳам мени қаттиқ севарди...

Юракдаги у муқаддас хотираларнинг ҳасратли асоратини ўчирадиган узоқ замонлар ўтди. Лекин мен шу пайтгача рашк нима эканлигини билмайман. Аммо ҳар сафар ўзимнинг оппоқ маймуниمنى эслаганимда, юрагимга аллақадандир алам қўйилиб келади.

Баъзи бир ҳиссиётлар, сезгилар борки, у нарсалар одамларга нисбатан ҳайвонларда анча кучли бўлади. Масалан, эшаклардаги ўжарлик, итлардаги садоқат, мушуклардаги фосиқлик каби...

Ажабо, рашк ҳам шундай ҳиссиётларга кирадими?

НАҚАРОТ

Ёшлигини Македонияда¹ ўтказган эски зобитнинг хотира дафтаридан.

21 январь, 1319 (1903), Бабина²

Ўн кундирки, айланиб юрибмиз. Куздан сарғайган хароб ўрмонларни кезиб чиқдик... Овқат пишириш учун ёқилган олов кулидан бошқа бир нарса йўқ. Ғолибо, қиш келгани учун ҳамма нарса ғойиб бўлган. Ниҳоят қурол қидиришга буйруқ берди. Икки-уч қишлоқдан насиҳат ва тазйиқ-ла юз эликтача қурол топдик. Булар марказга юборилди. Мен ўз бўлинмам билан қолдим. Балки бу тарафларда исёнчилар³ бордур. Жуда совуқ. Чодирда жон сақлаш имкони йўқ. Аскарларга кенгроқ ерни тайин

¹ *Македония* — Болқон ярим оролидаги ўлка. Ҳозир Югославия таркибида мустақил республика. Ўша вақтлар Туркия қўл остида бўлган.

² *Бабина* — Македониядаги қишлоқ.

³ *Исёнчилар* — туркларнинг ҳукмронлигига қарши курашаётган македонияликлар.

этдим. Ўзим эса қишлоқнинг ягона савдогари, яъни баққоли, аттори, майхоначиси, хуллас, ҳамма нарсаси бўлган булғор дўкони ёнидаги бузилган уйга жойлашдим. Бу қадар ифлос! Эй Худойим, бунча иркит бўлмаса!

Ётадиган хонамнинг биргина деразаси бор. Печка — ўчоғи, шифти худди кўмирдан қилингандек қоп-қора... Эшигига қўл теккизишга ҳазар қиласиз. Чироқ йўқ. Сассиқ, ёғли бир курум босган тунука қандил сариқ ва синиқ нур таратади. Вужудим, зеҳним ҳорғин... Тушуна олмайман. Пастда уй эгасининг чўчқалари бор. Ора-сира шундай хунук чинқирадики... Худди остимда бировни бўғаётгандек, бўғизлаётгандек бўлади. Кўрқувдан кўзларимни юмиб оламан. Хаёлимда ҳамма ёққа сачраган қон томчилари юзимга тегиб кетадигандек. Пешонамнинг чап бурчагидан қулоғим томон англаб бўлмас бир ҳарорат ёйилиб боради.

Бир сас...

Ҳа, бир аёл товуши! Ёзувларимни йиғиштириб қулоғимнинг қиламан. Унча узоқда эмас. Лекин ҳаво қандай хуш... қанчалар осуда, фарахбахш...

Январь, 1319 (1903)

Эрта тонгда турдим. Ҳаво муздек. Шинелимни кийдим. Пастдан ҳали олов келтириб, ўчоққа ўт қаланмаган. Ёрдамчим «тайёр бўлиш» хабарини келтирди. У чиққунча исинмоқ учун тор хонанинг ичида бориб-кела бошладим. Ўчоқдан деразага, деразадан ўчоққа бориб келаман. Бошим тўнтарилган чўян ҳавончадек оғир, қоп-қоронғу, бўм-бўш. Олти ой яшаганим севимли Истанбулжонимни, Фенерёлидаги ойдинликни, тоза, озода, роҳатбахш кўшкимизни ўйлардим, лекин кўз олдимга келтира олмасдим. Ажабо, батальон марказига почта келдимикин? Неча ҳафта бўлди, онамдан хат олмайман. Бу ернинг сугидан саримсоқ ҳиди келади. Нонуштага ҳаммасидан қоқланган нонни хуш кўраман.

...Ташқарида шовқин кўтарилди. Қарадим. Пастак бир девор билан ажратилган кўшни боғчада эшик очилиб, унинг устунига суяб қўйилган тахталар қулаб тушди. Шу қишлоқлик эканлигига кўзларимнинг ишониши мумкин бўлмаган бир қиз. Гавдалик, қўнғирсоч, чиройли, қувватли бир қиз. Устуннинг чап томонидаги майдончадан қараб турибди... Мени кўрди. Қочмади. Ҳатто тикилиб-тикилиб қаради.

Олти ойдан буён бундай гўзалга биринчи марта дуч келиб турибман. Лекин нақадар тиниқ, жонли, тоза, соф бир гўзаллик... Тўйиб-тўйиб боқмоқдаман. Ва шу хотираларни ёзаяман.

«Хаёт бу уйқу бўлса, ишқ унинг рўёсидир!» Мана — энг буюк ҳақиқат. Эсим кетди, ғамим ҳам кетди. Жонландим. Иштаҳам очилди. Кезмоқ, томоша қилмоқ истайман. Бугун чиқиб қишлоқдаги туркча билган булғорлар билан гаплашаман. Иншоллоҳ, мени бу ердан олиб кетмасалар керак. Марказга ёзим. «Мени кўзғатманг!» дедим. Энди бекор вақтларимни — зотан тамом бекорман — дераза ёнида ўтказаман. Фолиб, деворлардаги ёзувларга бир неча сатр илова қиламан. Лекин, бу на бир шикоят, на бир оҳ бўлади! Тотли, тоза, осуда бир хотира...

Майдончадаги гўзал, башанг, келишган қиз билан узоқдан бир севишиш! Унинг исмини ҳам билмайман. Дўкон эгасидан ҳам, хизматкордан ҳам сўрамадим. Сўрашдан нима фойда? Уни билмасам, фақат ёзувларимгина мени унга боғлаб қўйди. Ҳарбия мактабининг иккинчи синфида «Жазо қонуни»ни ўқитган бир ўқитувчимиз бўларди.

— Фазилатли бўлмоқ инсоннинг қўлида эмас. Лекин истаса, номусли бўла олади, бу ихтиёрий нарсасидир, — дерди. Унинг фикрича, ким яширин қилган ишини кўпчилик билиб қолган ҳисоблаб, жазо қонунномасининг моддаларини хотирага олса, номуссиз бўлишдан қутулади. Лекин фазилат ичдан келадиган бир нарса. Бунга зўрлик билан эришмоққа уриниш «риёкорлик» бўлар эди. Бир кишида фазилат ё бор, ё йўқ. Орзу билан, ирода билан унга эришиб бўлмайди.

Мен ушбу дераза олдида, дўкончининг исқирт қўйи пўстаги устида чордана қурганча, руҳимни таҳлил этарканман, ҳеч фазилат эгаси бўлмаганимни изтироб билан ҳис этдим. Чунки ... Ҳар қандай ёмон фикрлар келади хаёлимга! Бу қизни мажбуран олиб қочмоқ! У билан бирга қочмоқ! Америкага... Қайта дунёга келгандек, бошқа манзара ва бошқа ҳаётни хаёл қилардим! Ортиқ на онам, на отам, на уйим, на ватаним қолади! Демак, мен бир дайдиман! Бугун орзум қочмоқ, бандиликдан қутулмоқ, ватани, оилани абадий тарк этмоқ. Нотаниш олисларда биргина муҳаббат билан яшамоқ! Лекин бу иштиёқларнинг орзудан амалга айланишини устозимнинг тавсиясини хотирлаб жазо қонунномасининг моддалари билан солиштириб чиқсам, ўзимдан уялиб кетаман. Ташвишга кўмилиб ётган заволли давлатнинг бошига бир булғор қизини олиб қочиб, янги мушкулот ортмоқ! Иш берадиган, ватанга хизмат қиладиган чоғимда қўшинни тарк этмоқ, жангдан, тўқнашувдан, ҳарбдан қочмоқ! Табиий бир ўққа учиб қуламоқ ёхуд бир пасткаш каби касалхоналарда суриномоқ, таҳқирга учрамаслик учун мамлакатимга ҳам қайтмаслик. Севикли онам кўз ёшларига ғарқ бўлиб, менинг хаёлим билан ўлади. Отам

яқинлари, дўстлари олдида менинг хиёнатимдан юзи шувит. Ҳеч кимнинг юзига қарай олмайди.

Буларни ўйларканман, кўзимни майдончадан оламан. Қоп-қора ўчоқ ичида чирсиллаб ёнаётган олов хаёлимни ўз оғушига тортади. Ҳа, номусли бўлмоқ инсоннинг ўз кўлида! Мана, мен ҳам на қизни олиб қочаман, на унинг исмини билишга ҳаракат қиламан. Ҳатто юзига боқмайман! Лекин буларнинг ҳаммасини ўйлаб ўтирмай, муҳокамасиз қилолсам эди. Нега ахлоқнинг асоси бўлган фазилат йўқ? Нечун доимо урмоқ, мажақламоқ, парчаламоқ, қочмоқ, қарши бормоқ, ўлдирмоқ, исён этмоқ истагига мойиллик билан яшайман? Илк тарбия таъсирими? Чунки болалигим тартибсиз кечди. Салкам йўлтўсарлар бўлган бир тўда одамлар ичида ўсиб-улгайдим.

Истанбул, оҳ, бу қадар севганим гўзал Истанбул, мактаблар, бой кибор ақраболарнинг¹ назокатлари борлигимга ғоят катта куч ва қувват бахш этган! Аркони ҳарб² табақасига кўшилиб кетишимнинг сабаби ҳам қаттиққўллим... Бир дўстимни ўласи қилиб урганман. Айбдорлигим маълум бўлиб қолди. Қамоқда ётиб чиқдим. Ахлоқим тамом бўлди. Бутун умидларим пучга чиқди.

Лекин мана бу гўзал хоним унга қарамаганимга, орқамни ўтириб олганимга жаҳл қилаяпти. Мени дераза олдида кўриши билан овози борича кўшиқ айтиб қичқиради:

*Наш, наш
Чариграт наш.
Раз-два-три...*

Февраль, 1319 (1903)

Мен... қароқчи ушлайдиган, қароқчиларга доир хабарлар тўплашга масъул ёш зобит нималарни ўйлаб, нималар билан шуғулланиб, нималарни ёзиб юрибман. Ҳа, майдончадаги қиз билан ишни гуллатиб юбордик. Мен ортиқ совуққа, изғиринга парво қилмадим. Деразанинг ойнасини очиб кўйдим. Қиз яйраб кетди... менга ғалати-ғалати қараб кула бошлади. Кўли билан мен маъносини тушунмаган ишоратлар қиларди...

Февраль, 1319 (1903)

Айтган кўшиғи нақадар фузун, қанчалар ғалаёнли! Шубҳасиз, бир ишқ кўшиғи! Мен биргина нақаротининг сўзларини ўргана олдим...

¹ *Ақрабо* — яқинлар, қариндошлар.

² *Аркони ҳарб* — ҳарбий таянч.

*Наш, наш...
Чариграт наш...*

Мовий оташ кўзларини менга тикканча бу нақаротни так-
рорлар экан, қўлидаги илмакларни¹ тўқиётган пайпоғи ичига
солди-да, ингичка бармоқлари билан, гўё кўринмас бир қалб-
ни сиқмоқчи бўлиб, шайланиб турган ярим юмилган кучли
бармоқларини қўшиқ оҳангига мослаб майдон панжарасига
урарди:

*Наш, наш...
Чариграт наш...*

«Наш»лар шунчалар эҳтиросли, шунчалар жонли, шунчалар
ошиқона, шунчалар қизғин эдики... Улар гўё руҳдан ҳам теранроқ
бир ердан келар эди. Гўё коинот қаърида акс-садо топгандек.
Ким билсин, бу «Наш» нима дегани? Менга тикилиб такрорла-
шига қараганида, бир хитоб бўлиши керак. «Сени жуда севаман,
сенинг учун жонимни бераман!» дегани бўлса керак. Ё бўлмаса,
шуларга яқин бир нарса! Неча марта бўлинмадаги булғорча би-
ладиган иштилик² Хусни ўнбошини чақириб сўраш ақлимга
келди. Лекин бу ўнбоши — шайтони лаъиннинг ўзгинаси... Унга
ишқий қўшиқни таржима қилдирсам, тамом, ҳаддидан ошади. У
ёғи нима бўлади? Бу ҳаяжонли қўшиқнинг мен ёдламаган бошқа
бандларидан, қулоғимга унча бегона бўлмаган, «Болқон, Шип-
ка, Маритса» сўзлари эшитилди. Ҳар ҳолда рус ёки италян му-
сиқасидан олинган бир нарса бўлса керак. Қўшиқни хаёлимда
тахминан шундай таржима қиламан:

*Сени жуда севаман,
Сени жуда севаман.
Болқонлардан, Шипкадан
Ошиб келдим ёнингга
Кўр Маритса бўлолмас
Тўсиқ менинг йўлимда.
Сени жуда севаман,
Сени жуда севаман.*

Булғорчани ростдан биладигандек, сўзларини бирма-бир турк-
чага таржима қилганим каби ичимда бир ишонч бор. У булғорча:

¹ *Илмак (спица)* — тўқишда фойдаланадиган игнасимон асбоб.

² *Иштилик* — жой номи.

*Наш, наш
Чариграт наш...*

дея чақирмоққа бошларкан, мен ҳам тахминан қилган таржамани унинг оҳангига мослаб гўнғиллайман. Бу қандай тотли, қандай эҳтиросли ошиқлик бўлди. Узоқдан узоққа...

8 март 1319 (1903)

Бугун Пирбеличега¹ қайтмоқ учун батальон қўмондонлигидан буйруқ олдим. Келган почта маълумотларидан билдимки, Монастирга² кетяпмиз. Алвидо, эй ҳануз исмини билмаганим, лекин руҳини англаганим гўзал қиз! Бир ой бу қадар тез ўтди. Ҳеч бўлмаганида узоқдан, майли у хаёлий ишқ бўлсин, сезмаганлар нақадар бадбахтдирлар! Ҳаёт аччиқ бир дори... Ишқ унга аралаштирилган бир шакар! Бу дорини шакарсиз ичмоқчи бўлганларнинг ҳолига вой! Икки ойдирки, нажотсиз тўлғонаман. Олис келажак орзулари димоғимни тўлдиради, роҳатимни олади. Ўн беш метрлик бир масофадан дурбиним билан энг назик нуқталаригача кузатганим бу жонли ҳайкал руҳимда қиёматлар ясайди. Кунларнинг, соатларнинг қандай ўтганини сезмаган эдим. Энди бу ерга кеча келгандекман.

Бир ой давомида уч мартагина ташқари чиқдим. Бу ҳам аскарларга озиқ-овқат олиш учун. Қайси хонада бўлмай, касалимга баҳона топардим. Ёрдамчимга оқшом танбех бериб:

— Кечаси ётганда деразангизни яхшилаб беркитинг. Шамоллаб қоласиз. Бир марта деразани очган эдим. Тумов — пучқоқдан бўшамайман!

Ёлғон гапирмоқда эдим. Бир ой давомида кундузлари деразани ҳеч бир беркитмадим. Хона ичида шинелимни кийиб ўтирдим.

Эртага тушлик олдидан йўлга чиқамиз. Ёрдамчимга тайёргарлик кўришни буюрдим. Бу охириги кеча... Мендан олдин келибкетганларнинг девордаги ёзувларига мен ҳам бир нарсалар илова қиларман. Аммо нимани? Буни ҳали билмайман.

*Наш, наш
Чариграт наш...*

Бу сатрларни қоғозга туширар эканман, у гўзал маъсум муҳаббатимизнинг муштарак нағмасини такрор этарди. Ажабо, менинг эртага кетишимни, уни абадиян кўрмайдиган бўлиб

¹ *Пирбеличе* — жой номи.

² *Монастир* — жой номи.

кетишимни билса... Бир ойдир, бу ишқ фарёдини, бу тоғларнинг покиза шамоллари сингари кучли ва муаззам фарёдини баробар тинглардик.

...Эрта кетиш олдидан унга «Бир ёдгор» қолдирмоқ истаيمان. Чемоданимда очилмаган кичкина бир шиша атир бор. Шуни бериб юбораман. Лекин ким орқали? Уй эгаси майхоначи ниҳоятда мутаассиб! Балки хизматкорини кўндираман. Йўлга чиқишдан ўн дақиқа олдин бериб юбораман. Қишлоқдан чиққанимда, ё бўлмаса, чиққанимдан сўнг ҳадяни олади. На қайтариб юбора олади, на ташаккур...

Деворга лотин ҳарфлари билан бир ойдан буён биргаликда айтаётган қўшиғимизнинг нақаротини ёздим. Бир куни мен каби бу ёзувларни ўқийдиган ичида бирор булғорча биладигани бўлса, бу ерда ишқ можароси ётганини англари. Зотан, бошқа нима ёзмай, руҳимнинг саргузаштини ушбу тўрт сўздай ифода этолмас.

*Наш, наш
Чариграт наш...*

11 март, 1320 (1904), Пирбеличе

Бабинадан эрта тонгда отландик. Аскарларни йўқлама қилдим. Овқатларини едирдим. Соат тўртда ҳаммани йўлга чиқардим.

— Секин-секин бораверинг. Мен орқангиздан етиб оламан, — дедим. Минадиган ва кўрпа-тўшагим, чамадоним юкланган от билан майхона рўпарасига келдим. Хизматчи билан отларга қарайдиган қуролли бир кишидан бўлак ҳеч ким қолмаган. Майхоначи билан ҳисоб-китобни қилдим. Деразага келдим. Майдончада қиз йўқ эди.

*Наш, наш
Чариграт наш...*

деб хуштак чала бошладим, кўринмади. Бу нақаротни ўн мартача такрорлагандирман. Майхоначининг югурдаги ичкари кирди. Пастдан хўжайин юборди, ёрдам бериш учун... Чемоданим билан кўрпа-тўшагимни елкасига ортдим.

— Яна кел! — дедим.

Атирни олиб қўйгандим. Бола келиши билан қўлидан тутдим. Деразанинг четига бошладим. Келиб-кетган аскарлар билан олди-берди қилавериш, туркчани бир оз тушунадиган бўлиб қолган эди. Майдончали уйни кўрсатиб, сўрадим.

— Шу ерда бир қиз бор, биласанми?

У узун ва катта ёғлик сочли бошини тебратди.

— Рада, — дея кулди.

— Радами?

— Ҳа.

— Баракалла, мана сенга бир чейрек¹, биласан, мен кетяпман. Унга кўпдан-кўп салом айт. Бу шишани бериб қўй.

— Хўп-хўп...

— Лекин тўғриси айт. Кейин бермаганингни билсам, сени чатоқ қиламан.

— Йўқ, бераман.

— Яхши, албатта бер.

Мени хотиржам қилмоқ учун ориқ қўллари билан бир хоч² чиқарди.

— Албатта бераман, — дея бошини яна бир силкитиб қўйди-да, чиқиб кетди. Эгилиб этикларимга пошналик (шпор) тақардим. Тасодифан хайрлашув расмини адо қилмоқ фикри билан кекса майхоначи ичкари кирди.

Бир ойдан бўён хонамга биринчи марта кириши. Мен тик турган эдим. Ўчоқнинг четига бетакаллуф чўкди. Мендан жуда мамнун эди. У билан муомаламиз ўзи қизиқ эди. Шунчаки гапни улаш учун сўрадим:

— Соат неча?

— Бешдан ўтяпти.

— Юклар ортилдими? Мен тайёрман.

— Лекин ҳаво ёмон.

— Нима қиламиз, буйруқ шу хўжайин.

Рада билан видолашиш учун ортиқ қололмас эдим. Бутунлай кетадиган куним бундай йўқолиб қолиши ғалати эди.

Такрор сўрадим:

— Тақсир, бугун бирор байрам борми?

— Йўқ.

Ажабо, қаёққа кетган бўлса? Кулоқларимда қўшиғининг нақароти садо беради. Жаёлан таржима этганим бу ўйноқи ишқ нашидасининг сўзларини кетаётган пайтим шу қарияга таржима эттирмоқ фикри бирдан миямга урилди.

У бир вақтлар шаҳарда турганлиги учун туркчани билар эди. Ушбу қўшиқнинг булғорчаси билан туркчасини дафтаримга бир хотира сифатида ёзиб олмоқчи бўлдим.

— «Наш, наш, Чариграт наш...» нима дегани, хўжайин?

Чолнинг нафас олиши тезлашди. Кичик, сўниқ кўзлари порлади. Кирланиб кетган бир тахта парчасига ўхшаган кир қўлини бир нарсага эътироз билдираётгандек ҳавога кўтарди:

¹ Чейрек — туркча майда пул бирлиги.

² Хоч — христианлик белгиси.

— Худо сақласин, — деди, — бизнинг қишлоғимизда ҳеч ким бундай демайди. Биз буни қабул этмаймиз.

Тушунмадим. Такрор сўрадим.

— Нега?

— Биз қабул қилмаймиз. Бу ернинг барча аҳолиси инсофли кишилар.

— ...

Яна англамадим. Йирик бир муҳаббат нашидаси деб ўйлаганим бу латиф қўшиқнинг, ажабо, уят, айб, номусга зид келувчи ёмон бир сўзлари бормиди?

Деразанинг ташқарисини кўрсатиб:

— Шу қўшнининг қизи қандай, хўжайин? — дедим.

— Қайси бири?

— Рада.

— Уни билмайман, лекин отаси яхши одам эмас. Черковда поп эди. Бир куни ҳарбийга кетиб қолди. Велмефчеда¹ ўлди...

Хаёлимда:

Сени севаман...

Сени севаман...

деб таржима қилганим «Наш, наш Чариграт наш...»нинг маъноси, шунчалик уятли эдими, бу одам номусга зид ҳисобляптими? «Уят сўз бўлсаям айтинг, азизим, зарари йўқ, хўпми?» дедим холи-жонига қўймай.

Қизиқишим ортиб борар эди. Қария ўнғайсизланар, туркча сўз тополмай қийналарди.

— Ҳа, айтинг, «Наш, наш» нима дегани?

— Анақа... афандим...

— Нима у жоним?

— «Бизники бўлажак, бизники бўлажак!» дегани.

— Нима бизники бўлажак.

— Анақа...

— Нима нарса, жоним айт... дея қизиқдим. Қария қизариб-бўзариб кетди. Терлагандай бўлиб, пешонасини кафтининг орқаси билан артди. Ерга қараганча тутила-тутила:

— Ча ... Чариграт! — деди.

— Чариграт нима?

— Истанбул.

— !...

Шундай ёмон бўлдимки, ҳеч нарса дея олмай қолдим. Ис босган шифтга қараганча шинелимнинг тугмаларини ўтказа бош-

¹ Велмефчеда — жой номи.

ладим. Жаҳлим чиқиб, оқариб кетганимни, музлаб бораётганимни кўрган қария ҳам ўлим ҳукмини эшитаётган гуноҳкордек кўрқаписа ўрнидан турди. Нима дейишимни ҳам, нима қилишимни ҳам билмасдим.

*Бизники бўлажак, бизники бўлажак,
Истанбул бизники бўлажак...*

Юрагим йиртилиб кетгудек зирқирайди. Тиззаларим оғрийди. Билакларим устида гўё чумолилар юради. Лабларим, яноқларим титрай бошлади. Майхоначи кўрққанидан юзимга қарай олмайди. Чайқалганча эшик томон юрдим. Қоронғу зинадан тушар эканман, руҳимга виждонимга кутилмаганда келиб теккан бир қамчининг кишини нобуд этувчу шартиллаган овозини энди аниқ-тиниқ эшитаётгандек эдим:

*Наш, наш
Чариграт наш...*

Ҳа, ҳеч шубҳасиз, у мен аҳмоқ, ўзидан бошқа нарсани ўйламайдиган, тушунмайдиган гўрсўхта ёш зобитнинг ҳадясини олган эди. У майдончадан биргина менга эмас, бутун миллатимга қаратилган жасур, метин, азимкор куфри¹ билан ташаккур билдирарди.

Дўкондан зўрға чиқдим. Майхоначининг гаплари қулогимга кирмас эди. Ҳаво жуда бузуқ эди. Тўнгдирувчи, муздай кесувчи бир шамол эсарди. Бошим қизиб, вужудим ёнарди.

Шинел ва кителимнинг тугмаларини ечиб юбордим. Бош кийимимни орқага ташладим. Тик йўллардан, тоғ жарлардан, сокин ўрмонлардан юрдим. Юкларим ортда қолиб кетди. Бўлинмага етишдим. Улардан ҳам ўтиб кетдим. Оҳ, бу танҳо, бу қуш учмас ўрмонлар ичида кошки бирор партизанга дуч келсам эди. Ўзимга бўлган нафратимдан, виждон азобидан вужудим эриб борар эди.

¹ *Куфри* — бу ерда инкор, исён маъносида.

САИД ФОИҚ 1906—1954

Турк ҳикоячилигида ўзига хос ўрин тутган Саид Фоиқ Истанбулнинг Дагазери кентида дунёга келди. Бошланғич таълимни туғилган шаҳрида олди. Сўнгра Истанбул эркаклар лицейида ва Бурса лицейида ўқиди. Шунингдек Истанбул университетининг адабиёт факультетида ва Франциядаги Гренобле университетида олий таълим олди. Истанбулга қайтгандан кейин, Халижи ўғли мактабда қисқа вақт ўқитувчилик ва бир ой газетачилик қилган бўлса ҳам, отасининг истаги билан ёз ойлари Бургаз томонларда, қишда эса Шишлидаги уйида онаси билан бирга яшади. Саид Фоиқ адабиётга лицейда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг шеър ва ҳикоялари билан килиб келди. Гарчи романлар ёзган бўлса ҳам, ҳикоялари унга шуҳрат келтирди ва турк ҳикоячилари орасидан муносиб жой эгаллади.

Ёзувчининг илк ҳикояси «Варрақлар» бўлиб, «Миллатпарвар» газетасида босилиб чиқди. Шунингдек, «Борлиқ», «Дарахт», «Сарвати Фунун — уйғониш», «Овоз», «Янги овоз», «Юриш», «Кун», «Япроқ», «Янгилик» журналларида ҳам кўплаб ҳикоялари босилди.

Ёзувчи асарларида болалик йиллари, Бурса, Ада бозори ва Францияда яшаган ҳамда бошидан кечирган воқсаларни, шунингдек, қаҳрамонлари сифатида балиқчилар, болалар, атрофдаги маҳаллаларда яшовчи турли табақадаги инсонларни жонлантирди. Унинг ҳикоялари асосан реалистик услубда ёзилган бўлиб, унда инсон ва табиат севгисини юқори қўйгани китобхон эътиборини тортмай қолмайди.

Асарлари:

Шеър: «Ҳозир севишмоқ вақти» (1953).

Романлар: «Бир қанча инсонлар номи билан» (1952), «Йўқолган қидириляпти» (1953).

Ҳикоялар тўпламлари: «Самовар» (1936), «Сардоба» (1939), «Шоҳмардон» (1940), «Кераксиз одам» (1948), «Маҳалла қаҳвахонаси» (1950), «Булутли ҳаво» (1951), «Ҳовуз боши» (1952), «Охирги қушлар» (1952), «Олиядоғда бир илон бор» (1954), «Бир оз ширин» (1954), «Тушдаги бола».

ИЛК БАҲОР ҲИКОЯСИ

Илк баҳор бу — бир байрам, бир уйғониш, бир мўъжиза, бир жиннилик, бўлмайдигандек туюлган бир ишнинг битиши; илк баҳор бу... Қушлар, мойчечаклар, лолалар, ўтлоқлар, кўкаламзорлар, чамандек очилган дарахтлар, мимоза, заққум, сув шилдираши, ҳиндиба, лўлилар, кўзилар... Классик илк баҳор ичида ҳамма нарсанинг, ҳатто зулукнинг ҳам ўз ўрни бор. Унутганларим ҳам кўпдир. Энг муҳими апрель, май куёши.

Ёши қирқдан ошган баъзи одамлар фасллар ичида илк баҳорни бир оз ташвишсиз кутиб олишларига ажабланмаса ҳам бўлади. Ёпирай, эски жинниликлар қаерда қолди? Қаерда у ёш бир қизнинг рухсорини кўрганда донг қотиб қолишлик, ёш бир қизнинг қўллари бехосдан тегиб кетганда юракнинг гупиллаб уриб кетиши? Шу умрни фаслларга ўхшатганлар яхши қилишган, тўғриси. Ҳар кишининг илк баҳори, ўз ёзи, кузи, қиши бўлади асти. Инсоннинг илк баҳори ҳайвонларга қараганда кеч бошланади. От бир ёшида, нарисы билан икки ёшида илк баҳорга қадам ташлайди. Кўзи олти ойда кўй бўлади. Аммо инсон ўғли илк баҳорини йигирмага кирмасдан унча идрок этолмайди. Йигирмадан аввал идрок этилган илк баҳор, ёлғончи илк баҳордир. Мен куйида ана шундай бир ёлғончи илк баҳор ҳақида ҳикоя ёзаётirman.

Бундан роппа-роса ўттиз йил аввал мен ўн икки ёшда эдим. Биз Анадолунинг бир шаҳарида яшардик. Отам маъмур кишилардан бири эди. Шаҳарга ёзнинг охирларида кўчиб келгандик. Қаҳратон, одам бўйи қадар ёққан қорли бир қишни ўтказгандик. Бир кун қарабсизки, баҳор кириб келди. Қорлар эриди, аммо қорларни эритган куёш эмас, ёмғир бўлди. Анадолу шаҳрининг илк баҳори ёмғир билан бошланаркан. Худонинг берган кун қиёмга етди-ю, ёмғир куйди. Эрталабдан порлоқ, мовий бир кўк юзида иситмайдиган, жилваланган қор каби совуқ бир куёш кўриниб қоларди. Соат ҳали ўн бир бўлмасдан, шарқданми, ғарбданми, шимолданми, билмайман, бир қора булут пайдо бўларди-да, ўн дақиқадан сўнг, худди челақлаб қуйгандек бутун кун ёмғир ёғиб берарди. Хонамнинг деразасидан «Қорачайир» деб юритиладиган бир тўқ-яшил текислик кўриниб турарди. Осмоннинг барча рангларини денгиз каби эмган бу майсазор, ранг-баранг жилваланиб турмаганда, ундан бир телба ҳайқириқ билан сакраб чиқиш ҳеч гап эмасди.

Бутун қиш хасталикдан бош кўтармадим. Кўчага чиқсам, бошим айланарди. Бу ғариб, ёмғирли, қора булутли, қош-қовоғи солиқлик ҳавонинг ичида, инсонни авжига олиб сиққан шундай бир илк баҳорда тупроқ, одам, ўтлоқ, молхоналарнинг айқаш-уйқаш бўлиб кетган ҳидлари бор эдики, бирдан ич-ичимдан ба-

қирмоқ, йиғламоқ, сўнгра эса, тарашадек қотиб жон бермоқлик хаёли кечарди. Шунақанги жонимга тегиб кетганди бу ёмғир.

Бир сабоҳ кўзларимни шифтга қадаб ётардим. Ҳали ҳаво қораймаган, ҳаммаёқ чарақлаб турарди. Ётган сримда, бирпас туриб ёмғир бошланади, деган хаёлга чўмган эдим. Бирдан хонамнинг ичида порлоқ бир қуш учиб ўтди. Сўнгра ўнг томондаги девор устида тасмадаккина бир нур лип этди-ю, ғойиб бўлди. Кўзларимни ишқаладим. Кейин кўзимни очиб бундай қарасам, деворда бир порлоқ доира титраб-титраб худди ўз ерига жойлашмоқчи бўлгандай турарди. Бу бир ойнакнинг деворга юбораётган нуридан бошқа нарса эмас эди.

Каравотимдан сакраб, деразага отилдим. Бизнинг юксакликдаги боғ олд томондаги уйнинг боғчасига боқарди. Хонамга ойна, муҳаққақ, ўша ердан тутиларди. Пуштиранг шафтоли гулларининг орасида бир пари рухсор ўтирарди. Орқасига бир стул қўйилганди. Ўн олти, ўн етти ёшлардаги бир қиз эди. Деразада шундоққина қотиб қолдим. Қўлидаги ойнакнинг нури кўзимга тушганда, қўлларимни юзимга ёпмай, кўзларимни юммай тўғри қизга боқардим.

Эртаси куни менинг қўлимда ҳам бир ойнак пайдо бўлди. Ў, у назокат билан куларкан, кўзларини ойнагимнинг аксидан олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бу ўйин, ҳеч бир замон ярим соатдан ошмас, у боғдан уйига ёмғир томчиларини сочларида қолдирган қўйи кириб кетар, мен эса яна тўшагимга қайтардим. Эртаси кун яна гўзал бир сабоҳ бошланар, яна биринчи бўлиб унинг ойнаси юбоган нур хонамнинг деворларида ўйнар, сўнгра ўз жойига жойлашмоқ истаган каби, титраб-титраб деворда осилиб қоларди. Яна мен кўзларимни юммасдан унинг ойнаси юбораётган нурга, у эса кўзларини гўзал қўллари билан тўсиб, ойнагимнинг нурига боқардик. Кейин эса яна чошгоҳ ёмғири бошланарди.

Бошқа ҳеч бир нарса билан ишим бўлмагани учун бир сабоҳ уйимизнинг олдида бир ёйли арава келиб тўхтаганига унча эътибор ҳам қилмадим, бошимни қотирмадим ҳам. Аммо мен ойна ўйини билан овора бўлиб, онамнинг кириб келганини сезмагандим. Онам ғариб бир назар билан боғга, қизга, ойнаклар нурига, қўлимдаги ойнакка қаради. Кейин менга:

— Қани, бўла қол, кийин, — деди.

Аравага чиқдик. Икки бойлам ашёйимиз орқага боғланганди. Отам бошқа бир ерга тайин этилганди. Йўлга чиқдик. Бир ўрмоннинг ичидан ўтарканмиз, булутлар орасидан қуёш ўрмоннинг янгитдан яшара бошлаган дарахтлари устида бир кўринди-ю, ғойиб бўлди. Шунда бирдан ич-ичимдан энди ҳечам ойнак нуллари кўролмаيمان, деган аламли хаёл кечди. Ҳўнгир-ҳўнгир йиғлай бошладим. Шунда отам:

— Нима бўлди сенга? — деди.

Мен онамнинг чойшабига бошимни буркадим. Онам қўли биланми, юзи биланми отамга қандай бир ишора этганини билмайман, аммо улар ҳеч садо чиқармадилар. Кимса менга бирор нарса дейишга жасорат этолмаслигини сезиб, бутун кўнглимни бўшатиб, истаганимча йиғладим.

Мана энди илк баҳорда хонамнинг деразасига бир ердан тўсатдан бир нур тушса, у илк баҳор ҳар бир инсонни ташвишга солгани каби, менга ҳам андуҳ тўла бир юмшоқлик, бир ерда турмайдиган юрак ўйноқлигини беради. Ўша вақтдан буён роппароса ўттиз йил ўтди. Кимсанинг юзига ойнак тутмадим. Кимса юзимга ойнак тутмади. Аммо тўсатдан бир нур илк баҳорда хонамда порлоқ бир қалдирғоч каби чарх ураверса, ўша кўни нима қилишимни билмайман.

БИРИНЧИ МАКТУБ

Бир дақиқа аввал кўлимда қоғоз, қалам йўқ эди-ю, лекин сен билан субҳатлашган, сенга хат ёзгандим. Кўлимда қоғоз, қалам бўлмаса ҳам, хат ёзганимни айтганим ҳолда сен қаршимда эмаслигини сўйламади. Буни сен бир шоир ёхуд телба кишининг калласидан чиққан қилиқ деб ҳисобла! Сен қаршимда эдинг. Буни сўйламак яхши нарса эмас, аммо чамамда самимий. Барча менинг қабилар севгиларининг қаршида ўтиргандай каби бўладилар, тўдадан айрилиб қолмайманми?

Ҳозиргина сенсиз, қалам-қоғозсиз, ўтириб сен билан баъзи нарсалар ҳақида суҳбатлашдим, ёздим. Бу ёзганларимнинг, суҳбатларимнинг кўпини ўзимча яхши деб ҳисоблаганимдан ўрнимдан туриб кетдим. Қалам-қоғоз қидириб қолдим. Шундай қилиб ўтирдим, мана ёзмоқдаман.

Сен билан баҳс юритишни истамайман. Зотан баҳс юритажак нима ҳам борки, хулосаси шу.

Мен сенга ҳайрон, сен ташвишли жон!

Шундаям ўзимдан баҳс юритишни истайманки! На сендан, на ўзимдан сўз очмай бўлурми? Бўлмаслигини тахмин этарсан. Сенга бу пайтларда бошимдан кечганларни ҳикоя этмоқчиман.

Шунақанги нарсалар борки, бошқаларга тушунтирилгани замон уларда ҳеч қандай таассурот қолмайди. Ҳолбуки, айни нарсалар эди. Масалан, қаршимиздаги, яъни у нарсаларни англаганим инсонлар — буларни тинглашга ақалли муносиб бўлганликларини менга сездириб қўйган бўлардилар. Нима

қилайин? Гўё буларни сенга англатсам, менга ўтказган таъсири-ни сенга ҳам ўтказажаклар. Ана шунинг учун сенга тушунтиришга ҳаракат қила бошладим.

Булар менинг ёзувчилик ҳаётимга, бу кундаги дайдичилик ҳаётимга тааллуқли майда-чуйда нарсалар. Сенинг, севгилим, эскидан ёзувчиларни севган одатинг бор эди. Мен билан яқин бўлинса, бу ўтади-кетди. Яхши бўлди. «Ҳаммаси шундай буларнинг», дерсан. Бундай бўлмасак, нимага яраймиз! Сенинг хўжайининг, янги ўйнашинг бўлган гўзал таъвиядан қандай фарқимиз бўларди? Янглиш англама! Мен сенга инсонларни севганимни минг бор ҳам сўйладим, ҳам ёздим. Инсонларни севмак сўзи ҳаёлий бир нарса эмас, аммо назарий томондан олинганда бир оз... Йўқса, шундай инсонлар борки, калласини шартта узиб ташламоқ ҳаёлимдан ўтмагани ҳолда, бошқа бир одамнинг ҳаёлидан ўтган бўлади, буни амалга оширса, мен ниҳоят оддий ёзувчидан бошқа нарса бўлмаганим учун, маъзур кўраман. Яна шундайлари борки, ёнларига яқинлашмоқлик заҳарланишнинг худди ўзи бўлади. Сўнгги кунларда шундай одамларни билиб олдимки... Аллоҳ сени ўз паноҳида асрасин!

Ҳечам асл муддаоларимни англатмоқ ниятимга эриша олмаяпман, бироқ ҳаққим бор. Ҳақиқатан, ҳаддан зиёда тартиб уйғотувчи бўлган нарсалар эмас... Шундай қараб тураман-да... Инсонларнинг бошидан кечган, ҳануз менинг каби соф бўлганларнинг... Бу соф калимани амин бўлки, мақтанчоқлик қилиш учун сўйламаётирман. Мақтансам, айниқса, сенинг қаршингда мақтанмоқ истасам, ичимдаги жиннилик, покликнинг биқиниб ўтиргани «соф» калимасини қўлламам. Ҳам заковатли, ҳам пок бир одамнинг бир калимаси, дердим. Нима ҳам йўқотардим? Тўғри сўйламак учун, ўзимга соф бўл, дедим. Софманми, софмасманми? Сен буни яхши биласан. Ора-чора айёрликларим бўлса, буларни ҳам сенга янада яқин бўлмоқ учун қилганлигимнинг фарқига бормаслигининг имкони йўқ. Уларни тушунтириб беришимни истамасан, албатта... Истайсанми тушунтираман? Юқорида нима дегандим: ҳали менинг каби соф бўлганларнинг... деб қолгандим. Эсимдан чиқиб кетди. Муҳим бир нарса эмас эди.

Шу юқоридаги сатрларни ёзганимдан кейин, бир замон қўлидаги қоғозни қўйиб, яна ёзишдан фикр қилишга тушдим. Бу иш, яъни ўйлаш, менга хат ёзишдан анча қулай келади.

Инсон ўйларкан, гўзал жумлалар тузади, қандай яхши фикрлар хотирамга келади, қандай масалалар ҳал бўлади. Баъзан жумла тузмасдан, ўйланиб қоламан. Баъзан жумла тузаман. Бу жумлалар худди мен истаган, ёзмоққа киришганим нарсалар. Ҳолбуки, фикрлашдан сўнгра хат ёзмоққа ўтирганим замон айни

жумлаларни, яъни ўзимча яхши деб ҳисоблаган жумлаларни хотирлайман, ҳатто... Хатнинг жуда тез тузилгани бир тушунча эканини биламан. Уни сўйлашни истамадим. Фараз қилки, сен далага чиқиб кетгансан. Чўнтагингда қалам-қоғозинг йўқ. Хат ёзишни ўйлаб қўйгансан. Уйга кетгунимча, шундай бир нарсани ёзаман, деб хаёлингга туккансан. Мен ана шу онларни пойлаб юргандим. Фикримча, ўйлаганда ёзаётган нарсага шакл беришга ҳаракат қилмаймиз, шунинг учун ўйлаган, ёзмоқчи бўлган нарсаларимиз бизга жуда гўзал бўлиб кўриниб кетади. Ҳолбуки, ҳақиқатда улар гўзал эмас. Чунки шакл топилмаган ерда, бутун тушунчалар, худди шакл бермиш каби, аввалдан, жуда аввалдан бормиш каби бошқа бир дунёдадир. У дунёда калиманинг, жумлаларнинг на грамматикаси, на-да, грамматика ичида мазмунлари бор. Мутлақо яланғоч, яккаю-ягона, инсонга гўзалдек кўринган, ёлғони фақат зўрга кўзга кўринадиган шакл ичида очиқдан-очиқ қолган бир оламдадир.

Нималар сўйлаяпти ўзи, дема. Сенга шуни тушунтиришга тиришаётирман. Хат ёзиш ҳам одамни жуда чарчатади. Фақат бошини эмас, уни қўявер, қўлим ҳам чарчади. Менга ишламаяпсан, деб жаҳл қилма! Дурадгор бир кийим-кечак жавонини ясаганда қанча чарчаса, мен ҳам шунча чарчайман. Ёлғон айтсам аблаҳсан, деявер! Демак, ишлаётирман. Мамнунмисан?

Сенга айтмоқчи бўлган нарсаларимнинг ҳеч биридан сўз очмаганим учун мени афв эт! Ёдимга келган ҳикояларни унутиб қўймасам, бир кун сенга ёзарман, бошқаларга ҳам ўқиб берарман.

Мактубнинг сўнгида, сени ўпиб қоламан, дейишни унутмасман.

Ҳамма нарсани йиғиб-йиғиб, ишни шу ерга тўплашга ҳаракат қилдим.

ИККИНЧИ МАКТУБ

Гўё муҳарририм ёки севгилим, менинг ёзганларимнинг ҳеч бири ҳикоя ҳам эмас, репортаж ҳам эмас, мактуб ҳам эмас деяётгандай бўларди, очигини айтганда нималигини ўзим ҳам билмайман! Яқин кезларда сенга мактуб дея, буларни қўлингга бериб кетаман. Сенга қараб туриб анграйиб қоламан, билмайманки... Билганим бир нарса бўлса, у ҳам инсон севгилисига душман бўларкан. Кўринишидан дўст экан деб, алданмаслик керак. Севгили одам, ҳақиқий душмандир. Жимжилоқдай бир хиёнатга қарайди. Бошқа бир кўзга қарай бериб кўзларинг толгани замон жиним қўзиб кетади. Каравотимга ётганим замон сен қорачадан келган қўлларингни бошқаларга ўптирганингни хаёлимга келтирсам, қутуриб кетаман.

Ким билади, сен ҳам мен каби нималарни ўйлаб юрасан. Ҳар гўзал кўз, ҳар ёноқ ва бурун, ҳар яхши боғланмиш галстук, ҳар

янги туфли ҳақида хаёл сурганинг, тушларингда кўрганинг, юзини кўрганингда титраб кетганинг тасаввурингдаги эркак... Инсон фарзандининг ҳайвон бўлмагани қандай саодат! Майли, биз сизнинг боғу бўстонлар каби гўзал либосларингизнинг, ажойиб ҳид таратган атир-упаларингизнинг остида қолиб кетиб, яхши бир касб соҳиби эканлигингизни фараз эта билайлик. Сизга нима бўларди? Бутун бу гўзал, зўр кийинган, озода кўрган кишиларингизнинг ҳақиқатда бир шайтон одамнинг, бир олчоқнинг, бир мияси йўқнинг, бир савдогарнинг нақд ўзи эканлигини билмайман, қандай билардинг...

Сендан жаҳлим чиқишига менинг қандай ҳаққим бор? «Мен сенинг мулкинг эмасман, дўстингман, севгилингман. Сени танидим. Сен хаёлларимда мавжуд бўлган одам эмассан. Бошқаларни ҳам танишим мумкин. Улар орасидан менинг қизлик чоғимда тушларимга кирган, кўчада кетарканман, ичимни симобдай эритиб юборган одамни қидириб юрибман!»

Шундай дея оласан. Яна аниқроғи дейсан:

«Менда топган жинниликни уларда тополмаяжаксан. Сен шунга хафа бўляпсан, мен буни биламан. Мени тушунмаяжакларидан, сен севганча севаолмасликларидан кўрқасан, шундаймасми? Мен ўзимни яхши деб ҳисобламайман, йўқ, йўқ!..»

Тўғри, севгилим! Сенинг қувонишингга ҳаққинг бор! Сен бир одам ҳақида ажиб нарсалар кўрсата биласан: қотилни кўзидай ёввош, эгрини тўғри, номуссизни номусли, ҳайвонни инсонга айлантиришинг ҳеч гап эмас!.. Билъакс, ажойиботларни кўрсата оласан: яъни кўзини қотилга, инсонни ҳайвонга...

Бу кунларда ишқ ҳақида китоблар ўқидим. Биттасида шундай жойи бор экан: «Ишқнинг илк ҳамдардлиги ҳайронликдир». Мен бу ҳайронликни ҳис этмоқ учун ўттиз беш йил кутдим. Сен ошиқ бўлиш учун бир дақиқага эҳтиёж сезганингни кейинроқ тушундим. Мен бу гўзал дақиқани бунёдга келтиролмадим. Ҳайрон бўлишни ҳам бунёд этолмадим. Магнит қутблари бир-бирини таъқиб этгани каби эдик. Сен менга ҳайрон бўлмадинг. Тўғри, нимамага ҳам ҳайрон бўлардинг?..

Ҳолбуки, сен, кичкинагина нарсалар қидирган инсон эдинг. Масалан, бир оз дурустроқ рақс тушсайдим, галстугимни яхшилаб боғласайдим, сенинг-ла танишганим кун устимда бежирим уст-бош бўлгандайди!..

Бурнимни, кўзимни ўзгартиролмадим. Ҳеч бўлмаса туфлиларимни алмаштирсайдим, а, лаббай! Сен мени илк бор қандай кўрган бўлсанг, ўшандайлигимча қолдим. Иннайкайин, қандай тузилган бўлсам, у ёмон хаёлли кўзларингда мутлақо ўзгармасдан қолганман. Лаванг-бўшлигимга ҳайрон бўлмагин, севгилим!

Охирида бошимни олиб, сен бўлган ерлардан қочдим. Ҳозир қулоғимда ёмон танго оҳанги янграб, ҳатто мени йиғлагундай ҳолга келтириб қўйди. «Сен юрган ерлардан юрмайман».

Ҳозир мен ўз шаҳримдаман. У, яқиндагина бошидан зилзила офатини ўтказган бир шаҳардир. Чор-атроф чанг-тупроқ, шағал, чодир, сафолат ичида. Бойлар уйларини таъмир эттириб, ичига кирибдилар, ҳатто. Об-ҳаво ҳали жойида, уйини тугатолмаганлар ёмғир бошлагани замон чодирларига кириб, қайта чиқмоқлик учун чилп-чилп лойда суза оладиган қайиққа ўхшаш бирон нарса кашф этиш устида бош қотирмоқдалар. Бугун эрта-лаб шундайлардан бирини икки сержант келиб, поездга миндириб юборишди. Яхшилаб даволанармиш... Менимча, у одам ҳақ эди. Нега кўтар-кўтар қилиб кетдилар бечорани, билмайман.

Қаҳвахоналар ғийбатларга тўлиб кетди. Булар оддий, ўзимиз билган ғийбатлардир. Тушунтириб бераман истасанг.

Жон қулоқ бўлиб эшитганим инсонлар, шаҳримизнинг энг мунаввар қисми эди... Аммо билмайманки!.. Мен на муҳандисман, на мутааҳдман, ҳеч нарса тушунмадим бу ишлардан. Гуноҳи ғийбат тўқиган кишиларнинг бўйнига! Мана, сенга буларни ўтириб ширин калималар билан тушунтиришдан бошқа не қолур? Мен ниҳоят эрмакка ўхшаш мактублар ёзиб, сенга жўнатмоқчи бўлганим учун бир четда сақлаб келган, бир дўст топилса, зўрлаб ўқитадиган одамман.

Жоним афандим, масала шундай:

Зилзила минтақасида 11700 лирага хизматчиларга уйлар қуриш юзасидан мутааҳдлар билан келишиб олинди. Уйлар қурила бошланди: битиш арафасида... Аммо, бутун шаҳарнинг оғзида кўпирган бу уйларнинг баҳоси 5000 лирадан юқорига чиқмаслиги маълум бўлиб қолди!.. Агар ҳақиқий яхши материаллар қўлланса, кўпи билан 6000 лирага чиқаркан... Ҳай, майли, бунга 1500 лирага мутааҳд учун пай пули берилсин. Демак, бир уйни 7500 лирага яхшилаб қуриб олса бўларкан. Далиллар аниқ...

Маъмур кишилар уйларида ўйнаб-кулиб ўтирсинлар, мамлакатимизни маданий, Оврўповий ҳолга келтирмоқ учун тиришсинлар. Ҳаммадан аввал уйларини чароғон қилиб олсинлар. Ғийбатларни қўйиб турай. Қизил яримой жамияти ҳам фуқароларга ёрдам берармиш!.. Уйларини тиклаб олсинлар, деб одам бошига юз эллик лира айиришармиш. Фуқаролар ҳам юз эллик лира билан уйларини тиклай олишларига, байрам яқинлашаётир дея болаларига бир жакет, шим, енгилгина оёқ кийими — яманий олибдилар. Яна қувонишсин деб қўлларига биттадан хўрозқанд тутқазибдилар. Байрам бўлган ерда фуқаро болаларини арғимчоқдан учиришибди, тўғриси, одам шунақа арғимчоқ учганда, анча ен-

гиллашади, шакарим. Юз эллик лира ила уй қуриб бўладими севгилим? Сен юз эллик лирага бир шапка билан бир шиппак ола биласан, мен бўлсам: «Валлоҳи пул топиб олдим!» дейман. Биласанки, мен ҳам отамдан қолган нарсаларни еб юрибман. Ташвишланидиган одам йўқ. Чунки фуқаро халқ Қизил яримой жамиятининг чодирларини вақтида қайтаражак вазиятда эмас.

Бошқа нарсалар ҳам бор. Бизнинг Исмоил деган бир темирчи уста бор эди, сил бўлиб ётибди. Яна бир арслондай Қосим деганимиз бор эди. Миллий озодлик уруши пайтларида, душманлар мамлакатни ишғол қилган замонда, партизанларга бир қанча қоп озиқ-овқат лозим бўлиб қолганда, Қосим беш киши билан шаҳарни босиб, душманни шоширтириб кўйиб, шакар қоплар билан станцияда турган локомотивга ўтириб, Гейва бўғозига суриб қолганди. Шунақайди у Қосим... У ҳам ўтган қиш силга дучор бўлиб ўлди... У балчиқда суза оладиган қайиқ ижодкорларига мансуб бўлган бир одам, мен тўққиз ёшда эканлигимда севиб қолган қизни яхши танирди. У севгилимнинг сариқ сочларига тикилиб қоларди.

Кейин аёллар, севгилим, улар яна бир олам!.. Сен яна бир нави одам бўлдинг. Ҳеч бўлмаса, рақсга тушадиган, жудаям бўлмаганда «Чолиқуши» романини ўқийдиган бўлгандирсан. Бу ернинг аёллари илгари қандай бўлса, ўшандай... Рамазоннинг йиғирма учинчи куни ҳам мудҳиш бир зилзила бўлармиш, деб гап тарқатиб, бу гапни... Соатига қадар айтишибди... Кўчада аёлларнинг дастидан юриб бўлмайди. Ҳатто тартиб ўрнатувчилар ҳам осойишталикни таъминлай олмадилар.

Яна бошқа нарсалар ҳам бор севгилим: уйларни қурган мутаахдларга олтитадан автомобиль беришди шинаси билан, ҳар километрга билмайман қанча литр бензин сарф бўлади, қанча ёғ кетади, тагин ҳаммаси текинга-я! Бирор кимса юк машинаси билан иш кўрмаган, нима ҳам дердинг? Қандай яхши одамлар. Автомобиль шиналарига жонлари ачишибди. Бу замонда бензин сарф этиладими, дея ҳамма ишни ҳайвонларга юклашибди. Қумни, тошни, тахта-ёғочларни, кўтос қўшилган араваларда ташибдилар. Автомобиль шиналари эса ҳар кимнинг уй олдида ёта берибди. Қанчага олган эканлар билмайман, чамамда, олти юз лирага бўлса керак! Агар бир кун сотсалар уч минг беш юз лирага сота оларканлар. Аммо сотишолмайди. Нега энди, майли сотишсин. Автомобиль, айниқса, юк автомобилининг шиналари ҳам яхши, ҳам қийматли нарса... Сотишса пулини кассаларига кўярлар. Балки тураберса, баҳоси ортиб қолар. Ёки бўлмасам, бир кун Оврўпо карикатураларидан бирида кўрганим каби, хотинларининг бўйинларига тақиб кўярлар...

Карикатуранинг мазмуни шундай:

Бир бақалоқ хоним, бир автомобиль шинасини бўйнига осиб олиб, кўчадан ўтиб бормоқда. Бир таниши кўриб қолиб:

— Вой, мадам! — дейди. — Бу нимаси?

Мадам бўлса:

— Нима қилай, бундан қимматбаҳо нарса тополмадим! — дея жавоб бераётир.

Ана шундай, биз бу ерда шунақа карикатуралар кўриб, кунимизни ўтказаётирмиз.

Шу хизматчиларнинг уй қуриш касбини гийбатчилик моҳиятидан чиқармоқни истаган уч-беш йигит пул йигиб, худди шундай бир уй қуриб, ҳаммага кўрсатиб қўйишни истамоқдалар.

Ана кўрдингми! Қилса бўладиган нарса бу!.. Оҳ, қаҳвахонада бугуннинг ўзидаёқ бир қарорга келиб, бугун ишга киришиб кетсалар борми. У замон ишнинг гийбату иғво эмаслигини исбот эта билардилар. Қандай яхши бўларди. Лекин, афсуски, қилолмайдилар, севгилим. Биламан. Биз шундай хаёллар қурамизки! Не-не ишларни амалга ошириб қўямиз! Ҳеч бири амалга ошмайди, севгилим! Ҳали иккимиз не-не хаёллар қургандик! Кейин иккимизнинг ҳам не-не ўйнашларимиз пайдо бўлди!

Мен икки хонали уй, товуқлар, хўжалиги бор бўлган мактаб ўқитувчиси бўлишни ўйлаб қўйгандим. Шундай болалар тарбиялаб етиштирмакни орзу этгандимки... У қадар муҳим болалар ҳам эмас: шу йигитларнинг сенга гап отиб, кейин қаҳқаҳа ила кулганларини ҳақиқат қилажак инсонлар!..

Сен нима деб ўйладинг: бундан сал аввал, шу жинни одамлар билан майхона, кинотеатр, пляжларни айланиб юрсам, деддингми. Албатта, бундай нарсаларга муллажиринг бўлиши керак. Мен яна рақс тушадиган вақтларимга, артистларга ўхшаб қизиқчилик қилган болалик кезларимга қайтаман, дердинг.

Иккимиз ҳам муваффақ бўлолмадик. Мен беш тийинсиз, ишсизман, сенинг ҳақингда бўлмағур нарсалар тўқиб, охири касал бўлиб қолдик. Сени ҳанузгача шундай севаманки, бу бир сирдир, севгилим. Кўзларингдан ўпаман.

P.S. Бунга нима дейсан? Пост скриптум калимаси менга ҳеч ёқмайди. Оврўпоча қисқартирилиши байналмилал, қўллана бераман демоқчимисан? Мактубнинг давоми, демак, ҳали бор эди, аммо бириси оёққа туриб:

— Азизим, қани «Пост скриптум»ни билмайман деяпти, ҳамини¹ деган калимани йўқотиш керакми? Эҳ, бу Янги авлод! — дейишади. Ҳа, шундай дейишади, севгилим, сен билмайсан.

¹ Ҳамиш — туркча <P.S.> ишорасидир.

Ҳеч латифа айтадиган вазиятда эмасман. Нима қилай? Бунинг устига менинг турқим жуда совуқ... Мен шундайман асти. Ғаман-дуҳни унутмоқ учун худди ғам-ғуссасизлар каби ишлар қиламан.

Қара, шаҳар ҳам менинг каби ишлар қилаётир, ёзги кино-театрлар тиқилиб кетган, одамлар сифмаяпти. Баладия паркига, Сулуқўрғондан булбул товушли, қорачадан келган, гўзал хонандалар келишибди. Товушлари бир оз бўғиқроқ, аммо ширали. Баракка ўхшаш қаҳвахоналарнинг пикапли радиолари овозининг борича зикр тушгандай садо чиқармоқда. Кўчаларда оломон жонли. Бутун халқда қандайдир жонлилик бор. Жуда кўнглимга ёқади бу. Ҳар ким уйини тикламоқ учун қандай уринаётганини кўрсанг эди. Бу кўрқинчли ва гўзал табиат-ла курашмоқ лозим эканлигини ҳамма англаган. Қиш ота зилзила амакига қараганда анча инсофлироққа ўхшайди, шекилли? Бошингда ҳамон граб, қарағай дарахтлари-ю, кўкнор пўчоқлари бўлмасин. Аллоҳ кўриб турибди, зилзила деб аталмиш тоғанинг етти-саккиз сониялик ғазаби, қиш бобонинг олти-етти ойлик муз каби гўнғиллашига устун бўла олади, ҳатто. Сен нима дейсан бунга, севгилим?

«Граб»¹ дедим-у, бирдан ёдимга бир нарса келди. Анави мак-тубимда — тўғри, бу ортиқ бир P.S. бўлмасдан чиқди, баъзи ср-ларни унутиб қўйдим. Мана «граб» дегандим, ёдимга келди.

Афандим, у хизматчилар уйларининг пойдеворларини ғоят бақувват қилмишлар. Аммо кейин чўпқари томни ёпиш масала-сига келганда ишлар қийинлашиб кетди. Баъзи чирий бошлаган устунлардан каркас ясашибди.

Ҳолбуки, зотан, граб бақувват бўлган тақдирда ҳам, беш-ўн йилда тупроқ ҳолига келармиш! Келармиш, деганимга эътибор берма! Бизнинг уй ҳам зилзиладан таъмир этиларкан, баъзи ус-тунлар синиб кетиб, ичдан суннат тўйи қилинганда суннатга ётқи-зилган болаларнинг чуқларига қўйиладиган кукунлар каби ҳам-маёқни кукун босиб кетди. Ана шунда Аҳмад деган уста:

— Граф устуни, жигарим, шундай бўлади, энг яхшиси, қара-ғай, гўзал ҳидли, бақувват, ёғли қарағай! — дея шундай сифатлар топиб ишга киришиб кетди.

Қарағай устуни қурилишда ишлатилишга, ҳар ҳолда, гўзал ҳидли, чиқадиған мойи ила қаршилиқ кўрсатишга қодир. Бекордан-бе-корга эмас, ёз-қиш яшил бўлиб туради, у мўътабар дарахт! Қувват нуқтаи назаридан айтаяпман, қарағай тахталаридан, устунларидан қилинган уйларнинг чиришга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти зўр бўлармиш. Ичида сақланган куч, ким биледи, табиат уни қандай қуртга қарши дизинфекция этган бўлса, у ҳам инсонни балки со-вуқдан, зотилжамдан шундай ҳимоя қиладигандир...

¹ Граб — қайинлар оиласига мансуб дарахт.

Масала шундай бўлмаса-да, грабнинг баҳоси бир метри юз лира бўлса, бошқасиники икки юз тўқсон лира эмиш. Баҳо ва- зияти аксинчасига қараб қўйилсайди, устларига бу ишни олган- лар, қарағайдан қалъа-ю, саройлар қуриб олмасмидилар? Ўйлаб турибман. Бу менинг шахсий фикрим бўлса керак!

Сенга ғалати бир нарса тушунтирмоқчиман! Шу мутааҳдлар- дан биттасини топиб, гаплашсам, дедим. Ҳеч бири қурилишда йўқ эди. Ниҳоят, биттасини кўрсатдилар. Тўрт-беш киши бўлиб бир четда ўтиришарди. Шу думалоқ юзли, семиздан келгани де- дилар. Мен уни ғажиб ташлагим келарди. Шундай бўлса ҳам яқинлашдим. Бундай бир қарадим, бизнинг бир эскирдан таниш бўлган бир мактабдош ўртоғимиз. Ўтган йилга қадар саломла- шардик... Олтинчи синфдан ғойиб бўлганди. Бир оралиқ ревюда артистлик қилганини кўргандим. Ўтган йилга қадар бир ревюда ёмон ролларда чиққан, ҳеч қойил қилиб ўрнига қўёлмаганди. Мен ўз-ўзимга: «Лоақал бу бола бошқа бир маслак тутсайди», дедим. Унга тўғри юриб бордим. Ғоят саломлашгач, нима дей- ишимни билмай қолдим. Ўзимча: «Нима, ишинг йўқми? Сен газетчимисан? Қайси газетадансан, деб сўрайдилару, мен уларга, эркин муҳаррирман, дейман, ҳаммалари кулиб юборадилар», — дедим-да қаҳвахонанинг бир бурчагига ўтирдим.

Шундай қилиб, мутааҳдлардан бири у эмиш. Мен ўзимнинг ҳисобим тўғри чиққанига мамнун бўлдим «Офарин ўғлонга!» дедим. Валлоҳи офарин! Демакки, менинг ўз-ўзимча улар учун тушунган нарсани у ҳам тушунганди. Тентак, сен ўз ҳолингга боқ, дедим, ўзимга. Ҳам мутааҳд, ҳам бунинг устига у олий ма- қомдаги амалдор, дедилар. Номи улуғ меъмор дипломи ила ревю- ларда артистлик қилгани, бу қадар гўзал санъатда ҳаваскор бўлган- ни учун уни чин дилдан табрикладим. Мени қатъиян танимас- ликка олди. Суҳбатлашолмадик. Суҳбатлашганда шу граб масаласини ҳал этмоқчийдим.

Севгилим, бизнинг мамлакат болалари нақадар гўзал экан- ликларини биласанми? Нега билмас эканман, деб кулма, ҳамма- си ҳам менга ўхшамайдилар. Балки мен истиснодирман. Иннай- кейин, мен жуда хунукманми? Шундайми а, сеvgилим? Мен ҳам инсон ўғлиман. Бу мени сеvшингга боғлиқ. Қара, бурним ях- шиланмоқда, кўзларим маҳмурлашмоқда, кўпол бармоқларим но- зиклашиб, санъаткор бармоғига айланмоқда, тишларим инжу- лашмоқда. Мен шу қадар келишган не-не гўзалларни кўрдимки, уларга ҳушим кетди. Айниқса, мамлакат болаларининг ўзларида тотли самимият, марҳамат, ҳақиқий софлик бордирки, мақтовга арзигулик буюк шаҳарларнинг болаларида булар йўқдир. Бу кўзлар-ла ўн дақиқада одам самимий бўлиб қолади. Бу кўзлар-

ла ўн дақиқада минг йилдан бери таниш бўлган кишидай апоқ-чапоқ, қариндош бўлиб кетади одам.

Бир қанчаларининг, гўзал бўсалар бермоқчи бўлган дудоқларининг четларида, сариқ, сувли, кечалари қўрқинчдан бўлган деб ҳисоблаганим учуқлар кўрдим. Баъзисининг бутун уст дудоғи, баъзисининг бутун лабларининг четлари қоплаб кетган бу учуқларнинг безгақдан шамоллашдан пайдо бўлганини кейинроқ англадим. Ёлғон бўлажак, аммо шундай ёзмоқ истайман. Шунинг учун сени ўз орқамдан тортишни истамадим, севгилим. Истайманки, сенинг гўзал дудоқларингни учуқ босиб кетишини? Уларни сонсиз-саноқсиз бўсаларим-ла учуқламоқни истайман. Безгақдан сўз очилган экан, мамлакатимизнинг мунаввар қисмининг илгари келганлардан бошлаган докторлардан бир лавҳа айтиб бермоқчиман: ўтган замонларда бир буюк зот бу ерларни зиёрат қилганида, докторлардан сўрабди:

— Қандай, халқда бит борми?

Докторлар ҳаммаси бир овоздан: — Баладия доктори бундан мустасно, — дея жавоб беришибди.

— Йўқ, афандим, бу ерда истиқомат қилувчи инсонлар жуда галати, ҳеч битламайдилар! — дейишибди.

Иқлимнинг инсоларга эҳсон этгани бу муҳташам лутфга қарши буюк зот, Аллоҳга шукроналар айтиб, эшикда янги кўйлақларини кийиб, ялтироқ тугмасини ўйнаб турган хизматкорини чақираркан:

— Кел бу ерга, болам, — дебди.

Ёш одамнинг кўйлаги ила ички пахмоқ кийими орасидан бир дона бит топиб, докторга кўрсатибди. Докторлар нима қилишларини билмай қолибдилар. Сўнгра ўша топилган бир дона битни врачнинг кабинетида тўпланиб, муҳокама қилишиб, шундай гўзал иқлимнинг ўзларига кўрсатган хиёнатини Жаноби Ҳаққа арз қилибдилар.

Охирги жумлани, Баладия доктори менга ўз кабинетида ўзи сўзлаб бергани учун, бутун масъулияти унга оид.

Бунга балки инонмаётгандирсан. Бу ерларда фақирларни ватанпарвар сифатида кўришаркан, кўриқдан ўтказишган заҳм касалига дучор бўлган хасталарга, «*Edu distille*¹»ни клизма қилиб, етмиш беш қуруш хизмат ҳақиға олган, жуда халқпарвар, ҳаддан зиёда бадбахт халқнинг «*Ота!*» дея товуш берганини, энг хафиф таъбир ила бир шарлатан², ўзига Сибирь язвасини кўрсатган хастага, домлага дам солиб юборишни тавсия этибди. Ўлганларни

¹ *Edu distille* — тозаланган сув.

² *Шарлатан* — ёлғончи, луттибоз.

зиёрат қилишдан қайтаркан, йўл ўртасида докадай оппоқ, қаттиқ қалтираб турган қора кўзли, янги, озода кўйлагини бир қишлоқи боласини аравага солиб аламидан газабини зўрға ютиб, Баладия докторига олиб кетарди; бу жоҳил қишлоқи боласининг бир язвасини домлага ўқитишни тавсия этган олим доктор орасидаги фарқни тушуниб етгач, мен ҳам мактабда ўқиганимдан уялдим.

Бола:

— Баладия докторини тополмадим. Дорихоначига ёлвордим, илтижо қилдим, бермади. Унда бор, аммо. Мен биламан, унда бор! — деярди.

Унда дори муҳаққақ бор эди. Мен ҳам аминман. Кеча ўрмончи Ҳасаннинг ўғлига Истанбулда юқтириб олган сўзак касалини тезлик билан даволасин дея кукун дорисини топтирган эди!

Яна бир воқеа бор эди. Нима эди у, ажабо? Туриб-туриб эсимга келди: зилзиладан кейин фақир халққа тарқатмоқ учун бир оз зайтун ёғи, зайтун, шағам, яна у-бу нарсалар берилган экан. Мингларча фуқаро ҳужумга ўтибди. Қарасаларки, амалга ошадиган нарса эмас. Мамлакат танийдиган обрўли ҳайъат ташкил этибдилар. Ўшалар тарқатишсин, дебдилар. Мурожаат этганларининг ичида баққол дўконларидаги Аллоҳнинг ҳикматидан — бир каттакон қора, минг литрлик зайтун ёғи сиғадиган ҳали ичига ҳеч нарса солмаган шишасига бир ҳофиз афандининг хотини ҳам қараб турган эмиш. Нима, турмасинми? У ҳофизнинг юз минг пули бор экан, дейишарди.

Ниҳоят, эҳ, дунё низоми бу... Балки уч-тўрт фақир киши фидойи бўлиб, зайтун ёғи олмагандир, аммо бир қанча масала ҳал этилаётган вақтда у ерда бўлганлар ҳам бу кўрқинчли ва чиркин ўлаксахўрларга қўшилиб кетгандирлар.

Сен билан энди суҳбатлашмайман. Ҳатто сени кўришни ҳам истамайман. Қон йиғлаётгирман.

Кўриб турибсанки, сени ҳанузгача севаман. Сени севганим учун ҳам кўзимни тўрт қилиб ўтирибман.

Биз барча инсонлар шундаймиз. Ўнг кўзнинг чап кўздан хабари йўқ, яъни қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор?

Сени ташвишлантирганим учун мени афв эт. Кўзларингдан ўпиб қоламан, жоним, деб.

САБОҲИДДИН АЛИ 1907—1948

XX аср турк ҳикоячилигида ва романчилигида ўзига хос ўрин тутган Сабоҳиддин Али Булғористонда Айвалик номли кичик бир кентда дунёга келди. У бошланғич таълимни Эдремитда олди. Сўнг Боликесир, Истанбулдаги лицей ва ўқитувчилар тайёрлов мактабида ўқиди. Шунингдек, 1928—1930-йилларда Олмонияда Берлин Университетида ҳам таҳсил олди. Сабоҳиддин Али ижодини 1926 йилда шеърлар ёзишдан бошлади. Унинг илк шеърлари Боликесирда ўқиб юрган вақтларида нашр қилинди. Биринчи ҳикояси «Ўрмон фожиаси» 1930 йили «Расмли ой» журналида эълон қилинган. Сабоҳиддин Али 1934 йилда шеърлар тўплами «Тоғлар ва шамоллар»ни эълон қилган бўлса ҳам, унга адабий машҳурликни ҳикоялари ва романлари келтирди. Сабоҳиддин Али ижодининг бошланиш давридаги асосий қаҳрамонлари романтик руҳдаги матонатли, келажакдан умиди катта эркпарвар ёшлар эди. 30-йиллар Сабоҳиддин Али ниҳоятда самарали ижод қилди. У кетма-кет адабий тўпламлар эълон қила бошлади. 1935 йили «Тегирмон», 1936 йили «Арава», 1937 йили «Овоз» ҳикоялар тўпамини, 1937 йили биринчи романи «Куюжакли¹ Юсуф» асарини эълон қилди. Ёзувчининг ҳикоялари мавзу жиҳатдан кенг қамровли. Бу ҳикояларда оғир ҳаёт кечираётган камбағал кишилар ҳаёти ҳам, бойликдан тўқликка шўхлик қилаётган бойлар ҳам бирдек бадий маҳорат билан тасвирланган.

Сабоҳиддин Алининг ҳикоялари билан бир қаторда романлари ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқилади. «Куюджакли Юсуф», «Ичимиздаги Шайтон» ва «Мўйна мантоли Мадонна» романлари шулар жумласидандир.

Романлари ва ҳикоялари билан танилган Сабоҳиддин Али замонавий эртақлар ҳам ёзди. Бу халқ эртақларига ўхшамаган, ёзувчи ўз фикр-мулоҳазаларини рамзий образлар орқали кўрсатмоқчи бўлган эртақлардир. Машҳур ёзувчи Сабоҳиддин Алининг

¹ *Куюжакли* — жой номи.

ҳикоялари ўзбек ўқувчиларига ҳам яхши таниш. Унинг иккита ҳикоялар тўплами ўзбек тилида чоп этилган.

ТЕГИРМОН

Биродар, сен ҳеч сув тегирмонининг ичига кириб кўрганми-сан?..

Кириб кўришга арзийди... Деворлари чапланган, шипга яқин жойдан туйнуклар очилган, йўғон-йўғон тўсинлар қоп-қора шипни кўтариб туради... Яна бир тарафи чархлар, катта-катта тегирмон тошлари, ёғоч ўқлар, тинимсиз айланаётган тўзонли қайишлар. Бир бурчакда эса буғдой, маккажўхори, жавдар, хуллас, ғалла солинган қоп-қанорлар қалашиб ётади. Нақ рўпарада эса, ун тўла оппоқ қоплар...

Тегирмон тошларининг ён-теварагида учиб юрган майда нам заррачалар чанг тўзонга ўхшайди. Ердаги кичкина қопқоқчани кўтарсанг борми, туманни эслатадиган совуқ сув томчилари юзингга урилади...

Бурчак-бурчакдан ҳар хил оҳангда чиқиб, бир-бирига қоришиб, ҳайбатли тўлқиндай қулоқни қоматга келтираётган овозларга нима дейсан, биродар?.. Тепадаги ёғоч тарновдан оқиб тushаётган сув тераклардаги шамоллар сингари увиллайди, тегирмон тошларидан гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб чиқаётган йиғлоқи овоз, қайишларнинг тарсаки ургандек шарақлаган товушига қўшилишиб кетади... Бетўхтов айланаётган чархларнинг «ғич-ғич»и тинмайди...

Мана шунақа тегирмонни кўрганимга анча бўлди, биродар, лекин уни қайта кўришни орзу қилмайман.

* * *

Сен муҳаббат нима эканлигини биласанми, биродар, умрингда ҳеч кимни севганмисан?..

Кўпини севганман? Хўш, ёринг чиройлимиди? Балки у сени севгандир... Уни кўп марта бағрингга босгандирсан... Кечалари учрашиб, ундан бўсалар олгандирсан-ку? Аёл кишидан бўса олиш лаззатли нарса, айниқса, одам ёш бўлса, янада бошқачароқ бўлади.

Ёки маъшуқанг сени севмасмиди?.. Ана шунда сен нима қилдинг? Тунлари йиғлаб чиқдингми?.. Заъфарон юзингни унга кўрсатмоқ учун йўлида интизор бўлдингми? Раҳм-шафқат тилаб, унга узундан-узоқ мактублар ёздингми?

Лекин нима бўлса ҳам, бошқасига кўнгил қўйиш сен учун унчалик қийин бўлмаган бўлса керак?.. Дастлаб киши ўзидан-ўзи уялгандек бўлади, лекин биласанми, бизнинг энг катта маҳоратимиз ўз нафсониятимиздан ҳар нарсани қилса бўлаверади,

деган ижозатни олишдадир. Виждон азоби деган нарса нари борса бир ҳафтадан ошмайди. Шундан кейин ўта кетган қотил ҳам қилган иши учун етарли далил тўплашга киришади.

Ҳа, шундан кейин учинчисига, тўртинчисига муҳаббат изҳор қилдинг, у ёғи ҳам мана шу зайлда кетаверади.

Жуда соз, биродар, лекин буни муҳаббат деб бўладими, бир аёлни ўпишни, унга эришишни орзу қилишни муҳаббат деб бўладими?..

Кийим-бошингни ечиб ташлаб, қўл ва сон пайларингни кесиб ташлашга ва шу аҳволда ўзингни дарёга отиб, сузиб ўтишга қодирмисан?

Бутун бир шаҳар аҳолисини ўлдириш жасоратига эгамисан? Бирор минора тепасига чиқиб, бутун оламга жар сола оласанми?

Муҳаббатинг сени шундай ишларга ундай оладими? Шу ишларни қилолсанг, сени чин ошиқ дейман...

Сен севгилингга нима бера оласан, хўш, қалбингними? Жуда соз, иккинчи маъшуқангга-чи? Яна шуними? Учинчи ва тўртинчисига ҳам яна шуними? Қўйсанг-чи, биродар, нечта қалбинг бор, ўзи? Кейин, биласанми, бу аҳмоқона бир гап: қалбинг ўз жойида турибди-ку, сен уни гоҳ унисига, гоҳ бунисига бераяпсан... Кўксингни тилиб, ўша бир бўлак гўштни маъшуқанг олди-га чиқариб ташласанг, ана шунда қалбингни берган бўласан...

Сиз шаҳарлик ва қишлоқилар севишга қодир эмассиз, сизлар бири итоат қилиб, бири ҳукм қиладиганлар; сизлар бири кўрқиб, бири кўрқитадиганлар... Сизлар сева олмайсиз. Севишни фақат биз биламиз. Ҳа, бизлар фарб шамоли сингари эркин дайдилар ва ўзидан бўлак ҳеч кимни, Худони ҳам танимайдиган лўлилар.

Қулоқ сол, биродар, мен сенга бир лўлининг муҳаббатини ҳикоя қилиб берай...

* * *

Кунлардан бирида — қор энди эрий бошлаганда бутун таборимиз билан ўттизга яқин хотин, эркак ва бола-чақа, тўртта от ва бундан икки баробар кўпроқ эшак билан тўғри Эдремит томонга қараб кўчиб келаётган эдик.

Киши руҳини сиқадиган ва биз учун ҳеч тўғри келмайдиган қишдан кейинги ҳароратли куёш, энди кўкариб чиқаётган майсалар ҳаммамизга аллақандай завқ бахш этган эди. Оқ калта кўйлак кийиб олган иштончан ёш болалар шовқин-сурон билан югурибелар, тош йўл чеккасидаги хандақларда ўмбалоқ ошишарди.

Йигит-яланглар скрипка ва сурнай чалиб юрар, хушовоз қизлар эса, ажойиб кўшиқлар куйлашарди.

Мен ҳам ўт-суви мўл ерни, чодир қурсак бўладиган қишлоқни мўлжаллаб, атрофга назар ташлаб борардим.

Пешинга яқин қора зайтун дарахтлари орасида тик ўсган оч ранг чинор билан теракларга кўзим тушди. Бу ерда кичикроқ бир тегирмон бор экан. Серсув бир сой қатор экилган толларни оралаб, тошдан уйилган тор йўлакка кирар ва у ерда тўрт ёғоч тарновга бўлиниб кетарди. Ерга чуқур томир отган қари чинорлар кўҳна тегирмоннинг қора черепицали¹ томини кўздан яширган, ўнг томондаги кенг саҳнга эса кўланка ташлаган.

Дарахтларнинг шитир-шитирини босиб, тегирмон остидан ваҳима билан пишқириб-кўпириб чиқаётган сув икки қатор терак ниҳоллари орасидан ўтиб, қамишзор орасида кўздан ғойиб бўларди.

Шу ерда чодир тикса ёмон бўлмасди. Деҳқонларнинг юк ортилган эшак билан бу ерга тез-тез келиб-кетиб туришига қараганда, тегирмон ишлаётган эди. Ўқ стадиган масофада қишлоқнинг оқ минораси ҳам кўзга ташланиб турарди.

Ҳали чодирлар қурилмаган ҳам эдики, Отмажа кўлига сурнайини олиб, бир тавақаси очиқ турган катта дарвоза олдига борди-да, чалиб юборди. Сурнай овозини эшитган деҳқонлар ташқари чиқишди ва давра олиб, тинглай бошладилар. Буларнинг орасида тегирмончи ҳам бор эди, у оппоқ соқолини тутамлаб, бепарво ўтирарди.

Биласанми, биродар, шу деҳқонлар, товуқ ва эчкиларини ўғирлаганимизни билсалар ҳам, барибир, бечоралар бизни яхши кўришарди.

Улар бир килега² яқин буғдой йиғиб, Отмажа³га беришди. Тегирмончи бунга икки хурмача қатиқ қўшди.

Бизни бундай ҳурмат билан қабул қилганликларини кўриб, анча дадиллашдик ва сал нарироқдаги зайтун дарахтлари орасига чодир қурдик.

* * *

Ишларимиз ёмон эмас эди. Аёллар тол новдасидан тўқиган саватларини кўшни қишлоқларга олиб бориб, машаққатсиз сотиб келишар; чолғучиларимизни ярим кунлик йўлда жойлашган қишлоқлар ҳам тўйга таклиф қилиб туришарди.

Отмажа табиий, буларнинг бошида эди...

Сен ҳали Отмажага ўхшаган одамга дуч келмагандирсан.

У гавдали, қорачадан келган; қумрон сочлари тўзиб юзига тушган, қўй кўз йигит эди.

Бурни-чи... узун, қиррали... учи бир оз илгакка ўхшарди.

¹ *Черепица* — том ёпиладиган сопол.

² *Киле* — ўлчов бирлиги (Тарж.).

³ *Отмажа* — турк тилида қирғий дегани (Тарж.).

Шунинг учун ҳам биз уни Отмажа дердик. Кенг елкалари устидаги бошини араб отига ўхшаб тик тутарди, умуман, ҳеч бир араб оти унчалик келишган эмас эди...

Унинг мардлиги, гўзаллиги, сози ҳақидаги мақтовлар чодирларда дoston бўлиб тилдан-тилга кўчиб юарди.

У созни бошқа лўлилардек чалмасди, биродар, у нотани биларди. Шаҳар мактабини ўқиб тугатган, кейин ўзи ҳам ғоят сезгир эди... Сурнай чалишини кўрсанг, ҳавони ўпкадан эмас, юракдан чиқаряпти, деб ўйлардинг.

Кечалари ёлғиз ўзи бирон дарахтнинг тагига бориб ўтирарди. Бизлар ҳам чодирларимиздан чиқиб, юзимизни, бағримизни ерга бериб ётиб, уни тинглардик.

У ҳеч кимга кўнгил бермаган эди. Биз кўниб ўтган туркман қишлоқларидаги қизил ёноқли гўзаллар ҳам, гунча лабли лўли қизлари ҳам уни бир нафасдан ортиқ маҳлиё қилолмаган эдилар...

Ҳолбуки, биз у сурнай чалар экан, катта-катта кўзларидаги учкунни сўндирмоқчи бўлгандай ёш чиққанини ҳам, оқиб тушаркан қора ёноқларида оташга дуч келгандай бирпасда қуриб қолганини ҳам ва бир нечтасининг юмалай-юмалай деб, киприкларида илиниб турганини ҳам кўрганмиз.

Ўзи кўп гапирмас, гапирганда ҳам юрагида бор гапни очиб ташламас эди. Ҳеч қайсимиз унинг нимадан азоб чекишини, нима тўғрисида ўйланишини, бу дунёда уни нима қизиқтиришини билмас эдик. Ажабо, нега бунчалик юракларни ёқувчи, бунчалик ҳазин куй чалади? Бировни севгани учунми ёки ҳеч кимни севмагани учунми?..

Ўқтин-ўқтин узоқ вақт йўқолиб кетар, шунда одамлар унинг бўлак лўлилар таборида юрганлигини, шаҳарларга тушиб, катта бейларнинг зиёфатларида бўлганлигини гапиришарди.

Қишлоқ бойлари у билан яқин кишилардай муомала қилишарди. У бўлса, биз билан бирга подадан кўй-кўзи ўғирлар, тўйларда бирга-бирга соз чалишарди...

Қош қорайди дегунча биз тегирмон рўпарасидаги майдонга йиғилиб, ўйин-кулгу бошлардик. Ҳозиргача ҳеч қандай бежо ҳаракат қилмаганлигимиз учун тегирмончи ҳам биздан хурсанд эди. У азим чинор тагига ташланган бўйра устида чордана қуриб, қизи билан ўтирар ва бизни тинглар эди. Тегирмончининг қизи ҳақиқатдан қишлоқ гўзали эди. Унинг юзи лўппигина, лаблари қалин, ўрилган қора сочи эса, тиззасига тушиб турарди. Лекин юзи сўлгин, атрофдаги нарсаларга эса, мутлақо бефарқ қарарди. Нохуш кулгуси лабларидан ўзидан-ўзи тўкилиб кетаётганга ўхшарди.

Бу қиз бечора ногирон эди, биродар, ёшлигида ўнг қўлини тегирмон чархи кесиб кетганди. Ҳозир бу қўлнинг ўрнида белга қистириб қўйилган бўш енг шалвираб ётарди. Мана шу нарса уни одамлардан ажратиб қўйган эди.

Гўзал қизнинг бир қўли йўқ деган нарса нима эканлигини биласанми? У сой бўйларида чўмилган қизларга қўшила олмасди. Вужудини, ундаги айбини ҳамиша кийим билан яшириб юришга мажбур эди... У туни билан бир-бирларининг уйида мажлис қуриб, чақчақлашиб чиқадиган қизларга ҳам қўшила олмасди, чунки қўлидан на чилдирма чалиш, на бармоқ орасига ёғоч қошиқ олиб ўйнаш келар эди... Шунинг учун унинг ёшлиги чексиз ғам-ҳасратда ўтган; шунинг учун у зайтун дарахтларига олмахондек тирмашган, бир-бирини йиқитишиб кулишган, тегирмон ёнида ўғил болалар билан сув сепар ўйнашган тенгдошларини деворга суянган ҳолда ҳавас тўла кўзлари-ла энтикиб кузатарди.

Энди буларнинг ҳаммасига кўникиб кетгандек эди. Бошқа одамларнинг қўлидан келадиган кўпгина ишларни бажариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини билар, шунинг учун ҳам кўнгли ҳеч нарсани тусамасди.

У тегирмон дарвозаси олдидаги тош супачада соатлаб ўтираркан, майдонда ўралашиб юрган товуқларга ёки азим чинорнинг тебраниб турган япроқларига чала юмилган кўзлари билан шундай тикилиб қолардики, бу нигоҳ кишининг юрагини эзиб юборарди. Кечалари эса, отаси билан келиб, унинг ёнига тиз чўкар ва бизга кўз тикиб ўтирарди.

* * *

Гапни қисқа қилай, биродар, бизнинг мағрур ва ноинсоф Отмажамиз тегирмончининг шу ногирон қизига мубтало бўлди. Товусларга, тустовуқларга қиё боқиб қарамаган бу ёввойи қуш қаноти синган бир лойхўракка шикор бўлди. Аттанг, мен буни жуда кеч сезиб қолдим. Мен бу сирни билган пайтда ўт аланга олган эди... Бўлмасам аллақачон чодирларни йиғдириб, таборни бошқа ерга кўчиртирган бўлардим...

Отмажа биров билан гаплашмайдиган, тўйларга бормайдиган, зайтун остида ёлғиз ўзи соз чаладиган бўлиб қолди. Фақат кечаларигина у чинор тагида роса қайнар, кўзини қиздан узмас, созни эса эзиб чалгани чалган эди... Бизни эса титроқ босиб, бақириб дод солгимиз, ерга ётиб хўнграб йиғлагимиз келиб кетарди. Унинг куйида ҳайқириқ оташни ўраб олган оташпарастларнинг, фарқ бўлаётган кемага зарб билан урилаётган тўлқинларнинг доду фарёди, оҳу ноласи бор эди.

Отмажанинг қаноти синган эди, биродар, ранги тобора саргайиб борарди. Тегирмончи қишлоққа тушган кунлари у дарвоза

олдидаги тош супачада қиз билан ёнма-ён ўтирганини ва икки ёндаги метин қоятошларни парчалаб ташламоқчи бўлгандек тирноқлари билан ўйишини кўрдиму, бу ишни ўз ҳолига ташлаб кўйиб бўлмаслигини тушундим...

Бир куни кечаси уни чақириб олдим. Соё томонга бориб толзор ичига кириб ўтирдик. Майда тошларга урилиб оқаётган сувнинг шилдирашидан ва узоқдан келаётган қурбақа овозидан бўлак ҳеч нарса эшитилмасди. Отмажа узоқларга тикилар, нима учун чақирганимни, нималарни гапирмоқчи эканлигимни суриштирмасди. Елкасига қўлимни ташладим. Кўзларини менга тикди.

— Яхши кўрасан-а? — дедим.

— Шундай, — деди.

— Энди нима қилмоқчисан?

Бу саволга жавоб излагандек кўзларини юқорига, юлдуз тўла осмонга тикди, шу кўйи узоқ туриб қолди, кейин тўсатдан:

— Сен бизга бошсан, мендан кўра кўпроқ юрт кўргансан, тажриба орттиргансан, ақли идрокинг ҳам бошқа лўлиларникидан устун. Сенга дилимни ёзишим керак, — деди.

Гўё юлдузларга ҳикоя қилиб бераётгандек кўзини осмондан узмай гапира бошлади:

— Уни севаман, нима қилишимни ҳам билмайман. Менинг муҳаббатим қандай бўлишини ўзинг биласан... Мен орқамдан хизматкорларни югуртирган бадавлат хонимларга қайрилиб қарамаганман. Етти қишлоққа ҳукми ўтадиган оқсоқол олдимга келиб: «Сени деб қизим касал бўлиб ётиб қолди, кел, лўли эканлигини унутиб, ўз фарзандимдай сени бағримга босай. Фақат уйимга кел, қизимни қутқариб қол!» деб ялиниб ёлворганида ҳам жавоб бермай, ўз йўлимга кетаверганман. Мана энди бир қўли йўқ қизни севиб қолдим.

Уни ололмайман, уни уйдан олиб қочолмадим... Ҳолбуки, у ҳам мени яхши кўради. Тунов куни менга буни йиғлаб-сиқтаб гапириб берди. «Кел бирга қочиб кетайлик», — дедим. Хўрсиниб, мийиғида кулди. «Оға, — деди у, — мен сенга қараганда ногиронман, шунинг учун менга садақа бермоқчимисан?». Уни қандай севишимни тушунтирдим. «Кўл ўрнига менга қалбингни берасан, бир қалб бир қўлдан камроқ азизми?» — дедим.

Яна кўз ёш қилди. «Бўлмайди, — деди, — ўзинг ўйлаб кўр, ҳар сафар пешвоз чиққанимда сендан хижолат бўламан. Бошим ерларга киргудай бўлади. Менинг шунчалик хор бўлишимни истайсанми? Мени тинч кўй, ўзимнинг ким эканлигимни билиб, қари отам ёнида қолай, сен ҳам бу томонларга иккинчи қайтиб келма! Сен туфайли мен ногиронлигимни унутиб, ширин-ширин тушлар кўрдим. Сени умримнинг охиригача сира унутмай-

ман. Лекин бўлмайдиган нарсаларга мени ишонтиришга уринма. Агар мени чиндан ҳам севсанг тезроқ бу ерлардан кет!»

Ҳикояси шу ерга келганда Отмажа хорғин сўлиш олиб ерга қаради.

— Биламан, агар қовушсак, бу нарса чиндан ҳам икковимиз учун азоб бўлади. Ўртада тушуниб бўлмайдиган бўғиқ муҳит пайдо бўлади. Менга кўнглини очолмаса, менга ноз қилолмай, жўшқин эҳтирос-ла, бўйнимга ташланолмаса, кўзлари ҳамиша: «нега сен мени деб ёшлигингни қурбон қилдинг, бунга ўзинг ачинмайсанми?» деб турса, мен нима қиламан? Ҳар бир сўзимни, ҳар бир қилигимни ўзига олади, жаҳлим чиқса ҳам, ўйланқираб қолсам ҳам, унга тегиб кетади, суйиб эркаласам, менга ачиняпти, деб тушунади, бағримга боссам, кесик қўлининг ўрни зирқираб оғрийди, ҳаммаси шу зайлда кетаверади...

Нима қилишимни, бу иш мени қасрларга олиб боришини мендан сўрама, менда энди на қувват бору, на ақл-идрок, фақатгина ишқ бор. «Маузер» ўқи сингари текканини қулатадиган ишқ. Энди Отмажангни қанот қоқадиган ҳоли қолмади!..»

У жим бўлиб қолди, кейинги сўзларини шундай юрак эзувчи маъюслик билан айтдики, ортиқча бир нарса сўрашга, ҳатто тасалли беришга ҳам оғзим бормади. Ҳозир на гап гапириб бўларди, на айтган гапим қулоғига кирарди. Қўлтиғидан олиб чодирга элтиб қўйдим.

Аҳвол тобора ёмонлашиб борарди, биродар. Отмажанинг ҳоли мени ташвишга соларди. Лекин ҳеч нарса қилиб бўлмасди. Ҳозирча ишни ўз ҳолига ташлаб қўйишга қарор қилиб, уйкуга ётдим. Туни билан катта чинор остида кучоғини очиб бетоқат кутиб турган Отмажани, лабларида севинч табассуми, сўлган ёноқларида шу кунгача асло кўрилмаган қизил ранг билан унга қараб югуриб келаётган тегирмончи қизини кўриб чиқдим. Лекин улар бир-бирининг бағрига отилай деб турганда номаълум шаклга кирган алланарса ўрталарига тушиб олар, чарх сингари ғир-ғир айланиб, тобора катталашар ва уларни бир-биридан ажратиб юборарди.

* * *

Кунлар кучли шамол ҳайдаб кетаётган оқ булут парчалари сингари бир-бирини қувалаб ўтмоқда. Биз бу шамолдан кейин, албатта, кучли бўрон туришини сезардик. Ҳамма бирор ваҳимали нарса юз беришидан кўрқаётгандек, бутун таборимизни оғир сукунат қоплаган эди.

Қари ва тажрибали лўли кампирлар ўзлари билган дуо афсунларни ўқир, жамики яхши ёмон арвоҳлардан бечора Отмажа учун мадад тилашарди. Унинг қасрга қараётганлигини билиб бўлмайдиган

ган ҳаяжон тўла кўзларига, сўлиб бораётган ёноқларига кўзи тушган йигитларимиз бошларини қуйи солар, қизларимиз бўлса, юзи мурдадек оқариб, лаблари титраб, орқасидан қарашиб қолаверарди.

Хотин-халаж, эркаклар, ёшлар, қарилар — ҳаммамиз ҳеч бир қарорга келолмай, содир бўлувчи ҳодисани кутардик. Гўё дайди шамол бошларимиздан ўй-хаёлларимизни учириб кетиб, бизларни бу ерга ҳайронлик ва саргардонликка ташлаб кетгандек эди.

* * *

Бир куни Отмажа олдимга келиб, «Бу кеча тегирмонда ўйнаймиз, чол билан гаплашиб қўйдим!» — деди.

Ёмғир шивалаб ёғиб турарди. Кечга яқин қаттиқ ёз ёмғири қуйиб юбориши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Буни унга ҳам айтдим.

— Тегирмон ичида чаламан, — деди.

— Тегирмон кечаси ҳам ишлайди-ку, ўша шовқин-суронда чаласанми?

Фалати кулиб қўйди:

— Кўрқма, сурнайнинг овозини шовқинда ҳам сизларга эшиттира оламан. Нафасим етади, ҳали унчалик мадордан қолганим йўқ.

Чиндан ҳам кечга яқин ёмғир зўрайди. Рўпарадаги тепаликдаги дуб ўрмонига кетма-кет яшин тушар, йирик ёмғир томчилари зайтун дарахтларининг қора баргларини аянчли титратарди.

* * *

Ҳаммамиз тегирмон ичига кирдик. Шифтга осилган иккита керосин лампа атрофга хира нур сочар, чархлар, тошлар, чангга ботган қайишлар бетиним айланарди. Булардан баб-баравар кўтарилаётган шовқин черепица томдан шитирлаб эшитилаётган ёмғирга қўшилар, кўкда қувалашиб, кетма-кет гумбурлаб ўтган овоз даҳшатли мақомга қувват бағишларди.

Тегирмончи билан унинг қизи деворга тақалган курсида ўтиришибди. Шипда чайқалиб турган лампалар ёш қизнинг чеҳрасига ажойиб кўланка ташлаганди.

Шовқин-суронни босиб, нафис бир овоз юксалди. Тегирмоннинг қоронғи бир бурчагида ўтирган Отмажа созини чала бошлади.

Биродар, ўша кеча эшитган куйларимни ўлсам ҳам унутолмайман.

Ташқарида борган сари бўрон кучаяр, шамол ҳўл қамчиси билан деворни саваларди. Сув ёғоч тарновдан ошиб-тошиб пишқириб ерга отиларди. Ичкарида тегирмон тошлари пириллаб айланиб гувиллар, ҳушини йўқотгандек тўхтовсиз айланиб ётган

қайиш тинмай шалақлар, ёғоч чархларнинг бир-бирини илиб кетаётган «тиш»лари йиғлаётгандай ғижирларди. Бу шовқин-суронни босиб тушаётган янграган овоз гоҳ ёлворади, гоҳ зўрайиб ўйноқлайди, жимай-жимай деб, такрор кучаяди.

Отмажа қоп-қора порлаб турган кўзларини ғира-шира аранг кўринаётган қизга, унинг паришон, жавдираган шахло кўзларига қадаган...

У шундай нарсаларни чалаётган эдики, биродар биз ишлатадиган сўзлар буни таърифлаб беришга ожизлик қилади...

Баъзан эркаловчи, мулойим, илиқ тонг қуёши эди... Лекин у дарҳол юзимизни чимдиб, кўзимизни кўр қиладиган ҳароратли қумини атрофга сочадиган сахро бўронига ёки кўксимизга қадалган пичоққа ўхшаб кетарди.

* * *

Охирги ва кучли фарёддан сўнг Отмажанинг ўрnidан турганини кўриб қолдим. У икки-уч қадам олдинга босди ва сурнайни бир чеккага улоқтирди. Ҳамма бошини кўтарди, мўлтиллаган кўзлар унга тикилди. У юзига тўзғиб тушган қумрон сочларини қўли билан орқага қайтарди. Тўсатдан чаноғига кириб кетгандек кўринган киртайган кўзлари теваракка назар ташлади, кейин тегирмончининг қизига тикилди, узоқ тикилди...

Ўша дақиқани бир умр унутмайман, биродар, ташқарида бўрон кучайган, девор ағдарилгудай лопиллар, томга ёпилган черепицалар ерга учиб тушарди. Тегирмон қутурган ҳайвондек ҳайбатла бўкирар, тинмасдан гир-гир айланарди. Отмажа чироқнинг хира нурида одатдагидан ҳайбатлироқ, худди бир кўланкадек турарди. Кўзлари қизга тикилган. Чидаб бўлмайдиган бир алам юзини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартирганди. Қорайган юзига югурган қон кўз атрофига урар, тишлаб турган лаблари қонсизликдан оппоқ оқариб кетганди. Бу лаблар бир нима айтмоқчи бўлгандек жуфтланди-ю, йиғлаб юборай деяётган кишининг лабидай осилиб тушди.

Бир зум тикилганча қотиб қолди. Кейин киприклари секин юмилди, йиқилиб кетаётгандай чайқалди. Лекин дарров ўзини ушлаб олди. Яна бир марта бизларга назар ташлади. Гўё у ёрдам сўраётганга ўхшарди: у эзаётган азоб-уқубатга мубтало қилган бу аламлардан қутқазадиган мадад изларди...

Бошига оғир бир нарса урилгандай ингради. Орқасига тисарилиб, тегирмоннинг нариги чеккасига — чарх ва қайиш тўхтовсиз айланиб ётган бурчакка ўзини отди.

Ҳаммамиз ҳам бир нафас ўтирган жойимизда ўтириб қолдик, кейин телбалардек, аюҳаннос солиб, орқасидан югурдик...

Ҳайҳот, биродар, кеч қолган эдик. Кўзлари косасидан чиқиб кетган Отмажа «ғишт қолипдан кўчди» дегандек бизга томон келарди.

Ўнг қўли кесилган, тарновдан сув тушаётгандек қон оқмоқда. Уч-тўрт қадам босиб каловланди, оёғимиз остига йиқилди...

* * *

Мана сенга ошиқ лўли қиссаси, биродар.

Гуллар очилган фаслда, қўлларингга ястанган гуллар сингари ажойиб ҳидлар таратган гўзал билан дарё бўйларида ўтириш, бўсалар олиш, ҳолдан кетгунча бўса олиш қандай роҳат...

Сени кўрганда жабру ситам қилиб, юзини ўгириб олган мағрур дилбарнинг эшиги олдида, ой нурида эрталабгача юриб чиқиш, кейин энг яқин дўстларингга кўз ёши тўкиб айтиб бериш, гап орамизда қолсин — бунинг ҳам бир завқи бор...

Лекин, севган ёрингда йўқ нарсани танангда кўтариб юришни ўзингга эп кўрмай, узиб олиб ташлашни ҳақиқий ошиқлик дейилади, биродар.

ЎРХОН КАМОЛ 1914—1970

Жумҳурият даври турк адабиётининг машҳур намояндаларидан бўлган Ўрхон Камолнинг асл номи Меҳмет Рашиддир. У Адана вилоятининг Жийрон қишлоғида, адвокат Абдуқодир Камол оиласида дунёга келди. Оилавий шароитига кўра Сурияга кўчиб кетган Ўрхон Камол икки йил Сурия ва Лаънда яшайди. У 1932 йили Аданага келиб, пахта фабрикасида ишчи, тўқувчи, котиб бўлиб ишлайди.

Ижодини шеърлар ёзиш билан бошлаган Ўрхон Камолнинг илк шеърлари «Етти кун» журналида 1939 йил Рашид Камол имзоси билан, «Янги овоз» журналида Ўрхон Камол тахаллуси билан эълон қилинган. Бўлажак адиб 1940 йилдан ҳикоялар ёза бошлади ва Ўрхон Камол номи билан эълон қилди. Ёзувчи 1940—1957-йиллар орасида 16 та китобини нашр қилдирди. «Нон қайғуси» (1949), «Сархушлар» (1951), «Жамоширчининг қизи» (1952), «72-сонли камера» (1953), «Иш ташлаш» (1954), «Орқа йўл» (1956) ҳикоялар тўпламлари «Ота уйи» (1949), «Овора йиллар» (1950), «Муртазо» (1952), «Жамила» (1952), «Баракали тупроқлар» (1954), «Бўлган воқеа» (1955), «Хонимнинг кўрғони» (1955), «Тўфонли кеча» (1955), «Вавильон минораси» (1957) романлари бунга мисолдир. Шунингдек, 1960 йили нашр этилган «Эл қизи» романи ёзувчини янада машҳур қилди. Ўрхон Камолнинг адабий қаҳрамонлари асосан оддий инсонлар эди. Ишсиз, дайди, маҳбус, қамоқхона кузатувчиси, котиб, ошпаз, тўқувчи, ҳарф терувчи ва бошқалар. Бу образларни яралишида ёзувчи ҳаётда ўзи кўрган, билган воқеалардан усталик билан фойдаланади.

Ўттиздан ортиқ китоблар нашр эттирган ёзувчининг асарларини мавзу жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Автобиографик руҳдаги асарлар. Масалан: «Ота уйи», «Овора йиллар».

2. Чуқурова деҳқонлари ва пахта тозаловчи ишчилар ҳаётидан олиб ёзилган асарлар. Масалан: «Хонимнинг мулки», «Қонли тупроқлар».

3. Истанбулда яшовчи бечораҳол инсонлар ҳаётидан олиб ёзилган асарлар. Масалан: «Кўчаларнинг боласи», «Фурбат қушлар».

НОН, СОВУН, МУҲАББАТ

Бизнинг турмада Голиб исмли бир ёш назоратчи бўларди. Уззукун қўлидан ойна-тароқ аримасди. Унинг мавжланиб турувчи оч қўнғир сочлари доим бриолиндан¹ ялтираб турарди. У ағдариб тикилган кўк плашда юрарди. Плашни учувчи сержантдан арзон-гаровга туширганди. Рост, плаш аллақачон моладан чиққан бўлса ҳам, лекин ўзига ярашиб турар ва йигитчани консерватория студентига ўхшашроқ қилиб кўрсатарди.

Мен биринчи учрашувимиздаёқ ўз тенгимдай муомала қилганим учун у менга ўзини яқин тутарди. Китобларим ҳам анча иш берди. Турмуш шунчалик азобга солган одам қандай қилиб бунчалик кунт билан кўп китоб ўқишини ҳеч ақлига сиғдира олмасди. Бу китоблардан не фойда? Унинг устига ҳали-бери қамоқдан чиқиши гумон. Гарчанд бир кун келиб озодликка чиққанда ҳам барибир жиноятчи тамғаси...

Сенингча қалай, китоб ўқиш яхшими ёки гашиш чекиш, шашқол ўйнаш ва пичоқбозлик қилган яхшими, деб сўраганимда, у ўйланиб қолди.

Тез орада биз иноқлашиб кетдик.

У, одатда, менинг олдимга навбатчиликни ўтказиб келар, ёнимга ўтирар, бир нуқтага кўзларини тикканича анча вақт гинг демасди. Сўнг Аллоҳ, севги, бахт, жаннат, дўзах, ўлимни суриштиришга тушарди. Тоза зукко эди, қурмагур.

Кунлардан бирида:

— Биз ҳам одамизми? Қанақадир арзимаган ўттиз беш лирани деб уззукун турмада лақиллаб юрамиз. Сиз билан бизнинг орамизда қанчалик фарқ бор? Фарқи — бу ерда биз ўз ихтиёримиз билан юрганимизми? — деб қолди.

У кимсасиз, тамомила сўққабош эди. Қариндош-уруғидан ҳеч кими йўқ эди. Онаси ўн йил бурун ўпка касалидан ўлган, отасини эса кўрмаган ҳам эди.

Бир куни Голиб ҳаяжон билан гапириб қолди:

— Мен муҳаббатга, анови киноларда кўрсатиладиган, самовий муҳаббатга муяссар бўлишни хоҳлайман. Мен ҳамма истакларимни бир қарашимда билиб оладиган севгилим бўлишини орзу қиламан. Шундай бўлсаки, биз у билан сўзсиз нигоҳимиздан бир-биримизни тушунсак, икки-уч хонали уйимиз бўлса, фақат шовқин-суронли шаҳарда эмас, ўрмонда, поёнсиз денгиз бўйида, моторларнинг гуриллаши ва радио шовқинидан узоқда бўлса.

Токи аёзли қиш кечалари қутурган денгиз гулдуросидан, ўрмондан келаётган бўрилларнинг увиллашидан, шиддатли шамолда қулаётган дарахтларнинг қасир-қусуридан дир-дир тит-

раб, бир-биримизни пинжимизга кирсак ва севгилим шивирлаб: «Кўрқиб кетяпман, Голиб», — деса. Кейин оқиш сочли, мовий кўзли лўппигина, худди кинодагидай ўғилчамиз тугилса...

— Кейин-чи?

— Кейин севгилим ўлса ва мен ўз кўлим билан гўр қазисам, кўмсам, қабрини қучсам-да, ўзим ҳам жон берсам...

Бир куни Голиб мендан севги тўғрисида доно сўзлар ёзилган, бир самовий ҳислар чиройли тасвирланган китоб сўради. Менда унақа китоб йўқ эди. Мен дўстларимнинг биридан «Чой гули тутган хоним» китобини олиб бердим. Кейинги куни у кўзлари қизариб келди. Афтидан, кечаси билан кўз юммай ўқиган.

— Биласанми, Маргаритани деб шунақанги йигладимки, мижжа қоқмадим. Вой-бў, бу жимжима ҳарфларнинг нечоғлик сеҳрли кучи бор экан-а! — деди у ва мендан яна биронта китоб беришимни сўради.

Мен унга «Менинг университетларим» китобини тутқаздим.

— Бу унчалик маъқул келмади, — деди у китобни қайтара туриб.

— Шунақа де! — таажжубландим мен. — Нимага энди?

— Балки унда бирон нарса бордиру... фақат бу сенга, менга ўхшаганларнинг ҳаётига ўхшайди.

Мен унга тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Шундайку-я, — фикримга қўшилди Голиб, — сен ҳақсан, албатта, лекин мен ҳар бир китобда Маргарита бўлишини истайман... ва Арман Дюваль ҳам! Мен Арман Дювалдай бўлишни истардим!

У китобни жуда авайлаб тутарди, уни ифлос қилмасликка, йиртмасликка интиларди. Бир куни лазаретда¹ ётсам, олдимга Голиб келиб, бир варақ қоғозни иккиланиб узатди.

— Нима бу?

— Ўқи, биласан.

Бу сийқа жумлаларга тўла хат эди. Унда ўлим жумбоғи, бахт, абадий севгининг теранлиги гулдор қанотли фаришталар, хотин кишини саробга ўхшатиб бунёд этган халлоқи якто ҳақида узундан-узоқ гап юритиларди.

Мен:

— Бу сатрлар кимга аталган? — деб сўрадим.

— У хижолатдан қулоқларигача қизариб кетди.

— Кейин биласан, — истар-истамас жавоб берди у ва хавотирланиб қаради, — қалай, таъсирчанми?

Унинг нигоҳи шу қадар илтижо билан порладика, дуруст, дейишдан бошқа иложим йўқ эди. Акс ҳолда, у мендан бундан кўра таъсирчанроқ хат ёзиб беришни талаб қилиши турган гап

эди. Бу менинг кўлимдан келмас эди. Шунинг учун мен: «Хат жуда қойиллатиб ёзилган» дедим. Аввалига мени ҳазиллашаётибди деб ўйлади, кейин ишонди ва хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Мени лазаретдан бўшатиб, камерага қайтаришганида, Фолиб олдимга келди-да, кўлтигимдан олиб, ҳолироқ гўшага бошлаб кетди. Кейин чўнтагидан қайта-қайта букланган хатни олиб, менга узатди. Бу саводсизлик билан ёзилган хат бир умрга ёдимда қолди.

У шундай бошланарди:

«Севгилим ошиқона мактубингни шу ҳазин баҳор кунларининг бирида олдим ва ниҳоят хушҳол бўлдим. Фақат сен жуда аломат ёзибсан. Мен бунақа гапларни тушунмайман. Юрак юракка интилади. Агар сен мени севсанг, демак, мен ҳам сени севман, агар мен сенга матлуб бўлсам, сен ҳам менга матлубсан».

Хат қуйидаги сўзлар билан тугалланарди:

«Ташқарида менинг ҳеч кимим йуқ, бу ерда ҳам. Нафсиларимни айтганда, мен шунақа битлаб кетдимки, ҳеч ким яқинига йўлатмайди, ҳаммаси ўзини мендан олиб қочади. Кейин доимо ичаклар хуштак чалади. Бир кунга берганини, бир сийишда собламан. Бу ерда яна қирқ кунлик муддат қолди. Агар сен мени ҳақиқатдан севсанг, менга бир юмалоқ совун, икки бўлка нон юбор. Озодликка чиққач, ҳисоб-китоб қиламиз».

— Қалай? — сўради Фолиб, — маъқул бўлдими? Мен унга самовий муҳаббатдан келсам, у менга нон ва совундан гапиради. — У хатни кўлимдан юлиб олди-да, жаҳл устида парча-парча қилиб йиртиб ташлади. — Шулар ҳам аёл бўлди-ю! Териси қалин айиқ булар! Мен унга ноҳақлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

У деворга кўзларини тикканича, аҳён-аҳёнда хўрсиниб, сўзларимни чидам билан эшитди. Мен унга бизнинг ҳаётимизда нон ва совун қандай аҳамиятга молик эканлигини гапирдим.

Эртаси куни эрталаб у яна келди. Унинг мовий кўзлари қувончли порларди.

— Мен унга совун ва икки бўлка юбордим, — шипшиди у менга.

Кейинчалик турманинг аёллар қисмига бориб-келиб турадиган маҳбус-дастёрлар менга, Фолиб бир маҳбус аёлга ёрдам бераётганини, унга нон, совун, баъзан пул юбораётганини етказиб туришди.

Тез орада уни бўшатишди. Бу ёшгина, соғлом аёл эди. Ўн тўрт ёшида зўрлаб эрга беришган экан, ўн беш ёшида хиёнат қилгани учун эри уйдан ҳайдаган. Кўчада қолгач, у тубанлашиб, кўлма-кўл бўлиб кетган... Уч ойга ҳукм қилиниб, турмага қамалган экан.

Орадан бир оз вақт ўтгач, назоратчи Фолиб ўша аёлга уйланибди, деб эшитдик.

ШАВКАТ ЮЖАЛ 1930—2001

XX аср турк адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган Шавкат Южал 1930 йилда Қаҳрамонмаршда дунёга келди. 1950 йилда Диёрбакир Дагиле институтида олий таълим олди. У тўққиз йиллик ўқувчилик фаолиятдан сўнг 1961 йилда Анқара Ғози университетини битириб, Қаҳрамонмаршда ўрта мактабда турк тили ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. 1981 йилда нафақага чиқди.

Ёзувчи ижодий фаолияти давомида «Борлиқ», «Томир», «Овозимиз», «Адабиёт жабҳаси», «Инсонийлик», «Мураббий дунёси» каби кўплаб журналларда ўз асарларини чоп эттирди. У «Кўрмасдан кетганлар» (1966), «Қиш сояси» (1967), «Куёшнинг нурлари» (1970), «Ўзини янгиламоқ» (1976), «Бола ва каклик» (1977), «Муҳаббатга қадам» (1982), «Оқ овозлар» (1984), «Умид бир гул бераётиб» (1986), «Севги қуёши» (1994), «Ярашмоқ истайман» (1996), «Сўзлар билан ўпишув» (1998), «Айрилиқлар» (2000), «Шеър ила келган севги» каби кўплаб ҳикоялар тўпламларини нашр эттирди. Ёзувчи 2001 йил 3 февралда вафот этди.

ШЕЪР ИЛА КЕЛГАН СЕВГИ

Гулшан эди исми. Бизлар бир жойда ишлар эдик. Илк бора кўрганимда ҳеч эътибор бермагандим унга. Кейинчалик бўш вақтларимда нуқул шеър, ҳикоя, романлар ўқиётганига кўзим тушарди. Қизнинг бу одати эътиборимни торта бошлади. Ора-сирада нурли чехрасига термулиб қолардим. Кунларнинг бирида унга қараб «Гулшан хоним кўп кузатяпман, китоб ўқишни ёқтирар экансиз, тўғрироғи бўш вақтингиздан унумли фойдаланар экансиз» дедим. У эса кулимсираб «Ҳа, шунақа, китоб ўқимасам худди бир бўшлиққа тушиб қолгандек ҳис қиламан ўзимни» деди. Бу жавобдан кўнглим ёришди. Сўнгра «Мен ҳам китоб ўқишни ёқтираман, ҳатто ўзим ҳам ёзиб тураман» дедим. Кунлар ўтиб боргани сари бизнинг муносабатларимиз ҳам расмиятчиликни четлаштириб, тобора илиқлашиб борарди. Қаршимда эса гўё бошқа бир Гулшан хоним гавдаланарди ва бу муносабатдан томирларимда қайноқ қон оқаётгандек туюларди. Гулшан хоним

билан кўпроқ инсонлар, табиат, шеър, роман, ҳикоялар ҳақида суҳбатлашардик. У гапираётганида дудоқларидан гўё нилуфар гулларининг ҳиди таралар, сўзларидан ишқ-муҳаббат сурури анқиб турарди. Зотан, орзуларим ҳам шу, яъни қаршимдаги инсон истаганимдек жўшиб-тошиб севишга қодир эди. Овози ҳам сўзлари каби ёқимли, кўнгилни ўзига ром этарди. Бехосдан кўзларим унинг етилган олма мисол диккайиб турган кўкракларига тушиб кетарди. Кунларнинг бирида Гулшан хоним кўлимдаги китобдан бир шеър ўқиди. Овозидаги шира инсоннинг бутун вужудини сел қилиб юборадиган даражада ёқимли эди. У ўқиркан, гўё хона деворлари жаннат гулзорларига айланар, ҳар томондан санъат нурлари ёғиларди. Айнан мана шу, инсонни сархуш этадиган туйғулар менинг қалбимда севги чечагини очди. Бироқ ҳисларимни ундан беркитар эдим. Чунки у йигирма беш ёшдаги гўзал қиз, мен эса олтмиш ёшли қария эдим. Уни бир кун кўрмасам ўзимни кўярга жой тополмас, доимо ёнимда бўлишини, биргалашиб чой ичишни, узундан-узоқ суҳбатлашишни истардим. Биз бир-биримизга шеър ўқишдан чарчамас эдик. Унинг дилтортар жилмайишлари-ю, ёқимли муомаласи суҳбатдошини бир зумда ўзига мафтун қилар, мени эса бутунлай асир этганди. Шундай кунлар келдики унинг қўшиқлар хиргойи қилишларига гувоҳ бўлдим. У куйларкан, дарё қирғоқларида сайр қилаётгандек ҳис этардим ўзимни. Шундай бахтли эдимки, кунларнинг елиб ўтишини ҳам сезмасдим. Бир кун чидолмайин «Гулшан хоним, демак шундай қобилиятингиз ҳам бор экан-да. Шеър ўқиганингизда сасингиз денгиз садосини, қўшиқ куйлаганингизда булбул хонишини эслатади», дедим. Нима қилсам ҳам, қасрга борсам ҳам, хаёлимдан кетмасди сира. Бу роҳатбахш хаёллар уммонига шунчалик ғарқ бўлган эдимки, мана шу уммон тубидан оқиб келаётган илҳом шеър ёзишимга туртки бўлар эди. Қоралаган ҳар бир мисраларимда унинг гулрухсори гавдаланарди. Ижодимдан уни ҳам баҳраманд қилгим келар, бироқ мени нотўғри тушунишидан қўрқардим. Бир куни унга шеърларимни беришга қарор қилдим. У ўз жойида ўтирганида кўлига узатдим. У кўлимдан олиб ўқиди ва бир зумда чеҳраси очилди. Шаҳло кўзлари эса бир муддат ушбу мисраларга тикилиб қолди.

*Менинг муҳаббатим
Майсалар каби ям-яшил,
Кўкнор япроғи мисол нозик.
Далалардаги экинدير,
Сувдир жазирамадан
Савдо денгизига қуйшлаётган.*

Гулшан хоним шеърнинг бу мисраларини такрор-такрор ўқиди. Сигарет ёқди. Ўйга чўмди. Юзлари қизариб «Севдим!» деди. «Севдим бу шеърни. Гўзалликка элтди ҳар бир мисрангиз». Сўнгра оҳу кўзларини менга тикиб: «Менинг ҳам ёзган баъзи шеърларим бор, уларни сизга кўрсатсам майлими?» деди. «Ҳа, албатта, хурсанд бўлардим», дедим. Гулшан хоним билан орамиздаги илиқ туйғуларимиз тобора кучайиб борар, бунинг таъсирида гўё кўкрагимда оққуш қанотларини ёзиб учаётгандек туюларди. Унинг кўзларини, нигоҳини соғинардим доимо. Кечалари тушларимга кирарди. Фалакда кўринган қуёшда, ҳар очилган чечакда, яшилликка бурканган табиатда фақат унинг сиймоси намоён бўлаверарди. Яна унинг ҳам менга нисбатан бефарқ эмаслиги, қалби меҳр-муҳаббат ила лиммо-лим эканини билганим учун ичимдагини очиқ-ойдин айтолмасдим ўзига. Ахир туйғуларимни изҳор этсам, муносабати ўзгаришидан қўрқар эдим-да. Кузнинг сўнги кунини эди. Гулшан хонимнинг оёқ товушлари эшитилди. Дарҳол ҳушимни йиғиштириб олдим, эшикни очиб ичкарига кирди. У шундоққина қаршимда турар эди, эгнида анордек қип-қизил жекети бор эди. Юз-кўзи ҳаяжондан йилт-йилт этарди. Сумкасини очиб бир дафтар олди. Сўнгра менга узата туриб, «Илк саҳифадаги шеърларимни ўқийсизми?» деди. Дафтарни олдим. Шеърни ўқидим. Севги ҳақидаги шеър эди. Гўё ўзимга айтолмаганларини шеър орқали етказмоқ истагандек. Шундай мисралари бор эди.

*Ниятим, сенга фарқ бўлмоқ
Ҳақиқий гўзалликлар оғушида.
Истагим сени беркитмоқ
Лайлак мисол оқ ҳисларим ичига.
Шеър бўлишни хоҳлардим дудоқларингда
Ичсанг дейман мени тўйгунча.*

Шеърни ўқиб, мисраларга кўмилдим. Бир ёним денгизу, бир томоним осмон, бир тарафим гулзору, кўнглим нурафшон бўлгандек эди гўё. Олтмишдан ошган вужудим бирдан янгиланганди. Қушлар ичимда севгидан куйларди бамисоли. Гулшан хоним бутун бөрлиги билан шеър эди мисоли. Бир зум кўзларимни мисралардан олиб, унинг кўзларига тикилдим. Сўнг унга «Иккимиз ҳам бир хил дардга чалинганмиз аслида. Шеърдан қанчалик завқланишингизни кўриб, жуда севиндим» дедим. Шундай қилиб Гулшан хоним билан ўртаимиздаги ришталар мана шу шеърлар кўмагида янада қаттиқроқ боғланди. Севинчлардан қанотланди туйғуларимиз. Ҳар бир кунимизни шеър билан бошлар, дилларимиз ором оларди. Бутун умрим давомида ишқ-муҳаббат эртакларидаги севгига садоқатли малика-

ларни, бу туйгулар қувончида шодланган, дардларда қийнаиб ҳисларимни шеърларга сўйлайдиган қизни орзу қилардим.

Фақат олтмиш ёшимдан сўнгина топдим излаганимни. Бироқ остонада кутган аёлимни кўзига қаролмай азобланар, қилган ишимдан эзилар, унга бу савдонинг сирларини айта олмасдан қийналардим. Ахир ҳар нарсадан устун қирқ йиллик турмушим бор эди-да. Устига-устак фарзандларимнинг иккиси ҳам оилали. Нима қилмай, ўзимни ўзим бу савдодан қутқаролмасдим. Куни келиб ошкор бўлишдан кўрқардим. Ҳатто ўз-ўзимга «Воз кеч бу севгидан, ахир ёш эмассан энди», деб танбеҳ берардим. Фикр-хаёлим унда эди. У шундай савдо эдики, ўзимни ўзим истамаган ҳолда ўзгага топширдим. Ўзимни унутдим шеърлар оғушида. Бир куни яна шеър ёздим Гулшан хонимга:

*Сен гапираётганигда
Гулзорларга айланади еру осмон,
Мусичалар севишишар сўзларингда.
Сен гапираётганигда юрагимда бир жумбуш,
Кабутарлар учишарди томирларимда.
Сен гапираётганигда
Очилади севинчимнинг эшиклари,
Гулғунчалар тўкилади кафтларимга.*

Яна стол бошида эдик. «Яна шеър ёздирдинг менга», дедим ва кўлига бердим шеъримни. У шеърни ўқиди, сўнг кўзларини яшириб, «Ҳар томонлама сеҳрлаб оляпсиз мени», деди. Ёноқлари қизариб, узоқ ўйга чўмди. Нигоҳларимиз тўқнашиб, сассиз гаплашгандек бўлдик. Жим туролмайин савол бердим унга: «Гулшан хоним, сизнингча севги нима ўзи?» Саволни эшитиб уялгандек кўзларини деразага томон олиб қочди. Сўнг майин овозда: «Севги — деди, — инсон қалбига тулпор тезлиги мисол келадими-ю, мақсадига етолмайди».

Унинг бу жавоби менга маъқул бўлди, демак, инсон муродига етса, бу савдо ниҳоялайди. Бироқ севгимизнинг ниҳояланиши мумкин эмас эди. Шунингдек, давом этишга ҳам йўл йўқ эди. Шу сабабдан туну кун ўз ичимдаги билан ўзим курашар эдим. Гулшансиз бу дунёнинг файзи, яшашимнинг маъноси йўқ эди.

Ҳаяжонли кунларнинг бирида унга қараб: «Гулшан хоним, бу савдо гарчи рўёб бўлмаса-да, иккимизнинг ҳам бошимизга тушди. Менинг ёшим ўзингизга маълум. Шундай эмасми?» — дедим. У кулимсиради. Бир нуқтага тикилиб, ўйга чўмди. Сўнг: «Мен учун ҳануз навқирон йигитдексиз. Ахир сизнинг кўнглингиз ёш, ўзингизга сифмай кўйлайсиз, ҳисларингизни кўшиб шеър-

лар ёзасиз». Унинг ҳар бир сўзидан илҳомланар, куч-қувват олардим. Чин дилдан гапираётгани кўзларида намоён бўларди. Шундай бўлса-да, «Сизга ишонаман, бироқ бу ишимиз тўғри эмас деб ўйлайман», дедим. Гулшан яна жилмайди ва «Ахир бу севги ўзи шундай туйғу-да, инсоннинг ақлу ҳушини ўғирлайди. Бу йўлдаги хатолар эса унинг безаги ҳисобланади», деди.

Вақт ўтиб борарди. Вужудимни ғайритабиий туйғулар қамраб олганди. У билан бирга ўтказган дамларимиз жуда кўп бўлди. Ўша онларда унинг гунча мисоли лабларидан бўса олгим, майин сочларини силагим, кучоғимга олиб, қайноқ тафтини ҳис қилгим келарди. Аммо бундай қилмадим, қила олмадим. Уни ранжитиб қўйишдан қўрқдим. Яқинлашсам худди орамиздаги бир нарса тугайдигандек, севгимиз яраланадигандек туюларди. Менинг Гулшан хонимга бўлган муҳаббатим мана шундай беғубор эди. Вақти келиб Гулшан хоним унаштирилди. Сўнг турмушга чиқди. Энди ҳаммаси тугади деб қўрққандим. Аммо бундай бўлмади. Муносабатларимиз олдингидек давом этаверди. Бироз муддатдан сўнг у оиласи билан узоқ бир кентга кўчиб кетди. У кетди-ю, мен ўзимни йўқотдим. Гўё бутун жисму жонимни олиб кетгандек эди. Фақат ичимдаги ёлғиз суянчим — севгим нурлари ҳануз сўнмаган эди. Аслида шундай бўлишини иккимиз ҳам билсак-да, умрлар тилардик севгимизга. Иш еримда ўтириб ташқаридан келаётган оёқ товушларини эшитсам, худди эшик очилиб, у кириб келаётгандек туюлаверарди. Кетишдан олдин ўз манзилини қолдирди ва «Хабарлашиб турайлик», деди. Мен эса «Йўқ, оилангиз муносабатларимиздан хабар топишини истамайман, севгимизга ҳеч зиён етмасин», дедим.

Қизиқ, Гулшан хоним энди узоқларда. Балки ортиқ у билан энди ҳеч кўриша олмасмиз. Лекин ҳар он ёнимдадек гўё. Назаримда ҳали ҳам ўша нозик бармоқларини стол устида ўйнатаётгандек, ўтли нигоҳи билан менга боқаётгандек, ёқимли овози қулоғимда жаранглаётгандек. У, бамисоли ўқиб тўймайдиган бир шеър, деразадан боққан бир қуш эди...

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Адҳамбек Алимбеков. Турк ҳикоянавислиги | 3 |
| Умар Сайфуддин | 6 |
| Умар Сайфуддин. «Баҳор касали» Б. Иброҳим таржимаси | 6 |
| Мармар дастгоҳ. Б. Иброҳимов таржимаси | 17 |
| Умар Сайфуддин. «Рашк» Б. Иброҳим таржимаси | 28 |
| Умар Сайфуддин. «Нақарот» Б. Қосимов таржимаси | 35 |
| Саид Фоиқ | 45 |
| Саид Фоиқ. «Илк баҳор ҳикояси» Мирвали Аъзам таржимаси | 46 |
| Саид Фоиқ. «Биринчи мактуб» Мирвали Аъзам таржимаси | 48 |
| Саид Фоиқ. «Иккинчи мактуб» Мирвали Аъзам таржимаси | 50 |
| Сабоҳиддин Али | 59 |
| Сабоҳиддин Али. «Тегирмон» М. Ҳакимов таржимаси | 60 |
| Ўрхон Камол | 70 |
| Ўрмон Камол. «Нон, совун, муҳаббат» А. Қуронбеков таржимаси | 71 |
| Шавкат Южал | 74 |
| Шавкат Южал. «Шеър ила келган севги» Мактуба Жўраева таржимаси | 74 |

БАҲОР КАСАЛИ


Тошкент — «Turon-Iqbol» — 2010

| | |
|-------------------------|-----------------------|
| Муҳаррир | <i>Ў. Қўлдашева</i> |
| Бадий муҳаррир | <i>Э. Муратов</i> |
| Техник муҳаррир | <i>Т. Смирнова</i> |
| Мусахҳиҳ | <i>С. Абдунабиева</i> |
| Компьютерда саҳифаловчи | <i>К. Голдобина</i> |

Босишга 05.03.10 да рухсат этилди. Бичими 84x108¹/₃₂.
«Times» гарнитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли б. т. 4,20. Нашр т. 4,84. Адади 500 нусха.
214-рақамли буюртма.

«TURON-IQBOL» нашриёти.
100182. Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51-уй.
Телефон: 244-25-58. Факс: 244-20-19

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.
100200. Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй,
тел: 228-00-55.



URON
IQBOL

ISBN 978-9943-14-123-0



9 789943 141230